

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«УМУМИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА»  
КАФЕДРАСИ

Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У.

**«ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВА  
ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ»**

**ДАРСЛИК**

(2012 йил 12 май куни тузатилган)

“))

Тошкент – 2012

Мазкур дарслик иқтисодиёт олий ўқув юрларининг давлат таълим стандартлари ва “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” курсининг намунавий ўқув дастурига мувофиқ равишда яратилди. Унда педагогик технология асослари, унинг таркиби, тузилиши, вазифалари ва унга бўлган замонавий ёндашувлар ҳамда ундан амалда фойдаланишга доир тавсиялар баён қилинган.

Дарсликдан олий ўқув юрларининг талабалари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ҳамда таълим технологиялари ва ўқитиш методикаси бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Данный учебник создан на основе требований государственных образовательных стандартов и в соответствии типовой учебной программы по курсу «Педагогические технологии и педагогическое мастерство» экономических высших учебных заведений. В ней изложены основы педагогических технологий, их структура, задачи и современные подходы к ним, а также рекомендации по практическому использованию.

Учебник предназначен для студентов экономических вузов, с нею могут пользоваться преподаватели вузов, а также исследователи, занимающиеся в области технологий образования и методики преподавания.

The manual is fulfilled on basis requirements state educational standarts on according to typical educational programme “Pedagogical technology and pedagogical skills” for economical higher education.

The material has exceptionally scientific and economic character.

Муаллифлар: пед.ф.д., проф. Омонов Ҳ.Т., и.ф.д., проф.Хўжаев Н.Х., пед.ф.н., доц. Мадьярова С.А., пед.ф.н., доц. Эшчонов Э.У.

«Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади»

А.Ф.Дистервег – немис педагоги

## Кириш

Ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ҳам собит қадамлик билан ислоҳ қилиб бормоқда. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган, бу борадаги ишлар кенг кўламга эришди. Ушбу ҳужжатларнинг талаблари асосида билим ва касб-ҳунар эгаллашга бўлган эътибор кучайиб кетди. Шу туфайли таълим-тарбия тизимига янги илмий-услубий ёндашувлар кириб кела бошлади.

Бу ёндашувлар, ўз навбатида, ўқув жараёнининг турли ташкилий ва методик жамғармаларида муайян ижобий ўзгаришларни содир этади, албатта. Уларнинг катта кўпчилиги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат билан узвий боғлиқ ўзгаришлардир.

Ўқув фаолияти-бу кенг маънода инсон фаолиятининг муайян мақсадлар йўналишида намоён бўлишидир. Бу фаолият фақат инсоният жамиятида амалга оширилиши сабабли, у нафақат ҳар бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Ўқув фаолияти-бу инсонда муваффақиятли меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида уни ўқитиш ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолиятдир. Ушбу жараённинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билимлар, малака ва кўникмалар шаклида ўзгартириш ҳамда уни ўсиб келаётган авлодга беришдан иборат. Ўқув фаолияти инсоннинг индивидуал ривожланиши билан узвий боғлиқ ва унинг ҳамма фазаларда-болалиқдан бошлаб, то улғайган давригача мавжуд бўлади. Шунинг учун тарихий ижтимоий ҳодиса ҳисобланмиш ўқув жараёни ўз ривожланиш тарихига эга.

Демак, ўқув фаолияти, бошқа инсон фаолияти турлари сингари, кишилиқ жамиятига хос бўлган объектив ҳодиса сифатида амал қилади. Жамиятнинг ўзи мураккаб ва зиддиятли ўзгаришларга учраб турар экан, ўқув фаолияти ҳам инсоният тараққиётининг турли ривожланиш босқичларида ҳар хил муайян шаклларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг таълим соҳасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва узлуксиз таълим тизими шаклан ва мазмунан янги ривожланиш босқичларига ўтди, яъни ўқитиш жараёни такомиллашиш йўлига ўтди. Шунини таъкидлаш жоизки, ўқув фаолияти ҳар доим ҳам баркамол инсонни вояга етказишга, унинг маънавий ва моддий маданиятини шакллантиришга қаратилади. Ўқув фаолияти ўз ривожланишининг ҳамма босқичларида ижтимоий йўналтирилган мақсадга эга. Мақсадли амалга ошириладиган жараён ҳисобланган ўқув фаолияти кўп қирралидир. Унинг асосини шахсан ўқитиш жараёни, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчига билим, малака ва кўникмалар мажмуасига бевосита бериш жараёни ташкил этади.

Ўқув фаолиятининг айнан бу томонини таълим бериш жараёни тушунчаси билан белгилаймиз. Ўқув жараёни деганда-ўқув фаолияти, тор маънода, бир мақсадга йўналтирилган таълим бериш сифатида тушунилади.

Бу ўқув фаолиятини асосий томони ҳисобланади. Лекин у ўқув фаолиятининг мазмунини тўлалигича ёритмайди. Ўқув фаолияти таркибига кенг маънода, таълим беришдан ташқари, яна бир энг муҳим ва маъсулиятли жараён-тарбия киради. У ўқув фаолиятининг ажралмас қисми бўла туриб, ўқувчилардан бир қатор зарур ижтимоий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади ва тарбия иккита ўзаро боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Уларда ўқув фаолиятининг иккита вазифаси-таълим бериш ва тарбиялаш вазифалари муайянлаштирилади. Иккала жараён ҳам бир-биридан фарқли равишда ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлишига қарамасдан, улар моҳияти жиҳатидан битта ижтимоий маслак-жамият аъзоларининг комиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг стратегик йўлида оғишмай давом этаётган ва иқтисодий эркинлаштириш йўлига кириб бораётган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий қилиш, миллий кадрларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асослари яратилди, асосий мақсад эса комил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, деб белгиланди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мазкур ҳужжат талабларини амалга ошириш эса таълим тизимини тубдан қайта қуришни, яъни халқ таълими тараққиётининг концептуал қоидаларини қайта кўриб чиқишни ва уни қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилишни тақозо этади. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши жаҳон илмий жамғармасидаги жуда катта ҳажмли ахборот фондидан нимани ажратиб олиш, қанча ва қандай ўқитиш масалаларининг ечими билан бевосита боғлиқдир. Ана шу кесимда таълим технологияларини жорий этиш билан алоқадор замонавий муаммолар ойдинлашади. Қолаверса, ушбу йўналишдаги ишларни янада кенгрок давом эттиришни давр тақозо этмоқда. Педагогик таълим амалиётида касбий тайёргарлик билан боғлиқ айрим масалаларнинг ўз аксини яхши топмаганлиги ҳам тегишли ўқитиш методикаларининг такомиллашувини долзарб масалага айлантдиб қўймоқда.

Ҳозирги пайтда аксарият методист ва педагог-олимлар педагогик технологиялар ўқувчи ёки талабаларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди, деб қарашмоқда. Лекин бундай фикрларни объектив ҳақиқат ўрнида қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги тақлиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди, аксинча, уни инкор қилиши ҳам мумкин.

Шунинг учун, замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчигина кўзланган мақсадга эришишнинг бош қафолатчиси бўлади. Агар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, янги педагогик технологиялар ва унинг асосий негизи бўлган ахборот-коммуникация(АКТ) технологиясини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи ўринга қўйиш лозим. Шу сабабли педагогик жараёнларнинг кун тартибидаги аксарият долзарб муаммоларининг ижобий ёки мақсадга мувофиқ тарзда ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлар ва маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш, улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш, илмий ва илмий-методик ишларда, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг кенг жорий этилишига эришиш, таълим тизимини зарур ахборот воситалари билан етарли даражада таъминлаш, таълим муассасаларини коммуникацион тармоқларга боғлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади.

Хуллас, педагогик технология-ўқитиш жараёнларини оптимал ташкил этишдир. Ўқув материалларини танлаш, қайта ишлаб ўқувчи ёки талабаларнинг кучига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакл ва ҳажмини ўзгартириш ҳам таълим технологиясига дахлдор. Педагогик технология-ўз навбатида таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари ва диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир, яъни фан ва техника янгиликларини ўзида мужассамлаштирадиган ўқув жараёнидир.

Мазкур дарсликда юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал этишнинг айрим жиҳатлари, педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг аҳамияти ҳамда улар билан боғлиқ жараёнларни ўрганишнинг методик асослари баён қилинган.

Дарслик олий ўқув юртларининг магистрлари ва педагогик жараёнлар механизми билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган. Ундан олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар, педагогика ва ўқитиш методикаси масалалари билан шуғулланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

## **1 боб. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

### **1.1. Ўзбекистон таълим тизимининг долзарб муаммолари.**

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич ва муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини ошириш билан боғлиқдир. Шундай экан, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Шундай экан, ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқодли, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, касбига тегишли маълумоти бор, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечиши, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши керак. У педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган авлодни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиладиган, ички зиддиятли жараён дир. Шундай экан, ўқитувчи ўқувчи ёки талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараёни бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ва профессионал педагогикани тушуниб етади. Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи, аввало, педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Таълим тизимида меҳнат қиладиган педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини тобора чуқур англаб бормокдалар.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интиломқдалар. Аммо шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ўқув юртларида айрим ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳамиятини етарли даражада ҳис қилмайдилар, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг талабларини чуқурроқ ўрганишга қизиқмайдилар, ўқув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш ва амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўқув фанларининг илмий ва ғоявий-тарбиявий бирлигини доимо эсда тутмайдилар. Бу эса улар кўлида таълим олаётган ўқувчи ва талабаларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли бўлмаслигига, ўқув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмокда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари вазифалари муваффақиятли ҳал қилиниб, учинчи босқичдаги ўзгаришлар давом этмоқда. Бу босқичда ўқув-тарбия ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш, юқори сифат кўрсаткичига эришиш талаб қилинади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий маданиятга ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради.

Ушбу педагогик ғоя таълим тизими олдида:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни ҳал этиш вазифаларини кўндаланг қилиб қўйди.

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар(ПТ)га янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта такрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурати уқтирилган.

Республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Булар орасида Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, Н.С.Сайидахмедов, Р.Ҳ.Жўраев, Қ.Й.Йўлдошев каби таълим-тарбия жараёнлари фидоийларининг номлари алоҳида ҳурмат ва эътиборга моликдир.

«Педагогик технология» атамасининг моҳияти нимада? «Технология»-юнонча сўз бўлиб, «techné»-маҳорат, санъат, «logos»-тушунча, ўрганиш, демакдир.

Нега бугунги кунга келиб, педагогик технологияга қизиқиш шунчалик даражада кучайди, деган мулоҳаза туғилиши табиий. Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли ва малакали кадрларни етиштириб келган педагогиканинг ўзига хос услублари мавжуд. Педагогик жамоатчиликнинг аксарияти мана шу йўлдан бормоқда, аммо мустақиллик ва келажак сари интилаётган жамиятга бу

йўл кутилган самара билан хизмат қила олмайди. Чунки бунинг замирида маълум сабаблар мавжуд, яъни;

1. Ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги;
2. Фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотлар тизими ҳажмининг тобора кўпайиб бораётганлиги;
3. Замонавий техника ва технологияларни таълимга татбиқ этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш, ўқув-тарбия жараёнида ахборот технологияси(АТ) ва техник воситалар(ТВ)дан фойдаланиш кераклиги;
4. Талаба ва ўқитувчи фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, ўқитувчи таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, таълим усуллари, методлари ва воситаларини яхши эгаллаган бўлиши, талабанинг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўлга йўналтира олиши лозимлиги;
5. Ўқитувчи таълим жараёнини юқори даражада, самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, таълим натижасини олдиндан қайд этиши, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурий таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлашга эришиши кераклиги;
6. Ўқув жараёни учун зарур моддий-техник базанинг яратилган бўлишлиги;
7. Таълим-тарбия жараёни натижаларини холисона ва объектив баҳолаш, талабаларнинг билим ва малакаларини эгаллаш жараёнини назорат қилиш ва баҳолашни автоматлаштиришга эришилганлиги;
8. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажмуий ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилиши каби муаммолардадир.

Демак, замонавий педагогик технология юқорида келтирилган шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбир ҳисобланади.

Бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан бири таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш саналади.

Республикамизда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга доир кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўпланди. Таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларни жорий этишда хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

«Педагогик технология» сўзлар бирикмасининг асосида «технология», «технологик жараён» тушунчалари ётади. Ушбу тушунчалар орқали саноатда тайёр маҳсулотни олиш учун бажариладиган ишларнинг кетма-кетлиги ҳақидаги техник ҳужжат, таълимда эса фан бўйича услубий тадбирлар мажмуаси тушунилади.



Бугунги кунда педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўл-аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Бугун ҳар бир соғлом фикрловчи инсон янги асрда ўзи, яқинлари, касбдошлари, тенгдошларининг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти қандай бўлишини ўйлаши табиий. Ўтган асрнинг аҳамияти, кадр-қиммати, тарихийлиги эса Ўзбекистоннинг мустақил давлат мақомига эга бўлганлиги билан баҳоланади. Мустақил давлат ўзининг асосий қонуни -Конституцияси билан қафолатланган бир қанча муҳим тарихий ҳужжатларига эга бўлдики, улар орасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутди. Ундаги ғоялар, аввало, XXI асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи инсонларнинг манфаатини ифодалайди. Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш, таълим - тарбия дастурларининг интеллектуаллашувини таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш каби муҳим вазифалар кун тартибига кўйилди. Ўтган асрни сарҳисоб қилиб, янги юз йиллик ва минг йилликнинг қандай бўлишини тасаввур этарканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида янги таълим дастурларида назарда тутилаётган замонавий ахборот технологиялари, таълимни компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишини назарда тутмоқ ўринлидир. Зеро, миллий дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий ишларда эътироф этилганидек, «Таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш» малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезонларидандир. Демак, янги аср-информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро интеллектуал-иқтисодий корпорациянинг яратилиш асри, яъни жаҳон миқёсидаги ақл-заковатнинг бирлашуви асри бўлади.

Хўш, ахборот технологиялари нима-ю, уларни инсон идроки, тафаккури ва онгига сингдиришда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларнинг таълим сифатини ошириш ва ахборот ҳамда коммуникация технологиялари ҳамда масофавий таълимни ривожлантиришга таъсир қандай кўрсатишини тасаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда «таълимнинг компьютер технологиялари» ибораси «ахборот технологиялари» ибораси билан аралаштирилиб юборилади. Бу ўринда, асосан, анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти ортиб бориши, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг кучайиши билан изоҳланади. Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак. Мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг негизлашуви инсон

хотирасига ортикча юк, шахснинг тафаккури ва фикр юритиши жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмасмикин? Оннга етиб келаётган ахборотлар шахснинг мавжуд маданий-маърифий муҳитга мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларни ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда биз ахборот технологияларини таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишни хоҳлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва ахборот-коммуникация воситаларининг қўлланилиши, талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришини баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлганида, қайта - қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда кузатиладиган ийманиш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзигагина хос бўлган тушунтириш услуби, методик ёндашуви мавжуд. АКТ воситаларидан фойдаланиш педагогик жараёнлар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янги ахборотларни узатиш технологиялари билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, уларнинг эслаб қолиш қобилиятини кучайтириши мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш ва улардан зарур ўринларда фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайдики, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон бўлади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Ниҳоят, улар “ахборот асри” деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстиради, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг бу нарсага сарфланган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Агар биз ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда барқарор мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Маълумки, педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айти шу соҳалар

ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи, бугун ўқитиш жараёнининг тежамлилиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда оқилона ташкил этилиши кўп жihatдан ўқитувчи, техника ва технология, таълим иктисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар билан бевосита боғланиб қолган.

Адабиётларда "Янги тартиб-қоида", "Янгилик", "Инновация" тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб-қоида, моддий маънода, ижобий ва илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги бўлган ғоя, фаолият ёки моддий объектни англатади

"Янги тартиб-қоида", "Инновацион жараён" атамалари айнан ўхшаш, яъни бир хил маънога эга. Инновациялар таълим амалиёти пайдо бўлганидан буён ўтган узоқ давр давомида унга янгиликлар киритиш, мавжуд таълим тузилмасини мақсадга мувофиқлаштириш, баъзан жузъий, баъзан эса кенг кўламли ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш элементларини жорий этиш эвазига сифатни кўтариш учун у билан ёнма-ён келмоқда. Янгилик - бу техник, технологик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўллашга хосдир.

Кейинги ўн йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология», «Янги ахборотлар технологияси» ва «Замонавий педагогик технологиялар» каби тушунчалар учраб туради. Аммо, уларга ҳозирги кунгача тўлиқ таъриф берилмаган. Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистонинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Буларнинг барчаси таълим-тарбия соҳасида ислохотлар ўтказишни асосий масала қилиб қўйди. Бу масалаларни ечишда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳар тарафлама жавоб беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз олдига бир қатор мақсад ва вазифаларни қўйган.

Мазкур дастурнинг мақсади:

- 1) таълим соҳасини тубдан ислох қилиш;
- 2) уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш;
- 3) ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш кабилардир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутаяди:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ таълим тизимини ислох қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини

шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

2) таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган, демократик-ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

3) кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг ташкилий ва ижтимоий мақомини кўтариш;

4) кадрлар тайёрлаш тизимини ҳозирги талаблар доирасида қайта қуриш;

5) таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

6) тизимни аттестация ва аккредитация қилишнинг ягона методикасини жорий қилиш;

7) норматив ва моддий - техника ахборот базасини яратиш;

8) таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш;

9) тизимга бюджетдан ташқари инвестицияларни жалб қилиш;

10) кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, янги таълим моделининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди:

1) **шахс**-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

2) **давлат ва жамият**-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

3) **узлуксиз таълим**-малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари ва стандартларини ўз ичига олади;

4) **фан**-юқори малакали мутахассисларнинг тайёрловчиси ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларининг ишлаб чиқувчиси;

5) **ишлаб чиқариш**-кадрларга бўлган эҳтиёжни, улар сифатига қўйилган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, тизимни молиялаштирувчи ва моддий-техник база билан таъминлаш қатнашчиси.

Президентимиз И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўла рўёбга чиқса, ижобий равишда “портлаш эффекти” содир бўлишини башорат қилиб, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида шундай деган эди: «Ишончим комил, агар бу ислоҳатни амалга оширсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги портлаш эффектига, яъни унинг самарадорлигига эришамиз».

Назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошса:

1) ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатдаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

2) инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;

3) жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланади;

4) таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади;

5) олдимизда турган ҳар қандай вазифани бажаришда ва мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса «портлаш эффектига» олиб келади.

Миллий дастурни амалга оширишнинг қуйидаги 3 та босқичи белгиланди:

1.Биринчи босқич (1997-2001 йиллар). Мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий моддий шарт-шароитлар яратиш.

2.Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар). Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, мажбурий умумий ва ихтиёрий-мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

3.Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар). Тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Бу жараёнда янги педагогик технологияларнинг бир қанча муаммолари ўз ечимини топади. Улар-таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларининг янада мустаҳкамланиши, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши, миллий (элита) олий таълим муассасаларининг қарор топтирилиши ва ривожлантирилиши, касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритишининг таъминланиши ва ўзини-ўзи бошқариш шакллариининг мустаҳкамланиши каби вазифалардир. Бунда таълим жараёнини ахборотлаштириш ва узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш ҳам кўзда тутилган.

## **1.2. Педагогик технологиянинг умумий асослари**

Бу тушунча XX асрда пайдо бўлди ва 1940-1950 йилларда “таълим технологияси” тарзида қўлланилиб, мазмунан ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишни англаган. Атама дастлаб АҚШда қўллана бошлади. Кейинчалик “таълим технологияси” ўрнига “дастурлаштирилган таълим” атамасидан фойдаланиш кенг ёйилди. Сўнгра педагогик технология- лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода эта бошлади. Ўтган асрнинг 80-йилларида педагогик технология компьютерли ва ахборот технологиялари билан синоним тарзда ишлатила бошлади.

Кейинги ўн йилликларда педагог олимлар ва ўқитувчилар диққатини жалб қилган масалалардан бири педагогик технология (ПТ) ҳисобланади. Бу мавзунинг илмий ишларда, ҳисоботларда, махсус даврий нашрларда қизғин ўрганилаётганлиги, баҳс-мунозарага сабабчи бўлаётганлиги ҳам таълим-тарбияда унинг ўрни нақадар муҳимлигига гувоҳлик беради. Мавжуд материалларни жамлаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таҳлил қилиш, пировард натижада, қатор

концептуал технологиянинг эмпирик асосини яратишга ҳаракат қилиш, шунингдек, уни илмий билимлар доирасига ўтказиш каби ишлар ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Аввало, нега бугунга келиб педагогик технологияга қизиқиш шунчалик кучайди, деган савол туғилади. Айтиш мумкинки, ривожланаётган давлатларда, одатда, биринчи навбатда, педагогик технологияга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Бундай ёндашиш ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда «Таълимни ривожлантириш масалалари» бўйича Халқаро Комиссия ташкил топди. Бу комиссия замонавий технология-таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир, деб баҳолади.

Муҳими шундаки, Президентимиз И.А.Каримов томонидан миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди ва унинг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Хўш педагогик технология нима? Уни амалиётга қандай жорий қилиш мумкин?

Дастлаб «Технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз фанга 1872 йилда кириб келди ва грекча икки сўздан - «технос» -хунар ва «логос»-фан, сўзларидан ташкил топиб, «хунар фани» маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, технологик жараён дейилганда-меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш бўйича қилинган меҳнат ва жараёнлар тушунилади. Демак, бу таърифни исталганча шарҳлаш мумкин, бунда: педагогик технология-бу ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни, деб таърифласак хато бўлмайди.

Қатор йиллардан бери, педагогик технологияга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинди. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланди. Технология деганда, субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳоидисани педагогик технология, деса бўлади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната

бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қаторида, жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди.

Охирги йилларда, Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Шу жумладан, Ўзбекистон олимлари билан ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ҳам педагогик технологияларнинг лойиҳаларини тузиш бўйича анча ишлар қилинди.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб киришнинг зарурлигини бундай мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Беспалконинг фикрича, «Педагогик технология-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир».

Россиялик олимларидан бири-В.М. Монахов «Педагогик технология-аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир»,-деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади. «Педагогик технология-ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади», - дейди у.

М.В. Кларин фикрича, “Педагогик технология-ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган кўрсаткичлардан мақсад келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир”.

В.П. Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Н. Сайидахмедов ва М. Очилловларнинг фикрича, “Педагогик технология-бу ўқитувчи(тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир”.

И.Я. Лернернинг фикрига кўра, “Педагогик технология-ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалайди”.

Ўзбекистонлик методист Б.Л. Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: “Педагогик технология-таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онги ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга соладиган, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир .

Поляк олими Дж. Брунер «Ўқитиш технологияси-бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи маълум йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлигини эътироф этди. Тизимли ёндашиш таъсири остида аста-секинлик билан педагогик технология моҳиятига аниқлик киритила борилди. Рус олимаси Н.Ф. Тализина эса унинг моҳиятини «белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат», деб тушунтирди.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ўтган йилларда ПТ-ўқув жараёнини берилган дастлабки таълим мақсади ва мазмунидан келиб

чикиб лойихалашдир, дея ифодаланди. Бу бир жихатдан тўғри, лекин теранрок фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади ёки бундай ёндашишда ўқувчи шахсининг инкор этилиши сезилади. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В. Беспалько пайқади ва ўз асариди «Педагогик технология-бу педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш - лойихалашдир», деб таърифлади.

Педагогик технологияга берилган таърифларнинг қиёсий тавсифлари кейинги параграфда батафсил келтирилган.

Шу ўринда ҳамкасбимиз Х. Абдукаримовнинг «Маърифат» газетасида(1998 йил, 27 май) босилган «Замонавий педагогик технология нима?» мақоласини дидактик нуқтаи назардан баҳолашни китобхонлар ҳукмига ҳавола этайлик-да, ундаги бир-бирига зид ва илмий асосланмаган икки таърифни келтириб ўтайлик: 1. «Миллий дастур»-бу янгича педагогик технологиянинг ўзи». 2.«Педагогик технология-педагогик маҳорат тўғрисида фан». Бу борадаги таърифларнинг хилма-хиллиги бир томондан бу мавзунинг у ёки бу жихати сохта ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишга бўлган уринишларни ифодалайди.

Қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди ва у турли фаолият доирасида эди. Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга мамлакатимизда кенг имкониятлар туғилди. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланаётганлигини замонавий педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очмоқда.

Бизнинг фикримизча, янги педагогик технологияга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида қараш ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим, деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлайди. Бу ерда изланишнинг моҳияти - педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида модернизация қилишдан иборатдир. Сабаби, ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради. Демак, ПТ - амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойихасидир.

Унда, педагогик тизим моҳияти нимадан иборат? Педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларини шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади. Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгариши шарт.


«Кадрлар тайрелаш миллий дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Демак, миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинапти. Фақат давлат буюртмасигина таълим ва тарбиянинг аниқ мақсад ва вазифаларини



белгилаб беради ёки олий таълим учун педагогик технологиянинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

### Ижтимоий буюртма



Олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб берди:

1. Талабалар.
2. Таълим ва тарбиянинг мақсади.
3. Таълим ва тарбиянинг мазмуни.
4. Таълим жараёни ёки дидактик жараён.
5. Педагог ёки ўқитишнинг техникавий воситалари.
6. Таълим ва тарбиянинг ташкилий шакллари.

Юқорида келтирилган педагогик тизим ҳар қандай илмий назарияга хос бўлгани каби қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни ҳал этиш технологияси. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси каби аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши лозимлигини тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагог-методистлар ҳозирга қадар дидактик масалаларни аниқ ифодалашга ва унга мос келадиган ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишга эътибор беришган. Шу нуқтаи назардан, миллий дастур ижтимоий буюртма сифатида янги педагогик технологияга «янги» сўзининг қўшиб ишлатилиши назариячи олимларимиз ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини кўпчилик англаб етмоқда. Шундай экан, педагогик технологияни қандай янгилаш мумкин? Эътиборни юқорида берилган педагогик технологиянинг тузилишига қаратайлик. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини кўрсатади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсад эса педагогик технологиянинг бош бўғини ҳисобланиб, у педагогик тизимнинг

қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифа, деб белгилади. Демак, таълим-тарбия мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши табиийдир.

Таълим мазмуни давлат таълим стандартлари(ДТС), ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиш каби шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилди.

Шундай қилиб, педагогик технологияда дидактик масалаларнинг ўз ечимларини топиши-миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир. Агар педагог қўлида билимга чанқоқ талабалар, фан мақсадига мос мазмундаги дастур, дарслик ва қўлланмалар мавжуд бўлса, у дидактик жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятининг ташкилий шаклларида самарали фойдаланиб янги педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма кет жорий этиши мумкин. Шу боисдан, ўқитувчи маҳоратига кўп нарса боғлиқлиги, унинг педагогик тизимда тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталиш зарурати туғилади.

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада, маълум вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимда белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратини илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равишда кенгайтириб бориши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараёни амалга ошириш билан таниш бўлиши керак: бу-биринчидан, жадаллаштириш ва табиатан монандлик талабидир. Жадаллаштириш дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараёни қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияга бу талабни аниқлаб берувчи омил – талаба(ўқувчи)ларнинг маълум фаолиятни ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчидан, ўқув-тарбиявий жараёни шундай ташкил этиш лозимки, бунда мумкин қадар талабаларнинг кенг доирада тажриба эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий малакасини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин. Бу талабни аниқлаб берувчи омиллар: талабаларнинг ўқишга бўлган хоҳиши, ўқув меҳнатига муносабати ва соғлом психо-физиологик фаолияти кабилардир..

4. Ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шаклларида фойдалана олиши керак. Ўқитишнинг ташкилий шакллари тўғри танланиши педагогик тизим элементларининг маълум қонуният асосида бир-бирлари билан боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва энг мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш-таълимда расмиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориши лозим. Бу тўғрида олинган ахборотлар эса педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқалар имкониятини беради ёки тизимдаги қайси элементнинг мазмунига тузатиш киритиш керак эканлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, педагогикага хос бўлган технологик жараёни амалиётга тадбиқ қилиш билан боғлиқ педагог маҳоратининг баъзи қирралари тўғрисида тўхталдик. ПТнинг илмий характерга эга эканлигига эътиборни қаратган ҳолда, унинг амалий йўналишга хослигини, уни аниқ масалаларни ҳал қилишда қўллаш мумкинлигини эътироф этиш керак.

Демак, назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш заруратини англаш замонавий педагогик технологияларнинг тузилмасини аниқлаб берадиган бир қатор ҳолатларни белгилашга имкон беради:

1. Замонавийлик таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба-синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигини тақозо этади.

2. Ўқув жараёнини мақбуллаштириш-кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

3. Илмийлик таълимда янги воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни, ташкилий масалаларнинг янги ечимларини қўллашни тақозо этади.

4. Талаба ва ўқитувчининг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқча ҳаракатларини йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва керакли натижаларни қўлга киритишга интилишни таъминлайди.

5. Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш-замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидан биридир.

6. Ўқув жараёни учун моддий-техника базасининг мақсадга мувофиқлиги-ПТнинг навбатдаги белгисидир.

7. Ўқув -тарбиявий жараён натижаларини сифатли баҳолаш-ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрлар таҳлили асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёнини илмий асосда қуришга йўналтирилган, ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Таълим ижтимоий тизимнинг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамият тараққиётининг йўналишларига боғлиқ равишда рўй бераётган аксарият ўзгаришларга мувофиқ ўзгара боради. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни

кўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуйидаги асосий янгиликлар хосдир:

- молиялаштириш ва бошқариш соҳаларидаги ўзгаришлар;
- таълим тизими тузилишидаги мунтазам ўзгаришлар;
- таълим технологиясида рўй берадиган доимий ўзгаришлар ва ҳ.к.

Шундай қилиб, янги техник воситалар ва янги технологиялар-таълимга янги тартиб-қоидаларни киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бироқ уларни қандай қилиб татбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиб олиш, аслида, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.. Бунинг учун махсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вақт сарфлаш лозим, яъни таълимда инновацион жараёнларнинг татбиқ қилиниши билан ўқитувчининг роли пасаяди эмас, балки ўқув-тарбия жараёнининг юксак босқичларида яна ҳам ортади. Бу эса педагогдан ўз илмини янгидан ва танқидий таҳлил этишни талаб этади. Чунки янги тартиб-қоидалардан фойдаландими ёки ахборот манбаи сифатида қолиб кетадими, бу нарса айни ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўқув технологиясининг бевосита тартиб-қоидаларига жиддий тайёрланган, йўл-йўриқ олган, мосланган, руҳланган бўлиши лозим.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ўз ижодкорлик сифатларини шакллантиришга интилишида, педагогик одобининг намоён бўлишида, қобилияти ва касбий малакасини такомиллаштиришида, кутилмаган вазиятларда топқирлик қила олишида, ўқувчи-талабаларни комиллик сари моҳирлик билан етаклай олишида кўринади.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларни ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчи иқтидорли ҳисобланади. Педагогик ижодиёт-ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимларни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш буйича ижодий ишининг касбий, махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижасида янгиликнинг асосий намоён бўлиш шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларнинг ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усуллариининг методик ва назарий жиҳатдан мукамал ишлаб чиқилиши, ихтиро этилиши ва такомиллашуви ҳамда улардан самарали фойдаланишда кўринади.

Янги таълим тизими мазмунига ўтмишнинг қимматбаҳо маънавий қадриятларини киритиш ва унутилаёзган ёки тақиқланган баъзи бирларини қайта тиклашдан мақсад ўтмиш олдида эгилиш эмас, балки унга таяниб, ижодий фойдаланган ҳолда ривожланишнинг янги поғонасига чиқиш демакдир.

Бугун биз янги кўринишдаги таълим тизимини ишлаб чиқишда Туркистон цивилизациясининг энг кўп гуллаб яшнаган давридаги, яъни VII-XII асрлардаги меҳнат ва касб таълим тажрибаларига таянмоғимиз лозим. Ўша давр маданияти ва фанининг асосини таълим ташкил этган, ривожланишнинг энг юқори чўққиларига эришиш йўлида файласуф ва педагогларнинг аниқ ва концептуал ғоялари шаклланган эди. Ҳозирги замон атамаси билан айтганда, таълим ва тарбия, илм — бу узлуксиз равишда маънавий, жисмоний ва ақлий салоҳиятини ривожлантириш жараёнидир. Ўша давр файласуфлари инсоннинг маънавий, жисмоний ва ақлий хусусиятларини яқка мужассамликда, деб

белгилашган. Бундай фалсафий педагогик концепция таълим жараёнини шахсининг маънавий-ахлоқий хусусиятларини бошлаб берувчи омил деб, эътироф этади. Бу концепцияларнинг мазмуни фақатгина файласуфлар ишларида эмас, балки меҳнат ва ижоднинг турли вакиллари асарларида ҳам ўз аксини топган эди.

Масалан, рисола - бу ҳунармандлар ва уларнинг ўқувчилари учун мўлжалланган қўлланма бўлиб, унда урф-одат, расм-русум, турли удумлар мажмуаси акс эттирилади. Рисолалар кичик ҳажмдаги китобча шаклида бўлиб, уларнинг мазмуни ушбу соҳа ҳунармандчилиги бўйича машғулотлар ва баъзи бир панду насиҳатларни ўзида мужассамлаштирган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, деярли барча рисолалар бир хил қолипда тузилган бўлиб, одатда, китобчанинг бошларида бутун олам эгаси бўлган Аллоҳ, пайғамбарлар ва унинг барча чориёрларини кўкларга кўтариб мақташ, сўнг ушбу ҳунармандчиликнинг Аллоҳ неъматини эканлиги, кейин эса ҳунарманд иши бошланадиган ва ҳар бир хатти-ҳаракати ёки лозим бўлган Қуръон оятлари ёки жараёндан олдин айтиш лозим бўлган Қуръон оятлари ёки бошқа дуолар, уста ҳунармандларнинг маънавий - ахлоқий сифатлари ёритилади.

Рисолаларни тадқиқ этиш натижасида уларнинг ўрта аср ҳунармандлигида ўзига хос педагогик қўлланма сифатида хизмат қилганлигига, рисолаларда замонавий тил билан айтганда, ҳунарманд касбий фаолиятнинг мазмунини акс этганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Чунки давлатнинг асосини маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайдиган. Миллий педагогика тажрибаларига мурожаат қилиш эса бундай мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан биридир.

Ёшларни мустақил билим олишга ўргатиш-бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Маънавий интеллектуал сифатларни замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараёнга самарали ўзгаришлар киритади. Ўқувчи ёшларнинг, талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларни одилона баҳолаш тизими тарбия мазмуни, усуллари ва унинг ташкилий шакллари яхшилашга доир тузатишлар киритиши лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эга ишдир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимининг бойишига, улар шахсининг ривожланишига ҳамда тарбиясига таъсир кўрсатади.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг 3 вазифаси борлигини алоҳида уқтиради:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида хулоса чиқарилади ва галдаги вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи-талабаларда билимлар янада кенгаяди.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади.

Жаҳоннинг илғор тажрибалари ва кўплаб педагоглар меҳнатининг натижаси ўлароқ, рейтинг услуги бугунги куннинг энг мақбул назорат мезони деб қабул қилинди.

Рейтинг деганда-баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган кўрсаткич бўйича баҳолаш тушунилади.

Рейтинг назоратида тест усули ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда аниқ вазифанинг такомиллашганлик даражасини аниқлаш ҳамда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини пайдо қилувчи ва бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов курали тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назорат ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади ва ҳ.к.

Рейтинг назорат тизимининг асоси сифатида ўқув режасига киритилган.

Ҳар бир фан бўйича талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари баллар билан ифодаланади. Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси тарзида талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш жараёни чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари шаклида ташкил этилади:

- жорий назорат;
- оралик; назорат;
- якуний назорат.

Жорий назорат - бу ўрганиладиган мавзуларнинг ўқувчи, талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини дарс жараёнида мунтазам равишда назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан қандай узлаштирганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб боришни кўзда тутади.

Оралик назорат - бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олади ва шу қисм бўйича талабанинг билимини аниқлашга хизмат қилади. Оралик назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат - бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитиб бўлингач ўтилган мавзулар бўйича ёзма ёки оғзаки усулларда, шунингдек, тест синовлари шаклида ўтказилади. Талабанинг фан бўйича

семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралик, ва якуний назоратларда тўпланган баллари бўйича аниқланади.

Ўқув, педагогик, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллари билан баҳоланади.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий - сиёсий жиҳатдан юксалди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун бугунги кунда келажак руҳига мос бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила бошлади. Мустақил давлат ўзининг муҳим тарихий ҳужжатларига ҳам эга бўлди ва улар орасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади.

Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида шу нарса алоҳида белгиландики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш-таълим-тарбия дастурларининг интеллектуаллашувини таъминлайди. Демак, янги аср-информацион технологиялар асри бўлиши билан бир қаторда уларнинг ўқув жарёнларига кенг қўламда аралашувини ҳам таъминлайди.

### **1.3. Педагогик технологиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг таърифлари**

Республикамиз ҳукумати томонидан таълимни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор соҳаси деб эълон қилиниши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларининг демократлашуви ва инсонпарварлашуви ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим тизимининг ривожланишига асос бўлди ва таълим тизимида туб ислоҳотлар учун кенг имкониятлар яратди.

Ижтимоий воқелик таълимни бошқариш муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни мустақил йўналиш сифатида ажратиб олиш, таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг асосланган усул, воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруратини белгилаб берди. Унинг ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш ўртасидаги ташкилий-бошқарув, ахборот алоқалари; ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик шахсни шакллантиришдаги яхлит жараённинг таркибий қисмлари сифатидаги аҳамиятини оширди.

Бугунги кунда эркин ва мустақил фикрловчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда ва фаол иштирок этишга қодир ёш авлодни шакллантириш-«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий устувор йўналишидир. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларни жорий этиш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришни тезлаштириш имконини беради. Дастур таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш орқали таълим бошқарувини демократлаштиришни ўз ичига олади.

Ўқиш, ўқитиш – инсон фаолиятининг бошқа соҳалари сингари - ижтимоий фойдали фаолиятдир. Иқтисодий тизимлар нима ишлаб чиқараётгани билангина эмас, балки қандай ишлаб чиқараётгани ва қанақа меҳнат қуроллари ёрдамида ишлаб чиқараётганлиги билан бири иккинчисидан фарқ қилади, деган ғоя ўқиш-ўқитиш фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Педагогика фанида таълим усуллари ривожланишига шу нуқтаи назардан қараб, уни шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Муаллим «ўз қўл кучи» билан ўқитиш босқичи, яъни ўқувчи учун ахборот манбаи – ўқитувчининг ўзи бўладиган жараён.
2. Ўқув китоблари, дарсликлар яратилган ва кенг қўлланилган босқич.
3. Аудиовизуал воситалар қўлланилган босқич.
4. Ўқитишни бошқаришда оддий автоматлаштириш воситаларини қўллаш босқичи.
5. Ўқитишни замонавий АКТлари воситасида бошқаришнинг автоматлаштирилган босқичи.

Инсониятнинг ривожланиш даврлари алмашганда педагогик технологиялар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки педагогик технологиялар кейинги даврларга ассоциация орқали фикран боғланади, янги сифатлар, хусусиятларга эга бўлиб, кучаяди ва бойийди. Ушбу жараён борган сари тезлашиб боради.

Кишилиқ тарихида 1-босқич узоқ муддат давом этган. Унда ўқитувчи ўз кучига, ўз билим ва маҳоратига асосланиб иш бажарган. Кейинчалик дунёвий ва диний мазмундаги қўлёзма китоблар яратилди, лекин ўқувчи уларнинг мазмунини ўқитувчи фаолияти воситасида ўзлаштиради.

2-босқич, яъни қоғоз ва ўқув китоблари даври ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ, дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси эса ҳамон мукамал эмас. Лекин ўқитишнинг 1,2,3-босқичларига хос таълим воситалари мактабларга жадал кириб бормоқда.

Ўқув адабиётларини жорий этиш қарама-қаршиликлар кураши натижасида содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар курашсиз амалга ошмаган, бундай ўзгаришлар осон кечмаган. Бугунги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айрим педагогларда кейинги даврларда вужудга келган ўқув воситаларини ўзлаштириб олишга, таълим-тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга интилиш суёт даражада. 1-босқич ўқув воситалари ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди.

Бу педагогик босқичларнинг ҳар бирида таълим методлари такомиллаштирила борганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, замонавий технологияни қўллайдиганлар сафи кенгая борган.

Бугунги кунда республикамизни ривожланган давлатлар даражасига чиқариш мақсадида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор соҳасига айланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади ва вазифаси кун тартибига қўйилди. Аудиторияларга кириб ўқув жараёнини кузатган киши мавжуд педагогик тизим биринчи ва иккинчи босқичларга хос эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Педагогик технологиянинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик мулоқот технологиясида ўқитувчи (педагог)нинг ўқувчи-талабалар билан мулоқоти.

Мулоқотнинг вазифалари:

- шахсни таниш, ахборот алмашиш;
- келгуси педагогик мулоқотни моделлаштириш ва таҳлил этиш;
- мулоқотдан олинadиган тасаввурлар;



- мулоқот юзасидан фикрлаш ва фикр алмашиш;
- педагогик мулоқотни ташкил этишнинг техникаси ва технологияси ;
- ишга ижодий ёндашиш ва бошқалар.

#### Педагогик талаб технологияси.

- «педагогик талаб» тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари;
- хулқ-атвор ва ижтимоий-маданий қоидаларнинг намоён бўлиши;
- ўқувчи-талабага бўлган ҳурмат ва талаб;
- педагогик талабнинг психологик тамойиллари ва мезонлари.

#### 2. Баҳолаш технологияси, педагогик баҳо ва уни мезонлаш.

- хатти-ҳаракатлардан олинган таассурот, воқеликни, объект ва субъектни қабул қилиш;
- баҳо бериш усулларини танлаш, ўқитувчи(педагог)нинг ўз имкониятини таҳлил этиши ва таъсир самарадорлигини ошириши);
- педагогик баҳолаш технологияси.

#### 3. Ахборотнинг таъсир кўрсатиш технологияси.

- нутқий-ахборот бериш, «рационал ахборот бериш» тушунчалари, демонстрацион ва кўргазмали воситалар-ахборот олиш воситаларидан бири сифатида;
- нутқий таъсир этиш, суҳбат, ҳамкорлик, тезис, аргумент, кўргазмалар ва образлар;
- нутқий таъсир этиш технологияси;
- демонстрацион ва кўргазмали воситалар, этик, иқтисодий, эстетик, гигиеник материаллар;
- қабул қилишнинг физиологик ва психологик хусусиятларини демонстрация қилиш технологияси.

#### 4. Педагогик вазиятларни яратиш ва уни ечиш технологияси.

- педагогик конфликт тушунчаси – конфликт педагогик технология элементи сифатида, конфликт субъектлари орасидаги қарама-қаршиликлар, бўш ва мазмунли конфликт;
- ҳолат таҳлили (воқеани аниқлаш);
- конфликт;
- конфликтнинг хилма-хиллиги (норозилик, қарши чиқиш);
- конфликтни ечиш шакллари (юмор, ҳазил, мутоиба).

Замонавий педагогик технологиянинг қўшимча элементлари:

1. Психологик муҳит яратиш технологияси.
2. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш технологияси.
3. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз ҳолатларни ташкил этиш технологияси.
4. Ўқувчининг хатти-ҳаракатига педагогик реакция қилиш технологияси.
5. Хулқи ва одоби ёмон ўқувчи-талабалар билан ишлаш технологияси.
6. Этик ҳимоя технологияси.
7. Муаммоли вазиятлар яратиш технологияси.
8. Педагогик восита технологияси.
9. Педагогик импровизация технологияси.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва

ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

*Педагогик технология* – таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Шунингдек, технология деганда, субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма - кетликда бажаришни кўзда тутди.

Юқорида келтирилган тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи(педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса ёки бошқача айтганда, ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб таърифлаш мумкин. Профессор Н.Сайидахмедовнинг фикрича, «Технология – бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиладиган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир». Технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундайди:

- самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар, илмий асосда қуриш;
- талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;
- ўқитиш давомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш;
- техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш ва бошқалар.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида, бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос амаллардан иборат бўлади. Амал – ўқитувчининг синфда мавзу бўйича ўқув элементларини тушунтириш борасидаги бажарган ишлар йиғиндиси бўлиб, ўқитиш жараёнининг шу босқичида тугалланган қисмини ташкил этади.

Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳаси ҳисобланади.

Педагогик технология-таълим технологияси, янги педагогик тажриба, янги педагогик технология, замонавий педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба, таълим-тарбия методлари тушунчаларини қамраб

олади. Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳадаги мақсадга эришиш йўли бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада. Замонавий педагогик технологияни педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Замонавий педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. Аввало, замонавий педагогик технология нимани англатади?

1. Замонавий педагогик технология ўқув-тарбия жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум бир педагогик тизим мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсади эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

2. Бугунги кунда фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, янги технологиялар кириб келмоқда. Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуал, аудиал воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантирди.

Замонавий педагогик технология моҳият-эътибори жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эгадир. Бироқ замонавий педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос хусусияти – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Замонавий педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий бурилиш ва унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда, таълим тизимида ахборот технологияси – бу «ўқувчи ёки талаба-компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб, у таълим жараёнида техник воситаларнинг мукамаллашган замонавий тури сифатида қўллана бошланди. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, «цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хом-ашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан ортиқ бўлди, яъни ахборот

технологиялари барча мавжуд технологиялар ва хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияларининг ривожланишида ақлий меҳнат воситаларининг ўзгариши билан боғлиқ иккита ахборот инқилоби ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Биринчи инқилоб китоб босишнинг пайдо бўлиши билан рўй берди ва телефон, телеграф, радионинг ихтиро қилиниши билан чуқурлашди. Иккинчи инқилоб электрон-ҳисоблаш машиналари(ЭҲМ)нинг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши, ЭҲМ локал тармоқларининг яратилиши, ахборот ресурсларини бошқариш тизимларининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Шу боис яқин келажакда республикамиздаги мавжуд барча ўқув юртлари дастурли машиналар билан етарли даражада таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Шундагина ахборотли технология асосида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади.

Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология авторитар технологияга қарама-қарши бўлиб, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, таълим олувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод билан шуғулланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратади. Мазкур жараёнда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан ҳамкорликда ягона таълим жараёнининг субъекти - таълим-тарбия вазифаларини ҳал этади.

Умуман, педагогик технология ўқув жараёни ва унинг иштирокчилари билан боғлиқ барча мақсадли саъй-ҳаракатлар йиғиндисини англатиши лозим.

Ҳозирги кунда унинг мавжуд таърифлари жуда кўп ва хилма-хилдир:

Технология-бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар ва йўллар йиғиндисидир (Изоҳли луғат).

Технология-ишлов бериш, аҳволни ўзгартириш санъати, маҳорати, қобилияти, методлар йиғиндиси (В.М.Шепель).

Педагогик технология-ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндиси ва компоновкаси(жойлашуви)ни белгиловчи психологик тартиблар (установка)лар мажмуаси; у педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситаларидан иборатдир (Б.Т.Лихачев).

Педагогик технология-ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир (В.П.Беспалько).

Педагогик технология-таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти (И.П. Волков).

Таълим технологияси-дидактик тизимнинг таркибий жараёни қисмидир (М. Чошанов).

Педагогик технология-ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият моделидир (В.М. Монахов).

Педагогик технология-техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини кўйувчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи бўлиб, таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир (ЮНЕСКО).

Педагогик технология-педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, усқунули ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва уларни амал қилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

Педагогик технология, бу-сўзсиз риоя қилиш эвазига энг юқори натижани кафолатлайдиган кўрсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий аҳамиятидан иборат (В.Ю. Питюков).

Педагогик технология-бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир тизимга келтиришдир (Т.Сакомото).

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади (У. Нишоналиев).

Педагогик технология-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи(талаба)ларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир (Н. Сайидахмедов).

Педагогик технология-бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи(педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатилган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир (Б.Ғ.Зиёмухамедов).

Педагогик технология бу – объектив, моддий жараён. Агар биз ўқув-тарбия жараёнидан унинг объектив, моддий (субстанциялик) жиҳатини ажрата олсак, шунда биз технологияга, энг камида, унинг тафсилотига эга бўламиз (В.К. Дьяченко).

Педагогик технология- бу ўқитишга ўзига хос янги (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади (Б.Л.Фарберман).

Педагогик технология-турли муаллифлар(манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат (Г.К. Селевко).

“Технология” тушунчаси кенг маънода инсоннинг барча антропоген фаолияти натижасида маҳсулот яратилиши жараёнларини қамраб олади. Техника ва технология, саноат ва транспорт, машинасозлик ва авиация, кимё ва металлургия, тиббиёт ва фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, умуман, яратувчанлик ва ижодкорлик меҳнати ва метод, усул, восита ҳамда жараёнлар мажмуасини ифодалаш учун шу кунгача чекланмаган миқёсда фойдаланиб келинаётган ушбу атаманинг мазмун ва моҳияти кенг кўламга эга бўлиб қолди. Педагогик жараёнлар учун татбиқ қилинувчи технологиянинг анъанавий ва ноанъанавий, тарихий, классик, янги ва замонавий турлари фарқ қилинмоқда. Асосий мақсад - шахснинг таълим ва тарбияси ҳамда унинг ақлан ва жисмонан ривожланиши билан боғлиқ касбий фаолият эканлигини назарда тутсак, қандай номланишидан қатъий назар, педагогик технология комил инсон тушунчасига мазмунан сингиб кетиши лозим.

## **II боб. Педагогик технологиянинг тавсифий жиҳатлари**

### **2.1. Педагогик технологиянинг манбалари, методологик асослари унинг ва турлари**

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда оғзаки, кўргазмали ва амалий каби уч гуруҳга бўлинадиган методларнинг қуйидаги вариантлари қўлланилади:

- ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи;
- лаборатория ишлари методи;
- мустақил ишлар методи;
- муаммоли-эвристик моделлаштириш методи;
- илмий-тадқиқот методлари;
- ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи;
- ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шунини айтиш мумкинки, таълим муассасаларида янги педагогик технологиялар, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиб, жаҳон талаблари даражасида ўқувчи ва талабаларни ўқитиш мумкин.

Педагогик мулоқот деганда, одатда, ўқитувчининг ўқувчи билан дарс мобайнида ва дарсдан ташқари бўладиган аниқ педагогик функцияларга эга ва қулай психологик муҳитни яратиш, шунинг билан бирга, бошқа хилдаги психологик оптимал илмий фаолият ва педагог билан ўқувчилар учун ўртасидаги муносабатлар учун йуналтирилган профессионал мулоқот шакли тушунилади (А.А. Леонтьев).

Бошқарув услублари бўйича биринчи экспериментал психологик изланишлар 1938 йилда немис психологи Курт Левин томонидан АҚШда эмиграцияланган нацистларнинг Германия ҳудудига қайтиши давомида ўтказилган. Бу изланишда бошқарув услубларининг кенгайтирилган классификацияси сифатида авторитар, демократик ва эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик услублари киритилган эди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, К. Левин келтирилаётган бошқарув услублари бўйича ўзининг буюк тадқиқотини муаллимларнинг мактаб ўқувчилари устидан олиб борадиган бошчилигини ўрганган ҳолда ўтказган эди.

Ўзининг экспериментида К.Левин ўн ёшга тўлган мактаб ўқувчиларини бир неча гуруҳларга бўлди. Бу гуруҳлардаги болалар бир хил машғулот билан, яъни қўнғироқ яшаш билан шуғулландилар. Экспериментнинг ҳаққоний ўтказилиши мақсадида гуруҳлар умумий ва хусусий белгилари бўйича, ёши, жисмоний ва интеллектуал кўрсаткичлари, ўзаро шахсий муносабатлар тизими ва бошқаларнинг айнан мос келишига қараб ташкил этилди. Ундан ташқари барча гуруҳлар бир хил шарт-шароитларда умумий дастур бўйича ишладилар, бир хил вазифани бажардилар.

Фақатгина инструкторлар, ёки бизга яқин термин билан айтганда, муаллимлар ўзларининг бошқарув услублари бўлмиш демократик, авторитар ва

эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик каби услубларда гуруҳлар фаолиятини олиб бориши билан фарқланадилар. Ҳар бир муаллим ўзига бириктирилган гуруҳ билан олти ҳафта ишлади. Ундан сўнг ўзаро гуруҳлар алмашинуви амалга оширилди. Бу гуруҳлар билан яна олти ҳафталик иш кунлари йўлга қўйилди ва яна янги гуруҳ билан алмашиш амалга оширилди. Бундай жараён экспериментни имкон қадар тўғри йўлга қўйилишига катта ёрдам берди. Ундан ташқари, юқорида келтирилиб ўтилганидек, гуруҳлар умумий ва хусусий белгиларга кўра, айнан мос келишига қараб ташкил этилган эди, шунинг билан бирга, ҳар бир муаллим ҳар қайси гуруҳ билан яна қўшимча равишда иш олиб борди. Натижада гуруҳ омилининг таъсири эмас, балки айнан бошқарув услубларининг гуруҳдаги ўзаро муносабатларга таъсири, фаолият мотивацияси, меҳнат натижалари ва бошқаларнинг таъсири кузатилади.

К. Левин томонидан ўтказилган экспериментда аниқланган ўқувчилар билан бўладиган мулоқотнинг у ёки бу хусусиятларини қисқача келтириб ўтамиз. Авторитар услубнинг характерли томони сифатида ундаги қаттиққўл бошқарув ва умумий назорат кўпроқ муаллимнинг бошқаларга нисбатан буйруқ овозида муносабатларга киришишига ва тез огоҳлантиришлар беришига олиб келишида кўриш мумкин. Шунинг билан баъзи иштирокчиларга нисбатан сабабсиз огоҳлантиришлар ва бошқаларига эса асоссиз мақтовлар ёғдирилиши кузатилади. Авторитар муаллим фаолият ва вазифанинг умумий мақсадларинигина эмас, балки у кимнинг ким билан ишлашини кўрсатиб, унинг ечилиш йўллари ҳам белгилаб берди. Вазифалар ва уларнинг ечилиш йўллари босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланди. Бундай ёндашув инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил ролини пасайтиради. Чунки инсон бунда ўзининг фаолиятдан кутилаётган мақсадни, яъни ушбу босқичнинг нима учун бажарилаётганлигини ва олдинда уни нима кутаётганлигини аниқ билмайди. Ундан ташқари фаолиятни босқичма-босқич тартибга солиш ва назорат қилиш ишлари шуни кўрсатдики, ўқитувчининг иштирокчилар билан бўладиган муносабатида унинг мустақиллиги ва жавобгарлиги сустр ёки бу хусусиятларнинг унда паст даражада эканлиги кузатилди. Ўқитувчи томонидан амалга оширилаётган ташаббус йўқолиб, у худди кераксиз хоҳиш сифатида қаралади. К. Левиндан сўнг амалга оширилган изланишларнинг кўрсатишича, ташаббус гўёки авторитар ўқитувчининг ишонч ваколатини қисқартирар экан. Айтайлик, кимдир ишни бошқачароқ ташкил этишни таклиф қилса, демакки у бу нарсани олдиндан кўриб чиқмаганлигига шаъма қилаётгандек туюлар экан. Шунинг билан бирга, маълум бўлишича, авторитар лидер иштирокчилар муваффақиятини субъектив тарзда баҳолар экан.

Демократик ўқитиш услубида шахс эмас, балки фактлар муҳимлиги тан олинади. Аммо демократик ўқитиш услубининг асосий хусусияти сифатида гуруҳнинг ўртача ташланган масала муҳокамасида ва унинг ташкил этилишида фаол иштирок этилиши қаралади. Натижада иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончи ошади ва ўз-ўзини бошқариш ҳисси рағбатлантирилади. Бу услубда гуруҳдаги ўзаро муносабатлар яхши келиша олиш тарзида давом этади ва бир-бирига бўлган ишонч кучаяди. Ўқитишда бошқарувнинг лаёқатсизлик услубининг асосий хусусияти сифатида раҳбарнинг бўлиб ўтадиган воқеа-



ҳодисага нисбатан жавобгарлик ҳиссидан ўзини олиб қочишини кўрсатиш мумкин.

Натижаларнинг кўрсатишича, энг ёмон услуб лаёқатсизлик услуби бўлиб чиқди. Бу услубда вазифалар оз бажарилиб, уларнинг сифати ҳам ёмон эди. Энг муҳими, бундай гуруҳда ҳеч қандай жавобгарлик ҳисси бўлмаганлиги ва вазифалар мураккаб бўлмаган қандайдир ўйинни эслатгани туфайли иштирокчилар унга кам даражада қизиқиш ҳосил қилдилар. Авторитар услубда ўқитувчи билан келишишда кўпгина жанжаллар пайдо бўлиши кузатилди. Энг самарали услуб сифатида демократик услуб тан олинди. Гуруҳ, иштирокчилари учун бу ерда характерли хусусият бўлиб вазифага қизиқиш ва ички фаолият мотивацияси хизмат қилади. Вазифаларнинг бажарилиш сифати ва аниқлиги ошди. Шу билан бирга, гуруҳ қобиляти, эришилган умумий муваффақиятлар устидан ғурур туйғуси, ўзаро кўмаклашув ва дўстона муносабатлар кучайди.

Бу натижалар кейинчалик амалга оширилган изланишлар асосида кўп марта тасдиқланди. Педагогик мулоқотда демократик услубнинг афзаллиги қуйи синф ўқувчиларидан бошлаб юқори синф ўқувчиларигача бўлган турли гуруҳларда исботланди. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, биринчи синф ўқувчиларида ўқишнинг иккинчи ҳафтасидаёқ мактабга ва ўқишга бўлган иштиёқнинг тез суръатларда сусайиши айнан авторитар ўқитувчилар бошчилик қилган гуруҳларда кузатилар экан. Шундай қилиб, мактаб ҳаётида ва билим олишда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган муносабатлари муҳим ролни ўйнаши аниқланди. Адолат мезонига асосланган ҳолда айтиш лозимки, замонавий социал психологиянинг тасдиқлашича шунақа ҳолатлар ҳам бўладик, баъзида авторитар услуб энг фойдали ва мақбул бўлиб чиқади. Лекин, одатда кўпроқ педагогик мулоқотда бу қоида эмас, балки истиснодир.

Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янги ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина ва педагогик фаолият жараёнлари методологик ҳамда психологик жиҳатдан тўғри ташкил қилинганида таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

-боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

-ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

-билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;

-у умр бўйи ўз билимини унинг ўзигина бойитишига ишонч пайдо бўлади;

-эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

-шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Бунинг учун биз ўқувчига «Сен буни билишинг керак», деган мажбурловчи даъватдан «Менга бу зарур ва мен буни билишга, уни ҳаётда қўллашга қодирман», деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак.

Шу муносабат билан доимий ҳаракатдаги янги педагогик технологиялар бўйича ташаббускор инновацион гуруҳлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий педагогик технология таълим жараёнида ҳукм сураётган инқироздан қутилишнинг ягона ва бош мезонидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек: «Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш-мамлакат тараққий этишининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболда мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодини шакллантиришни таъминлайди».

Педагогик технологиянинг умумий муаммолари кўп сонли ва ранг-барангдир. Булар орасида анъанавий таълимга янгича ёндашувларни татбиқ қилиш, педагогик жараёни такомиллаштириш, демократик педагогика элементларини шакллантириш ва улардан амалда фойдаланиш, ҳамкорлик ва инсонпарварлик педагогикасини кучайтириш, билим олувчи ва тарбияланувчи шахсини фаоллаштириш, таълим мазмунини дидактик тамойиллар асосида бойитиш, ўқув жараёнини юксак даражада ташкил этиш ва уни бошқариш, таълим-тарбия жараёнларининг узлуксиз мониторинги ва назорати ҳамда сарҳисобини амалга ошириш, ривожлантирувчи ва альтернатив (муқобил) технологияларни самарали тарзда қўллаш кабилар алоҳида ўрин тутади.

Педагогик технологиянинг умумпедагогик, хусусий ва кичик даражалари фарқ қилинади. Бундан ташқари, сезги аъзолари орқали билим олишни ифодаладиган эмпирик, моддий ва маънавий олам ҳақидаги билимларни кенгайтирувчи когнитив, ижодий фаоллик ва ўқув-изланиш меҳнатига асосланган эвристик, тадқиқот ва янгилик яратиш фаолияти билан боғлиқ креатив, ахборот ва маълумотларни қайта ишлаш ва ўзгартириш эвазига таълим-тарбия берувчи инверсион, ўзлаштирилган билимларни омикталаб тугал тафаккурга олиб келувчи интегротив, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиб ўқитишга таянувчи адаптив, таълим олувчи ва тарбияланувчи шахси билан ўқитувчи (тарбиячи) муносабатидаги тенглик ва адолатлиликка бўйсунувчи инклюзив каби педагогик технологияларнинг йўналишлари шаклланган. Уларнинг қамрови юқорида тилга олинган уч хил даражада бўлиши мумкин. Умумпедагогик технология дунё таълим тизимининг барча илғор ва самарали элементларини ўзида жо этади ва кенг қўламда амалга оширилади. Бизнинг амалдаги узлуксиз ва ягона таълим тизимимизда умумпедагогик технология етакчи ўринни эгаллайди. Таълим турлари ва йўналишлари, ихтисослик ва мутахассислик таснифи ҳамда таълим муассасасининг ўзига хослиги асосида хусусий технология жорий этилади. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва унинг бевосита давоми бўлган дарсдан ташқари ишларда кичик технологиялар қўлланилади ҳамда улар локал (маҳаллий) педагогик самарага олиб бориши лозим.

**Педагогик технологиянинг асослари.** Педагогик технология энг мураккаб жараён-инсоннинг таълим-тарбияси билан шуғулланишда асосий восита бўлганлиги туфайли ҳам унинг асослари ҳам шахс мураккаблиги каби хилма-хилдир. Улар орасида тарихий, назарий, ижтимоий, фалсафий, методологик, педагогик, дидактик, физиологик, гигиеник, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий-меъёрий, амалий ва бошқалар фарқ қилинади. Умуман, педагогик технологиянинг вужудга келиши илмий жараён

сифатида қаралади. Педагогик технология ўқув предмети ва фан сифатида ўзининг ҳаётдаги муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. «Педагогик технология», «Янги педагогик технологиялар», «Замонавий педагогик ва интерфаол технология», «Ахборот ва инновацион технологиялар», «Таълим технологияси», «Техника», «Маҳорат», «Ахборот технологияси», «Ахборот-коммуникация технологиялари», «Таълим методлари», «Тарбия методлари», «Педагогик маҳорат» каби атамалар, тушунчалар, махсус ва танлов курслари, ўқув предметлари шаклланиб ва уларнинг мазмун-моҳияти ўзгариб турмуш ва амалий фаолиятга шиддат билан кириб келмоқда. Умумпедагогик тушунчалар тизимида технология муаммосига илмий ёндашиш кучаймоқда. Педагогик технология ва педагогик фаолият ҳамда ўқитувчи профессиограммаси бир бутун жараён ёки ҳодиса тарзида тасаввур қилинади. Шу нуқтаи назардан, педагогик технология ва педагогик маҳорат ўзаро қондош-эгизакдир. Педагогик технологияни ўқитиш жараёнида қўллаш-сифат ва самарадорликнинг етакчи омилларидан биридир.

Педагогик технологиянинг ўз таркиби ва мазмуни бўйича такомиллашуви, унинг касбий фаолият сифатида самарадорлигининг ортиши узлуксиз давом этади. Бундай динамик жараён таълим тизимида содир бўладиган ўзгаришлар билан гармоник тарзда кечади.

Педагогик технологиянинг умумий тавсифи ва таркибий мазмуни унинг ижтимоий ҳодиса эканлигида намоён бўлади ва таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ мақсад ва вазифалар, мотив ва эҳтиёжлар, талаб ва манфаатлар, қизиқиш ва хоҳишларни амалга оширишда рўй-рост кўринади.

**Педагогик технология тамойиллари.** Асосий тамойил-педагогик технологиянинг Ўзбекистон Республикасида таълимнинг учта тури-умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим учун яратилган ва амалиётга жорий этилаётган давлат таълим стандартлари ҳамда таълимнинг бошқа турлари учун тегишли давлат дастурлари ва талабларини бажаришга йўғрилганлигидир. Педагогик технология тамойилларининг манбалари ижтимоий-маънавий ўзгаришлар, янги педагогик-психологик эврилишлар, педагогика-психология ва барча турдаги фанларнинг интегратив ва дифференциатив ривожланиши, дунё педагогикаси ва миллий (маҳаллий) педагогиканинг бой ва илғор тажрибаси, этнопедагогика(халқ педагогикаси)нинг тарихий ва замонавий меросидан келиб чиқади. Пировард натижада, педагогик технология педагогиканинг асосий («олтин») қондасини бажаришга, яъни таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Бунда изчиллик, мақсадлилиқ, умумийлик каби тамойиллар билан бир қаторда педагогик технологиянинг ижтимоий, фалсафий, методологик, дидактик, педагогик, психологик, физиологик, гигиеник, мафкуравий, ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий ва амалий асослари ҳам бараварига қатнашади. Ўқитувчи ва ўқувчининг муносабатига дахлдор тамойилларнинг амал қилиши эса ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг қудратли омилидир.

Педагогик технологиянинг барча тамойиллари ўзаро алоқадорликда ва бир-бирини тақозо этган ҳолда амал қиладилар.

Педагогик технологиянинг ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деса бўлади.

Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳаси бўлиб ҳисобланади.

Педагогик технология-таълим технологияси, янги педагогик тажриба, янги педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба, новатор ўқитувчилар тажрибаси, таълим методлари, тарбия методлари каби тушунчаларни қамраб олиши билан биргаликда таълим жараёнида олдинга қўйилган мақсадга эришишнинг йўли, ўзига хос инструментарий бўлиб ҳисобланади.

Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳадаги мақсадга эришиш йўли.

Педагогик технология ва ўқитиш технологияси ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи яхлит тизим бўлса, ўқитиш технологияси маълум фанларни ҳозирги дидактик талаблар асосида ўқитишнинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Уларнинг ўзаро боғлиқлиги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топган.

1. Янги педагогик технологиянинг методик асослари давлат таълим стандартлари бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим стандартларида талаба(ўқувчи) эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакалар мезони белгилаб берилган. Билим, кўникма ва малакалар ДТС талабларидан паст бўлмаслиги керак.

2. Педагогик технология ва ўқитиш технологияларининг мақсади битта-ижодий тафаккур соҳибини етиштиришдан иборат. Бу мақсад-давлат таълим стандартларининг бош талабидир. Таълим жараёнидаги ҳар бир технология, берилган топшириқлар ўқувчининг ижодий фикрлашига ва ижодий ривожланишига олиб келсин. Шундай вазият яратиш керакки, ўқувчи(талаба) ўз хоҳиши билан излансин, тафаккурини ривожлантирсин, интилсин, унда фанни эгаллашга қизиқиш уйғонсин.

3. Ҳар бир машғулотда бериладиган топшириқлар умумий вақтнинг 20-25% ини эгалласин, ўқувчининг ижодий тафаккур асосида иш олиб бориши эса вақтнинг 70-80% миқдорига тўғри келсин. Ўқувчи кўпроқ амалий билимларни эгалласин ва ундан назарий хулосалар чиқара олсин.

4. Ўқитиш технологиясида билим бериш, билим олиш усулини танлаш ва ўрганишга катта аҳамият бериш, билим олишнинг баҳс-мунозара асосида амалга ошишини таъминлаш.

5. Ўқитиш усули-технологияси янги педагогик технологияларнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

6. Таълим жараёнида дарсларни баҳс-мунозара, семинар, ўйинлар, диспутлар, кувноқлар ва зукколар мусобақаси тарзида ва ҳар хил театрлашган

вазиятлар шаклида ташкил этиш, яъни таълимда табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш лозим.

7.Таълим жараёнининг таянч билимларни амалиётга татбиқ этиб, ривожлантириб бориш асосида ва тизимли тарзда ташкил этилиши янги педагогик технология ва ўқитиш технологияларининг узвийлигини таъминловчи - локал (битта йўналиш) ҳолатининг самара беришига олиб келади.

Ҳозирги илмий-техник тараққиёт асрида таълимни технологиялаштириш олдига бир қатор вазифалар қўйилган.

Ҳар бир дарс таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутиб амалга оширилади.

Ўқув жараёнида мотивация, билиш фаолияти, бошқариш фаолияти каби ўзига хос технологик вазифалар мавжуд:

1.Мотивация - ўқувчилар диққатини тортиш, ички туйғу-истак, заруратни шакллантиришдир. Ўқув жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи учун ҳам асосий ҳаракатлантирувчи куч-ички мотивация бўлиши керак.

2.Билиш фаолиятида эътиборни асосан қуйидагиларга қарата бориш керак: ўқувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, билимларни пухта ўзлаштириш истагини пайдо қилиш, зарур малака ва кўникмаларни ҳосил қилишга мойиллик туғдириш, тафаккур ривожига жиддий эътибор қаратиш ва ҳ.к..

Бошқариш фаолиятининг вазифалари берилаётган билим, кўникма ва малакалар тизимини ташкил этиш билан боғлиқдир. Дарсда қўлланилаётган технологияларга уларнинг мониторинги асосида ва пировард натижаси орқали баҳо берилади.

Педагогик инновация-таълимга янгиликларни киритишдир. Бошқаришда педагогик инновацияга риоя қилмоқ зарур.

Педагогик технология эса динамик жараёнларнинг инъикоси сифатида ривожланади, такомиллашади ва вақт мезонида бойиб боради.

## **2.2. Таълим-тарбияга технологик ёндашув**

Мустақил шахсни шакллантириш, уни жамият ва давлат манфаатлари йўлида ижтимоий-фойдали меҳнатга лаёқатли кадр даражасигача тарбиялаш-кўп қиррали ва мураккаб жараён дир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги иборасини эсга олиш ўринли дир: “-Кадрлар тайёрлаш узок давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан астойдил, бетиним ва изчил меҳнатни талаб этади.” Дарҳақиқат, бир томондан, барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотлар, ва айниқса, таълим тизими мутасаддиларининг зиммасига бу масала юксак масъулият юклайди. Бунда таълим тизимини такомиллаштириш ва унинг мазмунини чуқурлаштириш ҳамда кўпгина ташкилий-тарбиявий ишлар назарда тутилади. Иккинчи томондан эса, бевосита ушбу масалани амалга оширишга бурчли бўлган педагог кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни замон талаблари билан ҳамнафас тарзда касбий фаолият юритишга тайёрлаш давлат ва жамият зиммасидаги улкан ижтимоий вазифа дир. Кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ жорий ва истикболдаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, эркин тафаккур қила оладиган шахсни, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқ бўлган онгли фуқарони, ўз Ватанининг жонкуяри сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётга онгли иштирок этишга, ижтимоий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга, мамлакат тақдири учун зиммасига масъулият ола билишга қодир шахсни камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

*Иккинчидан*, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, туб маънодаги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ишига демократия асосларини жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш, тафаккур ва баҳслашиш маданиятини ривожлантириш, шахснинг ички дунёсини бойитиш, бинобарин, янгича ижтимоий қадриятлар ва муносабатларни шакллантиришдир. Бошқача айтганда, ёш авлодда янгича онг шаклланиши учун барча шарт-шароит яратилмоғи керак;

*Учинчидан*, ёш авлод миллий истиқлол ғоясини англаб олиши, бу ғоянинг ҳар бир фуқаро учун, Ватаннинг обод ва фаровон бўлиши учун ҳаётий зарурат эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини рўёбга чиқариш лозим.

Табиийки, бу узоқ давом этадиган, барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасаларининг фаолияти ва педагогик соҳадаги ишлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этадиган мураккаб жараёндир.

Ёшларни баркамол қилиб етиштириш жараёнида шахснинг тарбияси ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга эътиборни кучайтириш ва таълим соҳасида шахснинг тарбияси ва ҳар томонлама ривожланишига устунлик беришни таъминлашдан иборат.

Таълим-тарбия жараёнининг уч таркибий бирлиги – тарбия, таълим, шахсни ривожлантириш тўлиқ даражада амалга оширилишига эришиш лозим. Таълим-тарбия ишида расмиятчилик ва бепарволик каби иллатлардан воз кечиш керак. Бу мақсадда мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашга йўналтирилган янги услуб ва воситалар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши зарур.

Бугунги кунда педагогикада ўқувчи-талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир нечта ўқитиш услублари ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, ролли ўйинлар, мавзуй ўқитиш ва ҳ.к. Аммо уларни олий таълим тизимида кенг қўлланилади, деб бўлмайди. Бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутиши, юксак касбий билим ва маҳоратни, ишда ижодий ёндашув ва кўп вақтни сарфлашни талаб қилишида бўлса керак. Чунки ҳар бир ўтиладиган машғулот ишланмаси ўзига хос хусусиятга эга ва такрорланмасдир. Унинг устига айрим педагоглар консерватив фикрлаш доирасида туриб ўқитишнинг ноанъанавий усул ва методларига кўпинча беписанд муносабатда бўладилар.

Анъанавий ўқитишнинг усул ва методлари республикамизда кенг тарқалган ва улар ўзининг маълум тарихига ҳам эгадирлар.. Бироқ таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда анъанавий таълимнинг имкониятлари чекланаётганлигини, муҳим таълимий муаммолар ўз ечимини топмаётганлиги, қатор илғор педагогик тажрибалар оммалашмаётганлигини кўришимиз мумкин.

Янги муносабатларнинг ўзига хос жиҳати, анъанавий таълимдагидан фарк қилиб, ўқувчи-талабаларнинг мустақиллиги ва ўқув фаолиятини таъқиқламасдан, балки уларни белгиланган мақсад сари йўналтириш, ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш ва ўқув-билув фаолиятига онгли равишда йўллаш, бирор бир фаолиятни буйруқ орқали амалга ошириш ўрнига педагогик жараёни самарали ташкил этиш орқали ўқувчи-талабаларда фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишни орттириш, шахснинг эҳтиёжи, истаги, мойиллиги ва имкониятларини чегараламасдан билим ва ҳунар эгаллашнинг демократик йўлларига буриш саналади.

Педагогик технология технологик ёндашувга асосланади. Технологик ёндашув деганда тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш технологиясига ўхшаш) олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар тўплами тушунилиб, қўйилган мақсадларга эришишда кутилган натижаларни кафолатлайдиган усул ва методлар мажмуаси англашилади.

Агар метод билиш йўли, тадқиқот йўли ёки бирор фаолиятдаги маълум амалиёт ва назарий билимлар соҳасини эгаллашнинг ҳаракатлари, операциялари, усуллари мажмуаси деб тушунсак, педагогик технология – таълим усули, маълум маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуасини англатади.

Педагогик технологиянинг анъанавий ўқитиш методикасидан фарқловчи белгилари кўп. Педагогик технология анъанавий методикадан, аввало мақсадларнинг қўйилиши ва унга эришиши билан фарқланади(иловага қаралсин).

Педагогик технологиянинг усул ва методлари таълимнинг умумий мақсадлари(ўқитувчи ва талабанинг мақсадлари)ни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва натижаларни назорат қилиш, кузатиш ҳамда баҳолашга хизмат қилади.

Лойиҳалаштириш фаолияти ўқувчи-талабалар билан ишлашни ташкиллаштиришнинг энг оммабоп шакллариандир. Лойиҳалаш методи – ўқитишни ташкиллаштирилиш бўлиб, ўқувчи-талабалар режалаштириш жараёни ва амалий вазифаларни бажаришлари орқали лойиҳа кўринишда билим олади. Лойиҳалаштириш методини қўллаш натижасида лойиҳа (проект) кўринишидаги билим ўзлаштирилади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи ҳамкорлик педагогикасига таяниб, талабаларнинг биргаликда таълим олишлари амалга оширилади. Талабаларнинг ҳамкорликда таълим олишлари, таълим жараёнларини лойиҳалаштириш, талабалар билан ишлашни лойиҳалаштириш кабилар замонавий педагогик технологияларнинг асосий методлари ҳисобланади.

Ўқув-тарбия жараёнида вужудга келган янги педагогик муносабатлар мазкур жараёнда замонавий педагогик технологияларни қўллашни тақозо қилади.

Педагогика фани ва амалиётида турли хил ёндашувлар қўлланилади. Оғзаки-кўргазмали, тадқиқий, изланувчан, тизимли, функционал, комплекс, технологик, муаммоли-унсурли, фаолиятли ёндашувлар.

**Оғзаки-кўргазмали ёндашув.** У анъанавий бўлиб, асосан ўқитувчининг ахборот бериши, ўқувчи-талабаларнинг билимни қабул қилиши, тўплаши ва

хотирасида сақлаши билан белгиланади. «Билим» тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Бундай билимлар, уларни қўллай олиш кўникмалари (имтиҳонда шу ахборотга доир берилган саволга берган жавобига қараб) орқали текшириб кўрилади. Бу тизимдаги билимлар – асосан эсда сақлаб қолиш натижаси, кўпинча расмий маълумотдир, у кўпинча юзаки бўлиши ҳам мумкин. Улар хотира тубида сақланган бўлади ёки бошқа сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан-тўғри савол қўйилганда эсга олинади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди. Талаба савол берилганда уни эслаши, баъзан эса умуман эслай олмаслиги ҳам мумкин.

Оғзаки-кўргазмали ёндашув республикамиз ўқув юртлирида кенг тарқалган. Маълумот бериш тизимида тайёр билимларни «ўқитувчи-талабаларга», уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражаси боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериши мумкин бўлган имкониятдан келиб чиқади. Демак, шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси – зарурий ахборотни маълум қилиши ва уни хотирада мустақамлаш устида ишлашдир.

В.Гузеевнинг таъкидлашича, анъанавий методикага хос бўлган хусусият дастур талабларида ифодаланувчи таълим мақсадларини «ўзлаштириш» тушунчаси қобилига ўралган қандайдир ноаниқ тасаввур билан тавсифланади. Бунда таълим жараёнида кўпроқ муваффақиятга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш асосида таълим жараёнлари ташкил этилади. Ҳар бир аниқ вазият учун илғор ўқитувчи (педагог)ларнинг педагогик фаолияти намунаси қидирилади, аммо таълим тизимида фаолият юритаётган бир қатор олимлар ва амалиётчилар алоҳида методикаларнинг даври ўтиб кетганлиги ва ҳар қандай илғор педагоглар тажрибаларини умумлаштириш тизимли ва мақсадга йўналтирилган, самарали таълимни қуриш имконини бермаслигини жиддий таъкидлашмоқда.

Республикада амалга оширилаётган таълим соҳасидаги бир қатор ижобий ишлар, фан-техниканинг жадал суръатлар билан ўсиши, бугунги кунда рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш даражасини юқори тарзда таъминлашга нисбатан жамият эҳтиёжлари билан ўқитиш услублари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келади. Шунинг учун таълим жараёнида бошқа ёндашувларни ҳам қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқий-ижодий ёндашув.** Таълимнинг мақсади талабада бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билим ва тажрибани мустақил равишда ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги замонавий усулларини топиш ва ташаббус кўрсатишни назарда тутади.

Тадқиқий-ижодий ёндашувда педагог талабанинг ўқув фаолиятига рағбатлантирувчи усулда раҳбарлик қилади, шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлаб, у билан ҳамкорлик қилади ҳамда унинг фикр ва қизиқишларини доимо назарда тутади. Педагогнинг талаба шахсига бўлган муносабати, уларга муҳаббати ва жон қойиши, юксак ишончи, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, таҳсил олиш жараёнида талабаларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча, ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги туфайли кўзланган мақсадга эришиш,



талабалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўларини қўллашда намоён бўлади. Ушбу ёндашув бўйича педагогик технология вариантлари ишлаб чиқилган. Тадқиқий-ижодий ёндашувнинг таълим тизимида ўз ўрни бор ва у ўз жойида қўлланиши лозим.

**Изланувчан ёндашув.** Бу ёндашувдаги мақсад талабаларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, таъсир этишнинг янги йўларини яратиш қобилиятларини, шахсий идрокни ривожлантиришдан иборатдир.

Изланувчан таълим андозасида таълим мазмуни табиат ва жамият билан узвий ўзаро таъсирдаги шахсни тадқиқотчилик йўлига бошлаш, унинг жадал ижодий фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга педагог таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаришда демократик, рағбатлантирувчи йўл тутаяди, уларнинг шахсий тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, хатти-ҳаракати, ҳаракатнинг янги йўларини яратиш қобилиятларини, шахсий маъно касб этишини ривожлантириш йўлини тутаяди. Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири шахсни тадқиқотчилик йўлига бошлаши унинг жадал ижодий фаолияти характери билан боғлиқ.

Педагог таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаришда ижодий йўл тутаяди, талабаларнинг ўқув фаолиятининг оператив-техник жиҳатларини ўзлаштиришга қадар унинг аҳамияти ва рағбатларини биринчи ўринга олиб чиқади. Бугунги кунга қадар ўқитишда изланувчан ёндашувни ўз ичига олувчи педагогик технология кўринишлари ишлаб чиқилган.

**Тизимли ёндашув** – илмий билиш методологияси ва педагогик амалиётнинг бир йўналиши сифатида универсал тавсифга эга, у педагогикада кенг қўлланади. «Тизимли ёндашув» тушунчаси кўпинча «тизимли метод», «тизимли таҳлил усули» тушунчалари билан узвий боғлиқ ҳолда англанади. Чунки тизимли таҳлил усуллари ҳам объектни яхлит тизим сифатида ўрганишни назарда тутаяди. Тизимли ёндашув тузилиш вазифасига кўра бажариладиган таҳлилга жуда яқин. Тизимли таҳлилнинг объекти яхлит нарса ёки ҳодиса ҳисобланади, у объектнинг турли қисмларини, қисмларнинг ўзаро узвийлигини, тизимнинг чегараларини ва тизимнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги, алоқадорлигини назарда тутаяди. Бу тизимда бир қанча қоида ва принциплар мажмуидан фойдаланиладики, улар тадқиқотчилик ва амалий фаолиятда юқори натижаларга эришиш имкониятини яратаяди.

**Технологик ёндашув.** Технология - тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуи бўлиб, шундай усул ва методларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан сифатида таърифланади. Технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Таълимга технологик ёндашув ўқув жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар ва амалларга ажратишни ва бўлишни; таълимдан кўзланган натижага эришиш

учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, босқичма-босқич амалга оширишни; лойиҳалаштирилган иш ва амалларнинг барчасини бир хил тарзда бажаришни назарда тутди.

Қайта такрорланиш хусусияти туфайли ушбу тизим модул шаклига эга бўлиб, мазмунлар билан тўлдирилган ва умумий таркибга боғланган бирликлар, яъни таълимнинг умумий мақсади ва мазмуни, ўқув мақсади, ўқитиш ва баҳолаш жамламаларидан ташкил топади. Амалда бу педагогнинг қайта-қайта такрорланувчан ҳаракатининг алгоритми ҳисобланади. Ушбу алгоритмнинг янги ва янги бўлимларда қўлланиши ўқув жараёни кўламини қамраб олади.

Таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагоглардан педагогик технологиянинг қонун-қоида ва тамойиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиш пайтларида юқорида малака талаб этилади. Лойиҳа тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилотчи ва маслаҳатчи вазифаларини бажаради.

Бу ёндашув асосан, репродуктив таълимга хосдир. Репродуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдин билиб олинган қоидалар асосида бажаришдир. Репродуктив даража учун педагогик технология усулида таълим – такрор ишлаб чиқиладиган конвейерли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа ҳам муфассал тасвирланиб, аниқ қайд этилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузилиб, ишлаб чиқилади, баъзи бўлаклари қисмларга ажратилиб, ҳар бир бўлакни ўрганиш мустақил назорат қилиниб, хато ва камчиликларни тўғриланиб борилади.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёнининг сўнгги натижалари бўлган ўқув мақсадига эришишга йўналтирилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди.

Кенг кўламда амалга ошириладиган таълим ислохотлари таълим жараёнининг илғор технологияларини ўрганиш ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига жорий этилишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, педагоглардан таълим соҳасига технологик ёндашувни, педагогик технология усулини эгалашни ва ҳудудимизнинг миллий, маънавий-маданий хусусиятларини ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда педагогик амалиётда қўллаш ва уларни ривожлантиришни талаб этади.

Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабат ўқув жараёнини самарали ва ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

**Таълимни бошқаришга тизимли ёндашув** - бу бошқарувчи, яъни ўқитувчининг мавжуд имкониятлари асосида таҳсил олувчиларга керакли билим, кўникма ва малакаларни қўйилган мақсадга мос ҳолда шакллантириш жараёнидир. Таълимда бошқариш жараёни турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги пайтда таълим-тарбия жараёнини бошқаришга турли технологиялар жорий этилмоқда. Таълимнинг ҳаракатчан моделини тузиш орқали бошқариш ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Мўлжалланган технология тизимли ёндашувга асосланган бўлиб, қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: ўрганиладиган фан бўйича маълумотларни

тайёрлаш; тайёрланган маълумотларни ўқитиш услуби ва мақсадини эътиборга олган ҳолда маълум кетма-кетликка келтириш; ўқув материали мазмунни қўлламоқчи бўлган педагогик усуллар нуктаи назаридан таҳлил қилиш; педагогик технологиялар қўлланилишининг тегишли босқичига оид мақсадни аниқлаш; педагогик технологияларни қўллаш жараёни кетма-кетлигини ишлаб чиқиш; технологиялардан фойдаланишга оид услубий тавсиялар тайёрлаш; технологияларни қўллаш ва эришилган натижаларни билим, кўникма ва малака тизимларига ажратиш; олинган натижалар бўйича сифат кўрсаткичларини аниқлаш; қўзланган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаш; таълимни бошқариш жараёни тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш ва бошқалар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ижодий педагогикага, ижодкор ўқитувчига эҳтиёж ниҳоятда ортиб бормоқда. Бугун таълим муассасаларида ижодкор ўқитувчиларнинг мавжуд бўлиши-давр талабидир.

Педагогик фаолият – бу инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга бўйсундирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Психологик-педагогик адабиётларда педагогик фаолият турлари (таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, сафарбарлик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик ва бошқалар) қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан биргаликда, педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги билан ажралиб туради, унга ижтимоий буюртма узлуксиз таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси педагогдан бевосита ижодий фаолиятни ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини талаб этади. Демак, технология мавжуд экан, уни таълим-тарбия жараёнига сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кечиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу эса, шаксиз, педагогик корхонада, яъни педагогик ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради.

*Тарбиялаш технологияси* – нисбатан янги атама бўлишига қарамай ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси педагогикада янги йўналиш ҳисобланган «ижтимоий педагогика» билан биргаликда фуқаролик ғурури, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулият ҳисси ва бошқа шахсий сифатларни шакллантиришга жиддий таъсир қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни ва таркибини эмас, балки бу соҳадаги республикамиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади.

Ўқитувчи(педагог)ларнинг ўзида мулоқот, баҳс олиб бориш маданиятини шакллантириш мақсадида педагогик таълим мазмунига қўйиладиган талаблар, айниқса муҳимдир. Ўзаро ҳамкорлик педагогикаси – ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамфикрлилик, бир-бирига ишонч, ўзаро ёрдам, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратади. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар томонидан ҳақиқий инсоний кадриятларнинг англаб олиниши ва эътироф этилишини кафолатлайди.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданияти, умуминсоний қадриятлар, кўп миллатли халқимиз анъаналаридан айрим ҳолда тиклаб бўлмайди. Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги айнан шулардан қувват олади, маънавиятга эришиш ва унинг ривожланиши шулар билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий мафкура, психологик ва педагогик фанлардан фойдаланиб, мақсадлар кетма кетлигини тўғри «технологик» танлай билиш ўта муҳим. Назария нуқтаи назаридан тарбия услубиётини таърифлаш етарли. Лекин технологик жиҳатдан барча тарбия мақсадларининг қисмларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўллари белгилаш зарур бўлади.

«Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси»-тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари олимлари ва педагогларининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш, ҳар бир талабани кўп қиррали, баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содиқ шахс сифатида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурда асосий тарбиявий йўналишлар ва мақсадлар келтирилган. Жумладан, фуқаро тарбияси, касб эгаллаш, шахсий масъулият, юқори малакали бўлиш ва касбий маҳоратни эгаллашга интилишни тарбиялаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, талабани шахс сифатида ривожлантириш кабиларга алоҳида эътибор берилган.

Ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижодий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имкониятлар, яъни, назарий-амалий материаллар, ўқув қуроллари ва воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак. Педагог ўзидаги мавжуд маълумотлар ва имкониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича мавжуд методика ва илғор ўқитиш услубларини кўзлаган мақсадга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Педагогда шаклланган билим, кўникма, малака, ўқитиш воситалари, замонавий педагогик технологиялар имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилиятлари мавжуд бўлса, у давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчига аниқ мақсадни белгилаб бера олиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, педагогик технологияларни қўллаш режасини ишлаб чиқишга, яъни вазифаларини белгилаб олишга олиб келади. Белгиланган мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда таълимнинг ҳаракатчан модели яратилади. Моделни ишлаб чиқиш асосан тизимли ёндашув услуби, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетма-кетлигига асосланган ҳолда олиб борилади. Таълим моделини яратиш-замонавий таълим технологиясининг асосий талабларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан замонавий талаблар мажмуини белгилаб берди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил

этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат; яъни:

- педагогнинг таълим бериш маҳорати;
- педагогнинг тарбиялай олиш маҳорати;
- таълим-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахс фазилати;
- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар ўрнатилмоқда. Таълим тизимида янги ахборотлар билан ишлаш қобилиятига эга бўлган кучлар шаклланимоқда, янги ижодий ечимлар топилмоқда ва таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кучаймоқда.

Таълим–педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб, ўқувчи-талаба билан ўқитувчи(педагог)нинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Замонавий педагогик технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

- ўқувчи-талабанинг ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиши, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиши;
- билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;
- ўртача ўқувчи-талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг табақалашган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;
- ўқувчи-талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш ва ҳ.к.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқиши ва амалий асосланишига ўтилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шакллари апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнлар ўрганиладиган таълим тизими доирасида айнан таълим жараёнини етарлича самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология педагогнинг лойиҳалаштирилган ўқув жараёнига ижодий ёндашуви учун кенг ўрин қолдирган ҳолда тўлдирди.

Педагогик технологиянинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига сўзсиз эришиш ўқув жараёнида лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакиликда эмас, балки

режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текширув, таълимни алоҳида ўргатувчи эпизодларга бўлиш, ўқув жараёнининг барча бундай қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига мужассамлаштириш имконини туғдиради.

У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади:

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчи-талабаларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси (бу босқичда тескари боғланиш асосида зудлик билан таълим жараёнига тузатиш киритиш имконияти бўлиши лозим);
- натижани баҳолаш.

Ўқув мақсадларининг тўлиқ стандартлаштирилишининг меъёри қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) юқори, аммо мутлақ эмас;
- б) мутлақ.

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги туфайли уни тўлиқ кузатувчан хағти-ҳаракатлар типига айлантириш имконини бермайди, цикл тўлалигича қайта ишлаб чиқилмайди.

Иккинчи ҳолатда конвейерли жараён бўлган таълимнинг репродуктив типини билан иш юритилади.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагог олимлар, методист ўқитувчилар педагогик технологиянинг қонун-қоида ва принциплари асосида услубий материалларни ишлаб чиқиш пайтларида улардан юксак малака талаб этилади. Материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан, ташкилий ва консуьтатив (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёнининг сўнгги натижаларига йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- идентификацияланган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари таксономияси;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишдир. Ўзаро алоқа педагогик технологиянинг асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ камраб олади. Ўқитувчи(педагог) ўз олдига ўқувчи-талабалар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олсин, маълум билимларни эгаллаб, амалиётга қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди.

Бирок ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади? Ўқитувчи (педагог) ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, ўқитувчи(педагог) ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган методларининг мақсадга мувофиқлигига, ёки аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

М.В.Кларин фикри бўйича, ўқитувчи(педагог)лар томонидан мақсадларни белгилашнинг типик усуллари қуйидагича:

1. Ўқув материалининг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш.
2. Мақсадни ўқитувчи(педагог) фаолияти орқали аниқлаш.
3. Ўқувчи-талабанинг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиш ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадини қўйиш.

Ўқитишнинг мақсади ва таълим мазмунини ўқитувчи(педагог) ёки ўқувчи-талабанинг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ таассуротга эга бўлишга имкон бермайди. Бу натижалар ҳақида ўқувчи-талабалар фаолиятининг фақат ташқи томондан намоён бўлишини кузатиш мумкин. Бу мақсадга эришишнинг жуда содда ва самарасиз йўлидир.

Ривожланган давлатларда ўқувчи-талаба ва ўқитувчи(педагог)лар учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одат тусига кирган. Бу мантиқан тўғри, чунки ўқитиш жараёни педагог ва ўқувчи-талабанинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади.

Бунда мақсадлар ўқитувчи(педагог)нинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳоказо), ўқувчи-талабанинг характерларида ифодаланадиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Бундай маънода таълим вазифалари ўқувчи-талаба машғулотнинг охирида билиши ёки бажара олиши мумкин бўлган нарсани англатади.

Умуман олганда, таълим жараёнида вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

### **III боб. Педагогик технологиянинг шаклланиши ва унинг замонавий тузилмаси**

#### **3.1. Таълим технологияси ва унинг тузилиши**

Таълим жараёни ниҳоятда мураккаб ва кўп компонентлидир. Таълим самарадорлиги педагог ва талаба-ўқувчининг фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий-методик мукамаллигига, жамиятда илмий кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган кўпгина омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий структуралар яратилаётган ҳозирги кунда кенг, чуқур билимли ва билимларни амалда қўллаш оладиган шахсларга талаб кучайиб бормоқда. Билимдон ва тадбиркор, ижтимоий фаол шахс жамият ҳаётида, меҳнатда ўзининг ўрнини топади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шунинг яхшилаб тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ», деб кўрсатди. Бундай фаоллик вужудга келиши учун билимдон ва ҳаракатчан, миллий истиқлол ғоясига содиқ бўлган шахсни шакллантириш керак.

Таълимнинг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у ёшларга чуқур ва асосли билим бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатсин. Таълим жараёнида талабада мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши ҳозирги куннинг талабидир.

Педагогик амалиёт ва тадқиқотларда қатор иш усуллари қўллаб кўрилди. Таълимни муаммоли ташкил этиш, таълимда ўқувчиларни фаоллаштириш, ҳамкорлик педагогикаси, таянч билимларга асосланиш, таълимни оптималлаштириш ва бошқалар тажрибадан ўтди. Лекин бу педагогик воситалар айрим ўқитувчиларда самарали натижа берса ҳам, уни оммавий йўсинда таълим тизимига киритиб бўлмади.

Педагогик технологиянинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилиқ қисми пухта ўзлаштириши педагогик технологияни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутати. Педагогик технология ўрганилаётган соҳа бўйича талабаларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу талабанинг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч пайдо бўлишига эришиш мумкин.

Мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган



мавзуни якунлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтиллаётган мавзу бўйича талабанинг билимни аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган.

Педагогик технология талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, жонлантириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади, деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзуни ўрганишга киришишда эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин.

Педагогик технология таълим амалиётида учта даражада қўлланилади:

1. *Умумий педагогик даража.* Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология ўқув-тарбия жараёнининг яхлит тизимлилиги, маълум бир регион, ўқув юрти томонидан узлуксиз таълим таълим тизимининг муайян бир босқичидаги технологиянинг умумий қонуниятлари, илмий-назарий асослари, тамойиллари, амалиётда қўллашнинг умумий хусусиятлари, шарт-шароитларини ифодалайди. Шу ўринда қайд этиш керакки, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни орқали тегишли ўзига хос мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги сабабли, педагогик технология ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу даражада педагогик технология педагогик тизим тушунчасига синоним ҳисобланади. Унинг таркибига таълим-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаси, мазмуни, восита ва методлари, тарбия жараёнининг объекти ва субъекти фаолиятининг алгоритмлари киради.

2. *Хусусий методик даражада* педагогик технологиянинг муайян бир предмет, курсни ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

3. *Локал (модул) даражада* ўқув-тарбия жараёнининг маълум бир қисмининг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади. Унда ўқувчи талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, улар билимини назорат қилиш, шахсий фазилатларини шакллантириш каби масалалар кўзда тутилади.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Ўзбекистонда педагогик технология масалалари, асосан, таълим доирасида ўрганилмоқда. *Таълим технологияси* деб, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва моделлаштириш даражалари – ўқув материали, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзуни ўқувчи-талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шаклларини тушунамиз. Таълим технологияси ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳозирги етакчи принципи (субординация) ни чегаралайди, унда координация ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришнинг етакчи принципига айланади. Координация таълимни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишнинг бош принципига айланганда ўқувчи-талаба таълим жараёнининг

ўқитувчи (педагог) билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади, таълим жараёнини ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба биргаликда амалга оширади.

/арб мамлакатларидаги таълим технологиясининг бош ғояси дастурлаштирилган таълимга бориб тақалади. Дастурлаштирилган таълим асосчиларидан бири Беррес Фредерик Скиннернинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг ўқув материали ва уни ўзлаштиришга оид хатти-ҳаракатлари (ўқувчи фаолияти) поғоналар (таълим босқичлари)га ажратилади, ҳар бир босқичда ўқув материалининг маълум улуши тўлиқ ўзлаштирилади, ўқув материалининг ўзлаштирилган улуши текширилиб, кейинги улушни ўрганишга ўтилади. Демак, педагогик технологиянинг асосий тамойили маълумот мазмунини тўлиқ ўзлаштириш тактикасидан иборат бўлиб, у даставвал дастурлаштирилган таълим назарияси ва амалиёти қобиғида пайдо бўлган эди.

Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жиҳати – тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўпқиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жиҳатлари, уларнинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олиняпти, деган саволларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожланиш босқичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса педагогнинг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Педагогнинг белгиланган ўқув-тарбия вазифаларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида йўл қўйиладиган чегаравий кўрсаткичлар доирасида бажариш ҳолати ишлаш қобилияти деб аталиши мумкин. Демак, у ёки бу фан ўқитувчисининг маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти давлат таълим стандартлари талабларига ва педагогик шартларга нечоғлиқ мос келиши назарда тутилади.

Педагогик нашрларда педагог фаолиятини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлар тавсия этилади, жумладан:

- педагогик натижавийлик – педагог гуруҳида фан бўйича ўзлаштиришнинг ўртача қиймати;
- ўқитишнинг илмийлик даражаси – педагогнинг ўқув элементларини фан абстракцияси поғоналари бўйича тушунтириши;
- таълим мазмунини методик тайёрлаш – умумийлиги, изчиллиги, ҳаракатдалиги, ортиқча эмаслиги каби талабларнинг эътиборга олиниши;
- таълимда у ёки бу натижани қўлга киритиш йўлларида самарали фойдаланиш – экстенсив ёки интенсив шароитда ва ҳоказо.

Умуман олганда, педагог учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич – бу биринчи навбатда ўз ҳолатини педагогик жараёнда бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб етишидир. Педагог ўзининг иш фаолиятига хусусий касбий яроқлилигини, педагогик воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Демак, педагогик фаолиятга кириб келадиган ҳар бир инсон ўзининг унга мосланувчанлигини, шу касбга лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак.

Таълим технологиясининг асосий мақсади ҳам, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга мос келадиган таълим лойиҳасини яратишдир. Бундай лойиҳа ҳозирги замон психологияси, дидактикаси ва педагогик амалиётининг асосий ва илғор ғояларига таянган ҳолдагина яратилади.

Таълим – бошқариладиган жараён бўлиб, унинг натижаси, кўп жиҳатдан, тайёрланган дидактик лойиҳага боғлиқ. Дидактик лойиҳа эса таълим технологиясининг маҳсулидир. Ўқувчи- талабаларнинг билиш фаолиятини дидактик лойиҳага кўра бошқариш таълим технологиясининг педагогик асоси саналади. Ҳар қандай жараённинг бошланиши ва якуни мавжуд бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга оширишнинг ҳам кириш ва чиқиш нуқталари бор. Икки нуқта орасига жуда кўп нуқталарни жойлаштириш мумкин бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга ошириш ибтидоси билан интиҳосигача бўлган масофада таълимнинг самарали усуллари, воситалари кўп топилади. Бу ерда таълим технологияси энг самарали усул бўлиб, таълимнинг самарали шаклини танлашда ўқитувчига ёрдамга келади.

Демак, мақсаддан эталонга етиб келгунча ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи- талаба онги жуда кўп ҳодисалар билан учрашади. Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба мақсадларининг учрашган нуқталарида (ўқитиш мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир. Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуйидаги ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди. Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг эталон даражасида бўлиши доимо ўқитувчи (педагог) ҳамда ўқувчи-талабанинг диққат марказида туради. Ўқитувчи (педагог) таълим натижасини тез-тез текшириб, ўқувчи-талабаларни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва ўқувчи-талабалар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қилади. Ўқувчи- талабалар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Таълим технологияси бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш.

1. Таълим лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа ўқитувчи ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи- талабаларнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади.

Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига

қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзуни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабалар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси онгда таълим моделини яратишга олиб келади.

2. Таълим лойиҳасини амалга ошириш. Таълим лойиҳаси бевосита таълим шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчи-талабаларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчи-талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш, билишга қизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ҳодисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёни стохастик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқудлодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчи-талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчи-талабаларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи-талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материални янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- якуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчи-талабаларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Замонавий педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Педагог фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини проф. Н.Сайидахмедов қуйидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган.

1. Ташхисланувчан ўрнатилган мақсад – ўқувчи-талаба томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.
2. Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.
3. Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантикий қатъиянлиги – дидактик жараён тузилмасига мослиги.
4. Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши.
5. Ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.
6. Ўқувчи-талаба ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар).
7. Ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, талабанинг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Замонавий педагогик технологияни мунтазам таҳлил қилиб бориш, лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш методларининг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш (таълим методлари), олиниши зарур бўлган натижани олдиндан таҳлил қилиш (мақсадларнинг амалга ошишига эришиш), ўқув жараёнининг яхлитлигини таъминлаш каби тамойилларга асосланади. Педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш, айниқса хорижий давлатлардаги педагогик технологиялар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзимизнинг тизимлаштирилган таълим жараёнининг замонавий педагогик технология тизимини вужудга келтириш борасидаги амалга ошириладиган ишларни умумлаштириш ва ҳаётда қўллаш учун қуйидаги тадбирларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Таълим жараёни иштирокчилари – ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабалар ўртасида:

Ўқув режасини ишлаб чиқиш, яъни ўқитувчи (педагог) бўлим ва бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи- талаба ва ўқитувчи (педагог) фаолияти ўз ифодасини топмоғи лозим. Замонавий педагогик технология тамойилларидан бири бўлган ўқув меҳнатининг ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба ўртасида изчил режалаштирилган тақсимооти ўқитувчи (педагог)дан таълим жараёнини изчил бошқаришни талаб қилади.

2. Фаннинг ички боғланиши ва фуқаролараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш.

Ҳар бир ўрганиладиган кичик ва йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларга таянади. Бунда фанлараро боғланишлар ва ўқувчи-

талабаларнинг тайёргарлик даражаларини билиш ҳам муҳим томонлардан биридир. Демак, ўқувчи-талабани янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса, оралиқ тайёргарлик олиб бориш ва шундан кейингина билимларни ўрганишнинг навбатдаги босқичига ўтиш мумкин.

### 3. Ўқув бирликларини (мезонларини) белгилаш.

Ўқув бирликлари ўқувчи-талаба ўрганиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантиқий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи (педагог) боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчи-талабалар ўрганиши лозим бўлган мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи-талаба билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати аниқлаб олинади. Ўқув режасини тузишда ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабалар билиши керак бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар бўйича аниқлайди ва уларга мустақил топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради.

### 4. Диагностик таҳлил.

Ўқувчи-талабалар билимидаги нотекисликларни аниқлаш, уларни тўлдириб ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтариш мақсадида диагностикалаш амалга оширилади. Диагностикалаш қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- ўқувчи-талабалар ўзлаштириш даражасини диагностикалаш;
- улар билимидаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
- аниқланган етишмовчиликларни тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- махсус топшириқлар бажариш соатларини белгилаш;
- якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, асосий ўзлаштиришдаги камчиликлар соатини аниқлаш, ҳар бир ўқувчи-талабанинг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришига тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг натижаси кафолатланганлигини таъминлайди.

### 5. Тузатиш киритиш.

Бўлим ёки бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижаси 50 фоиздан кам кўрсаткични берса, ўқитувчи (педагог) таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши шарт.

### 6. Қайта тўлдириш (нуқсонларни йўқотиш).

Қайта тузатиш киритилишидан (коррекция) мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни бартараф этиш тўлдириш асосида амалга оширилади.

### 7. Кутилиши лозим бўлган натижани олиш.

Бу элемент замонавий педагогик технологияларнинг марказий ғояси ҳисобланади. Педагогик технология таълим жараёни натижаси кафолатли бўлишини талаб қилар экан, жараён боришидан кўзда тутилган мақсад амалга оширилиши ва натижали бўлишининг режалаштирилишини ўқитувчи (педагог)лар олдида вазифа қилиб қўяди.

Таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан қатор хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- машғулотлар ўқувчи-талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;
- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;
- ҳар бир ўқувчи-талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;
- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзлари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида эталонга бирлаштириб турилади;
- натижа ўқувчи-талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;
- ўқув материални тўлиқ ўзлаштирган ўқувчи-талаба кейинги мавзунини ўрганишга ўтади;
- эталондан паст ўзлаштирган ўқувчи-талабалар учун таълим ўхшаш шароитларда такрорланади;
- ўқувчи-талаба учун ўқиш-ўрганиш ҳаракатига тенг мақсадларни амалга оширишдан бошланади;
- ўқувчи-талаба ҳаракатга тенг мақсадлардан оралиқ мақсадга – билимларга, ундан умумий ўқув мақсадига қараб боради;
- ҳаракатга тенг мақсаддан умумий ўқув мақсадига қараб бориш ўқиш-ўрганишнинг циклийлигини таъминлайди;
- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқ ўрганилгач чиқарилади.

### **3.2. Таълимда ахборот технологиялари**

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш.
2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

*Ахборот технологиялари* – бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади. Албатта, бунинг учун мазкур технологияни синчиклаб ўрганиш, жараёнлардаги ва улар ўртасидаги ахборот алмашинувини, шунингдек, жараёнлар занжирини (яъни технологияни) бошқаришнинг ахборот таъминотини таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва х.);

2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва х.);

3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва х.) ошириш.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;

- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, аниқ, табиий-илмий, техникавий, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий тарзда ва динамик равишда янгилаш.

Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуйидаги муаммолар муҳимдир:

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон-ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уларни амалда қўллаш хусусиятларини белгилайди;

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;



3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, ҳисоблаш техникасидан ҳам фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқиладиган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири-компьютер технологиялари анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила бошланганлигидир. У ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди. Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларини амалга оширилиши қуйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;

- таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;

- таълим-тарбия жараёнида янги ўқув-техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

Кейинги вақтларда «ўқитишнинг компьютер технологиялари» тушунчаси тарқалиб, бунда компьютерлар базасида амалга оширилган ўқитиш технологиялари тушунилади. Бироқ ахборот технологиялари тушунчаси ўқитишнинг компьютер технологиялари тушунчасидан кенгрокдир, чунки компьютерлар ахборот технологиялари техник воситаларининг таркибий қисмидир.

Бугунги кунда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалди. Улардан фойдаланиш матнли график ахборотни бир вақтда биргаликда ёзиш имконини беради, шу билан бирга уни қайта тиклашда юқори сифатли тасвир пайдо бўлади. Магнит ёзувдан фарқли ўлароқ, оптик дисклардаги ёзув исталган сондаги қайта тиклашларда ҳам ёмонлашмайди. Компьютерлар ишининг дастурий-математик таъминоти юқори технологик ишлаб чиқариш тараққиётининг муҳим йўналиши бўлмоқда.

Шунингдек, техник ва дастурли ахборот технологиялари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

*ЭҲМ тармоқлари.* Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭҲМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалган. ЭҲМ локал тармоқлари унча катта бўлмаган фазода амалга оширилади ва ахборот хизмати турли тармоқларининг интегратори бўлади. Улар ташкилотлардаги барча ахборот технологиялари воситаларини бирлаштиради ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади. ЭҲМ глобал тармоқлари эса, ахборотни катта масофаларга узатилишини амалга ошириш имконини беради.

*Йўлдошли алоқа тизимлари.* Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ҳамда телевидение дастурини узатиш учун ишлатилмоқда.

*Сунъий интеллект тизимлари.* Сунъий интеллект элементли АКТнинг бошқаларидан фарқи шундаки, оддий АКТлари фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади. Информатиканинг алоҳида йўналиши-сунъий интеллектдир. Одам ақлий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли-техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

*Электрон почта.* «Электрон почта» – бу корреспонденциялар алмашиши учун почтага ўхшаш ахборот узатиш ва ишлаб чиқишнинг электрон усулларидан фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш ҳамда электрон почта ёки қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, у хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

Электрон почта асосида аҳолига электрон газета ва журналлар каби ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилган. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида электрон нашрлар борган сари кўп ўрин эгалламоқда. Бу жараён компакт оптик дисклар кенг тарқалиши билан тезлашди.

*Телеконференциялар.* Телеконференциялар замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширилишига мисол бўла олади. Телеконференцияларни ўтказиш учун куйидаги аппаратуралардан фойдаланилади: терминаллар, телевизия камералар, график дисплейлар, катта намоёниш экранлари. Шунингдек, телеконференциялар орқали долзарб масалалар муҳокамасини тезкорлик билан ташкил этиш, муҳокама учун исталган расми материаллардан фойдаланиш, долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш, халқаро маълумотлар банкларидаги исталган ахборотдан фойдаланиш каби имкониятлар юзага келади.

Ўқитишнинг замонавий ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало, ўқитувчи(педагог)нинг технологиясидир. Ўқувчи-талаба замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қилади, ўқувчи-талабалар билимини назорат қилади ва унинг вазифаси таълим мазмунини такомиллаштириш учун компьютерлаштиришнинг энг юқори даражасидаги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш заруриятига боғланади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида «компьютерлаштиришнинг концепцияси» яратилиши лозим.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳали тадқиқ қилинмаган янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу ахборотни тайёрлаш ва уни таълим олувчига узатиш жараёни бўлиб, унинг амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, уларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги ва етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;

- ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Компьютерли технология мазмуни бир қанча шакллантирилган моделни қўллашга асосланган бўлиб, бу модел компьютер хотирасига ёзиб қўйилган педагогик дастурли воситалар ва телекоммуникация тармоғининг имкониятлари орқали намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ва кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш бўлмоқда. Шу муносабат билан, ҳатто «мултимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишда кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишни билдиради. Мултимедиани қўллаган ҳолда энг муҳим нарса ўқувчи-талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи(педагог)нинг вазифаси ахборотни беришдан иборат эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи ҳамдир.

Бу каби ўқитиш воситалари комплексидан фойдаланилган ҳолда ўқувчи-талабага таъсир кўрсатиш биргина ахборот каналлари (кўриш, эшитиш ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади. Бу эса таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг ҳаммаси эса ўқитувчи(педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзгартиришни талаб қилади. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ўқитувчи (педагог)ларнинг ахборот

маданияти асослари методологик, умумтаълимий, умуммаданий характерда бўлиб, педагог ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида барча ўқув фанлари комплексини ўрганишда шаклланиши лозим.

Кейинги йилларда Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, таълим тизими мазмуни, уни ташкил этиш шакллари ҳамда сифатини ошириш борасида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди ва бермоқда..

Маълумки, ўқитувчи(педагог)ларнинг анъанавий ўқитиш усулида лаборатория ва амалий ишлар ўтказилишига кўп вақт ажратилади. Бу мутахассис тайёрлашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир. У нафақат ўқувчи-талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширишга, балки муайян соҳада амалий кўникмаларни ҳосил қилишга ҳам кўмак беради. Бироқ бундай машғулотлар тўлақонли натижа беради, дея олмаймиз. Сабаби – лаборатория жиҳозлари етарли даражада эмаслиги ҳамда кўпгина лаборатория ва ўқув хоналари замонавий мослама ва ускуналар билан жиҳозланмаганлиги, мавжудларининг ҳам аксарияти маънавий эскириб қолганлиги ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмаслигидадир. Технологиялар тез суръатда ривожланаётган ҳозирги вақтда амалий машғулотлар учун лаборатория ва стендларни ҳар бир ўқув йилида такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун эса кўшимча сарф-харажатлар қилиш керак. Бошқа яна бир муҳим омил шундаки, баъзи лаборатория тадқиқотларидаги иш ёки жараёнларнинг сустилиги сабабли ажратилган вақт ичида таълим олувчилар такрор таҳлил ёхуд синовлар ўтказишга қийналишади, ҳолбуки, маълум бир соҳада етарлича иш кўникмалари ва тажриба орттириш учун амалий машғулотларни қайта-қайта такрорлаш зарур. Афсуски, анъанавий иш олиб бориш шароитида лаборатория моддий ашёлари ҳамда мосламаларининг тез-тез бузилиши ва шу билан боғлиқ ашёларга кўшимча сарфлар қилиниши боис ҳар доим ҳам бундай қилинавермайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, янги тизим мутахассис кадрларини тайёрлаш учун муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабон педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча руҳий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига-ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий ахборот технологияларининг тадбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

Бугунги кунга келиб, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида виртуал стендлардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хўш, виртуал стенд деганда нимани тушунамиз? *Виртуал стенд* – ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака

устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Виртуал стендлар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «буюришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш ва ҳоказолар билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтиради.

Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ улкан молия захираларининг тежаб қилиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арзонга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини ялпи таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шуни кўриш мумкинки, виртуал стендлар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Интернет тизимининг халқаро ахборот тизими орқали масофали усуллар ёрдамида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва педагог кадрлар малакасини ошириш имконияти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрда эълон қилинган махсус қарорида кўзда тутилган. Таҳсил олаётганлар ҳам, таълим муассасалари ҳам виртуал стендлардан фойдаланишдан манфаат кўрадилар.

Уларнинг жорий қилиниши натижасида, анъанавий таълимга қиёслаганда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг янада юқори сифати таъминланади. Бунга автоматлаштирилган ўқитувчи (педагог) ва тест ўтказувчи, тизимлар, тест топшириқлари ва ўз-ўзини текшириш учун саволларни ўз ичига олган ихтисослашган ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш, ўқув жараёнининг услубий негизини тезкор янгилаш ҳисобига эришилади. Биз ўқитишнинг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари дипломларининг қадри тенг бўлишини таъминлайди.

Демак, таълим жараёнида виртуал стендлардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибгина қолмай, балки улкан молия захираларини тежашга имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза муҳитни яратади. Виртуал стендлар жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қилади. Виртуал ўқитиш стендларини, айниқса, қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишга, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнашининг олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;
- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишлари ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ҳодисаларини комплекс ўрганиш;
- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;
- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;
- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

### **3.3. Педагогик технологияда қўлланиладиган усул ва воситалар**

Жамият ҳаётининг жадал тарзда ривожланиши, тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, замонавий педагогик технология фани педагогик прогностиканинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз заммасига олмоғи талаб этилади. Бугунги кунда турли типдаги таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг ўрни ва даражасини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларда педагогик прогностиканинг имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иқтисод ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина узлуксиз таълим жараёнини унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситаларини, таълим натижаларининг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан лойиҳалаштиришга асос бўла олади. Демак, шундагина ўқув-тарбия жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида ислохотларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, педагогик технологиялар таълим жараёнини ташхис қилиш ва яратилган назариялар, ўқув-методик мажмуалар тажриба-синов асосида амалиётга жорий қилишнинг методологик асослари, аниқ механизмлари, усул ва воситаларини ишлаб чиқиши керак. Таълим жараёнининг ташхис қилиш механизми шу жараённинг ютуқ ва камчиликлари, таълим натижасининг сифат кўрсаткичлари, таълим жараёнига татбиқ қилинадиган педагогик назариялар, замонавий технологияларнинг таълим амалиётини ривожлантира олиш ёки таълимнинг тараққиётга тўсқинлик қилиш даражасини аниқлашга йўналтирилиши керак. Педагогик тажриба-синов эса амалга оширилган тадқиқот натижаларининг самарадорлик даражасини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга. Ўтказиладиган тажриба-синовнинг характери билан боғлиқ тарзда ўқув дастурлари, дарслик ва дарс ишланмалари, методик қўлланмалар, дидактик ишланмалар яратилиши ва тажриба-синов жараёнига тақдим этилиши

зарур. Агар ўқув дастури тажрибадан ўтказилаётган бўлса, кузатилаётган таълим жараёнини, яъни дарслик ёки дарс ишланмалари, техник воситалар, кўргазмалар қуроллар, ўқув қўлланмалари билан таъминлашга эришиш талаб этилади. Бунда асосий эътибор ўқитувчининг қайси метод ёки педагогик технологияни қўллаганлигига эмас, балки ўқув дастури доирасида тақдим этилаётган ўқув материалларининг самарадорлигини аниқлашга қаратилади. Чунончи, тажриба-синов жараёнига жалб этилган назариялар ҳамда тажриба синфларидан олинган натижалар статистик жиҳатдан ишланиши талаб этилади. Амалга ошириладиган тажриба-синов жараёни ва уларнинг натижаси экспертизасига нуфузли илмий-педагогик жамоалар ҳамда етакчи мутахассислар жалб этилиши талаб қилинади. Кенг қўламли тажриба-синовларнинг амалга оширилиши жараёни ва натижаларининг экспертизаси илмий-педагогик жамоалар томонидан олдиндан тасдиқланган низом талаблари асосида амалга оширилиши керак.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланишида педагогик прогностика ўзининг аниқ белгилаб олинган мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқ этаётган муаммоларнинг мантиқий асослари, ривожланиш қонуниятлари, ўзининг таянч методологиясига эга бўлган педагогика фанининг муҳим тармоғи сифатида намоён бўлади. Педагогик прогностика илмнинг устувор соҳаси сифатида давлат ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини янгидан-янги педагогик назариялар негизида вужудга келган таълим моделлари ва технологиялари билан қуроллантириш асосида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилгандир.

Педагогик прогностика ўқувчи шахсининг ёш хусусиятлари ва ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда таълим технологияларини танлайди. Танлаб олинган муайян таълим технологиялари доирасида ўқувчи-талабаларга турли даражадаги тушунчаларни ҳамда мужассамлашган билимларни тақдим этиш йўллари, шакл ва воситаларини таклиф қилади. Муайян бир педагогик технологияни назарий жиҳатдан асослаганда педагогик прогностика ўқувчи ҳамда ўқитувчининг жонли фаолият кўрсатишини таъминлашга, унинг эркин фикрлаш, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутмоғи лозим.

Таълим жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари хоҳ таълим мазмуни, хоҳ ўқув дастури ёки дарслик, хоҳ ўқитувчи фаолияти орқали ўтишидан қатъий назар, ўқувчининг жонли тарздаги эркин ва ижодий фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш талаб қилинади. Бунда педагогик технологиялар, биринчи навбатда, ҳар бир ўқувчи-талабанинг бошқа ўқувчи-талабалар, дарс материаллари ҳамда ўқитувчи (педагог) билан эркин тарзда мулоқот қилишини, фикр алмашишини таъминлайди. Замонавий педагогик технологиялар педагогик амалиётнинг ўқувчи ёки талаба шахсига қонунлар мажмуини, табиат ва жамият ҳодисаларини, кишилиқ маданияти ва ахлоқ-одобини, муайян фан асосларини танитувчи шакли сифатида намоён бўлиши лозим. Бу соҳада назарий жиҳатдан қатъий асосланган, ҳар томонлама синовдан ўтган ҳамда аниқ амал қилувчи қонуниятларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологиянинг асосий моҳияти ҳар бир шахсда мавжуд бўлган унинг эҳтиёжи, қизиқиши, иқтидори ва имкониятлари асосида уларда ижобий хислат ва фазилатларни шакллантириш, ривожлантириш саналади.

Бу ўринда таълим мазмуни шахснинг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳит саналади. Шунинг учун таълим мазмуни инсонпарварликка йўналтирилган гуманистик ғоя ва меъёрларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология яқка ҳокимлик технологиясига тубдан қарши бўлиб, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, ўқувчи-талабалар шахсини ҳурмат қилиш, эъозлаш орқали шахсни ривожлантириш ва ижод қилишга қулай муҳит яратади. Анъанавий таълимда ўқитувчи (педагог) таълим мазмунининг субъекти, ўқувчи-талабалар педагогик жараённинг объекти деб қаралса, ҳамкорлик педагогикасида ўқувчи-талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади. Шу сабабли ҳамкорлик педагогикасида ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этади.

Ушбу педагогик технологияда таълим тизими марказида баркамол инсон шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган инсонпарварлик ғояси муҳим ўрин тутаяди. Бу ғоя қай даражада амалга оширилганлиги таълим жараёнининг асосий натижаси педагогик жамоа меҳнатининг сифатига берилган баҳо асосида аниқланади. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ўқув-тарбиявий жараённинг асосий натижасини аниқловчи муҳим омил шахсга бўлган муносабат ҳисобланади.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи – ўз олдига маълум бир мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидир. Кишининг мақсади сари қиладиган ҳаракати, яъни фаолияти жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан фойдаланади. Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланадиган тадбир ва чоралар мажмуи усул деб аталади.

Инсон мақсадга етишда бир неча, баъзан эса ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усуллар маълум бир тизимда қўлланади. Мақсадга етишда қўлланадиган усуллар тизимини услуб деб аталади.

Усулларни маълум бир услубда қўллаш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Ундан ташқари, инсон мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамойил сифатида амал қиладди.

Таълим услуби – ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи-талабалар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир. Ўқитиш услублари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Усуллар билимларни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалийға бўлинади. Таълим мазмуни



ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларнинг таълим фаолиятига муносиб равишда қуйидаги услублар: тушунтириш – иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари қўлланилади.

Таълимнинг оғзаки услубларига: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар киради. Бу услубларни қўллашда ўқитувчи (педагог) сўз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчи-талабалар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қилади.

Ҳикоя услубида ўқувчи-талабаларга бериладиган таълим мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади. Бу услубни қўллашда муайян педагогик усуллардан фойдаланилади. Масалан, диққатни фаоллаштириш, баён қилиш, таққослаш, асосийларини ажратиш, яқунлаш каби мантиқий тадбирлар шулар жумласидандир. Ҳикоя самарадорлигининг шартлари: режани кунт билан ўйлаб тузиш, мавзунинг изчил ёритилишини таъминлаш, кўرғазмаларни муваффақиятли танлаш, баёнда керакли эмоционалликка эришиш.

Маъруза – билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ҳикоядан ажралиб туради.

Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида ўқувчи-талабаларнинг диққатини тутиб туриш ҳамда уларнинг фикрларини фаоллаштириш, исботлаш, таъриф бериш, бир тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади.

Суҳбат услуби атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи-талабалар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Суҳбат услубини қўллашда саволларни қўйиш (асосий, қўшимча, йўлловчи ва бошқалар), ўқувчи-талабаларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, суҳбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларидан фойдаланилади.

Таълимнинг кўрғазмали услубини шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: кўрғазмали ва намоёиш қилиш услублари.

Кўрғазмали услуби ўқувчи-талабаларга намоёиш этиладиган қўлланмалар, жумладан, харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, суратлар ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутди. Намоёиш қилиш услуби, одатда, қурилма, асбоблар, тажрибалар, турли типдаги препаратларни намоёиш қилиш билан боғлиқ.

Таълимнинг кўрғазмали услубларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз билан ифодалаш услуби билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўрғазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлиги шундаки, объектив борлиқдаги қонуниятлар амалиётда биргаликда қўлланишни тақозо этади. Демак, сўз ва кўрғазмалилик алоқасининг хилма-хил шакллари мавжуд. Таълим вазифасининг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мазмуни, мавжуд кўрғазмали воситаларнинг характери, ўқувчи-талабалар тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, аниқ бир ҳолатда улар оқилона уйғунлаштирилади.

Амалий услублар тарбия фаолиятининг хилма-хил турлари кенг доирасини қамраб олади. Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади: вазифа (мақсад)ни қўйиш, уни бажариш услубини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун таълим жараёнига тузатиш киритиш.

Амалий машқларнинг аниқ турларидан бири машқни шарҳлаш ҳисобланади. Уни бажаришда ўқувчи-талаба бўлажак хатти-ҳаракатини фаол мушоҳада қилади, ўзига ўзи эшиттириб гапиради ҳамда бўлажак воқеани шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш ўқувчи-талабага ўзининг типик хатосини англашга ва ҳаракатига тузатишлар киритишига кўмаклашади.

Амалий тарбия услубларининг иккинчи гуруҳини лаборатория тажрибалари ташкил қилади. Кейинги йилларда мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида фронтал лаборатория ишлари мустақкам ўрин олди.

Амалий услублар тарбияни сўз орқали ифодалаш ва уни кўргазмали услублар билан мустақкамлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқликда қўлланилади, бунда машқ, тарбия, меҳнат операциясини бажаришдан олдин ўқитувчи (педагог) тушунтириш беради, кўрсатади. Оғзаки тушунтириш ва кўргазмали намойиш, одатда, машқни бажариш жараёнининг ўзи билан бир вақтда олиб борилади.

Муаммоли-қидирув услублари муаммоли таълим жараёнида қўлланади. Бу услублардан фойдаланишда ўқитувчи (педагог) аввало муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ўқувчи-талабалар олдинги билим ва тажрибаларига асосланиб муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги таклифларини айтади ва олдин олган билимларини умумлаштиради, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайди. Бу услуб ўқувчи-талабаларнинг билимга қизиқишларини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш, ўқувчи-талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутаяди.

Муаммоли-қидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланади. Улар ўқувчи-талабаларнинг билимни чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу услублар таълим жараёнида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, фактик ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория тажриба ўқув кўникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалининг мазмуни принципиал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида ўқувчи-талабалар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқаларга олиб келса, самарали қўлланади. Муаммоли-қидирув услублари кўпроқ ўқитувчи(педагог)лар ўқувчи-талабаларни муаммоли вазиятни ечиш фаолиятига тайёрлаган ҳолларда қўлланади. Шунинг

учун бу услуб ўзини илмий-тадқиқот ишларига бағишлаган талаба ёшларга асқотади.

Педагог одатда ўз олдига талабалар материалнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин, деган мақсадни қўяди. Лекин ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади? Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган методлари мақсадга мувофиқлигига ёки, аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Ўқитиш услубини тадқиқ қилишда педагогик технология тарафдорлари айнан шу нарсани назарда тутишган эди.

Педагог жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Ҳаттоки, ўқув дастурларида белгиланган мақсадлар ҳам бир нечта тушунтиришлар билан чекланган. Бу ерда мақсадларни аниқлаштиришнинг ўзига хос пиллапоясини тузиш мумкин: жамиятнинг умумий талабларидан – таълим тизими вазифаларига, улардан–маълум ўқув юрти, ўқув предмети, унинг мавзули бўлимлари ва алоҳида ўқув мақсадларига ўтиш мумкин.

М.В.Кларин таълимоти бўйича педагоглар томонидан мақсадларни белгилашнинг анъанавий усуллари қуйидагилар:

1. Ўқув материалнинг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш.
2. Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалаш.
3. Талабанинг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиши ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадни қўйиш.
4. Ўқув мақсадларини талабалар фаолияти орқали қўйиш.

Шу муносабат билан ўқитишнинг мақсадларини таълим мазмуни, педагог ёки талабанинг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон бермайди. Бу натижалар ҳақида талабалар фаолиятининг фақат ташқи намоён бўлишидан хулоса чиқариш мумкин. Педагог ўқитиш натижасини аниқлаштира бориб, унинг кузатиш мумкин бўлган ташқи белгиларини, яъни сўзлашиш, ҳаракатланиш жараёнини тўла тасвирлашга интилади. Баъзида, тасвирлаш жараёни ташқи белгиларини санаб чиқишга олиб келади ва ушбу жараён орқали натижани сезиларли даражада соддалаштириш мумкин.

Замонавий педагогик технологияда назарда тутилаётган мақсадларни қўйиш услуби ўзининг ашёвий хусусиятига эга. Бу шундан иборатки, ўқитиш мақсадлари талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.

Демак, анъанавий ўқув жараёнида асосий омил бу педагогнинг фаолияти ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринга таълим жараёнидаги талабаларнинг фаолияти қўйилади.

Илғор ижодкор педагоглар, анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, талабанинг ақлий меҳнатини амалга ошириш усуллари изланишлари натижасида ўзига хос таълим усули воситаларини яратадиларки, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Мана шу изланишлар замирида замонавий педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Қўлланадиган педагогик

технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлиги таъминланган ҳолдагина кутилган зарур натижани бериши мумкин. Таълимга тестлар, диагноз ва диагностик таҳлилнинг олиб кирилиши, билимларни кўп балли баҳолаш тизимида аниқлашга ўтиш, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида, талабаларнинг ишлаши ва анъанавий дарс шаклларидаги вужудга келиши, биз шу пайтгача ўрганиб қолган анъанавий таълим ўрнига вужудга келган педагогик технологиялар бўлиб, улар янгиликларни таълимга ўтишни тақозо қилади.

Таълимни амалга ошириш жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи талаба шахси устуворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Ҳозирги вақтда замонавий педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш;
- метод ва усулларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш;
- олиниши зарур бўлган натижасини олдиндан тахмин қилиш, яъни мақсадларнинг амалга ошишига эришиш;
- таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш.

Замонавий педагогик технология таълим жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киришни тақозо қилади. Булар қуйидагилар:

1. Диагноз.
2. Ўқув бирликларини (мезонларини) белгилаш.
3. Диагностик таҳлил.
4. Тузатиш киритиш (коррекция).
5. Қайта тўлатиш (кетма-кетликни йўқотиш).
6. Кутилиши лозим бўлган натижани олиш.
7. Рейтинг.

Юқорида келтирилган тамойиллар ва элементларга асосланган ҳолда замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш, хорижий ҳамда ҳамдўстлик давлатларидаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, ўзимизнинг замонавий педагогик технология тизимини вужудга келтириш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва амалда қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари педагог ва талаба ўртасида ўқув меҳнати режасини ишлаб чиқиш, яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада талаба фаолияти ўз аксини топмоғи лозим.
2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак, талабани янги

бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса, оралик тайёргарлик олиб бориш ва шундан кейингина талабани билимларни ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш замонавий педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири **диагноз** (ташхис) ҳисобланиб, талабаларнинг янги янги билимларни ўзлаштиришга қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат.

3. Ўқув бирликлари мезонларини белгилаш. Ўқув бирликлари талаба томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунча, таъриф, қоида, қонунлар, ҳодиса ва воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантиқий боғланишнинг таъминланишини шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Педагог боб, бўлим учун ажратилган соатларда талабалар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларини аниқлайди, у учун ажратилган вақтни ҳам белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши зарур бўлган мезонлар ҳисобланиб, талабалар билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни талаба ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Педагог шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Ўқув режасини тузишда педагог талабалар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлим, боб ва семестрлар бўйича аниқлайди ҳамда талабаларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида қуйидаги диагностика тадбирлари амалга оширилади:

- ўқувчи-талабалар ўзлаштириш даражасини диагностикалаштириш;
- бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
- аниқланган етишмовчиликларни тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- махсус топшириқлар билан ишлаш соатларини белгилаш;
- якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир талабанинг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади.

6. Қайта тўлдириш (нуқсонларни йўқотиш). Қайта тузатиш киритишдан мақсад, олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни бартараф этиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалий-тадбиқий машғулотларда амалга оширилади. Шу мақсадда педагог талабалар ўзлаштириш даражасидаги тўлдиришни амалга оширомоғи лозим. Бунда педагог танлаётган ўқув вазифасининг даражасини талабаларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириш зарур.

7. Қутилиши лозим бўлган натижаларни олиш. Бу элемент педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Педагогик технология таълим

жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилар экан, педагог олдида жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга ошириш ва аниқ натижани мўлжаллаб режалаштиришни мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиши режалаштирилган натижа олинишига эришилади. Демак, замонавий педагогик технология деб илгари сурилган ғоянинг мақсади ана шундадир.

Жаҳон педагогика фани илмий-техника тараққиёти таъсирини бошидан кечириб, психология, кибернетика, тизимлар назарияси, бошқарув назарияси ва бошқа фанлар ютуқларини бирлаштириб, бугунги кунда фаол янгилашиш жараёнлари босқичига ўтди ва инсон имкониятларини самарали ривожлантириш амалиётига бой маҳсул бермоқда.

Педагогик технология услублари дастлаб таълим беришнинг намунавий вазиятдаги ўзлаштириш талаб этиладиган маҳсулдор, яъни репродуктив даражаси учун ишлаб чиқилганди. Репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аниқ ўқув фани доирасида ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълим олувчиларда билим ва кўникмаларнинг маълум «пойдевори» ҳосил қилингандан кейингина, таълимнинг натижали, яъни продуктив ва ижодий ёндашиш услубларига ўтиш мумкин.

## IV боб. Педагогик технологияни жорий этиш муаммолари

### 4.1. Муаммоли таълим технологиясининг мақсад ва вазифаси

Олий ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti мазкур жараёнга тизимли ёндашув саналади ва ўқитувчиларга қуйидаги дарс турлари тавсия этилади:

1. Маъруза (кириш маърузаси, мавзули маъруза, умумлаштирувчи маъруза) машғулоти.
2. Семинар (билимларни мустақамловчи, янги билимларни мустақил эгаллашга мўлжалланган) дарслари.
3. Модулли дарс.
4. Муаммоли (ақлий ҳужум) дарслар.
5. Мунозарали (илмий мунозара ва эркин фикрлаш) дарслар.
6. Дидактик-ўйинли (сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар, ўйин-машқлар) дарслар.
7. Синов (дидактик карточкалар, тест топшириқлари, ўзаро назорат варағи ёрдамида, АКТ назорат дастурлари воситасида ўтказиладиган) дарслари.

Мазкур дарсларнинг ўзига хос жиҳати дарс давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.

*Муаммоли таълим дейилганда*, ўқитувчи (педагог) раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчи-талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади. Шунингдек, муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи (педагог) томонидан ўқувчи-талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Ўқув материални муаммолаштириш;
2. Ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
4. Ўқитувчи (педагог) томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчи-талабаларга баён этиш.

Муаммоли методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчи-талабаларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади ҳамда ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур. Ўқитишда муаммоли вазият шунчаки

«фикр йўлидаги кутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас, балки у билиш мақсадлари махсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, яъни янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда ўқувчи-талаба машаққат талаб қилган тушунча ёки фактнинг унга аввал ва айни вақтда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилар:

- ўқувчи-талабага нотаниш бўлган фактнинг мавжуд бўлиши;
- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқитувчи (педагог) ўқувчи-талабалар фаолиятини фикр юритишнинг мантиқий операциялари-тахлил, синтез, таққослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтиради.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффақиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзунини муаммоли дарс шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнига муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқитувчи (педагог) қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак бўлади:

- ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;
- мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг илмийлик, системалилик, мантиқийлик, кетма-кетлик, изчиллик принципларига амал қилиши;
- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўллари белгилаши зарур.

Ўқитувчи ўрганилаётган боб ва мавзуларнинг дидактик мақсади, таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда юқори самара берадиган машғулот турини белгилайди, ўқув йили бошидан тақвимий мавзуларни режалаштиради.

Олий ўқув юртларида замонавий таълим технологияси – бу муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб, муаммони ҳал этишдир. Таълим технологияси эса, ривожланаётган таълим жараёнини, муаммоли ўқитиш вазифасини фаол ўрганиш жараёнини рағбатлантириш, тадқиқот ишларини олиб бориш ва тафаккур этиш усулини тарбиялашдан иборатдир. Муаммоли ўқитиш жараёни шахснинг ижодий фаолиятини тарбиялаш мақсадларига мос тарзда олий ўқув юртлари иш амалиётида муаммоли ўқитиш билан биргаликда иллюстрацияли тушунтириш технологияси, ахборот-маълумот технологияси ва дастурлашган таълим технологияси кабилардан кенг фойдаланишни тақозо этади.



Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабанинг мустақиллик роли репродуктив ўқув усулларига солиштириб қараганда анча самарали бўлади. Муаммоли ўқитишнинг мақсади ўқувчи-талабалар билан ишлаш жараёнида таълим-тарбия масалалари, муаммо ва саволларига жавоб қидириш, уларни ҳал этиш йўллари билан янги билимларни ўзлаштиришни, ўқувчи-талабалар ўқув фаолиятида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва ҳал этиш бўйича ўқитувчи (педагог)лар уларда қизиқиш уйғота олишидан иборат.

Муаммоли вазият-тингловчи(билим олувчи)ларга бериладиган факт ва маълумотлар, ахборот ва билимлар билан янги далиллар, ҳодисалар, вазиятлар орасидаги диалектик қаршилиқлар бўлиб, уларни тушуниб олиш учун илгари олган билимларининг етишмаслигидир. Бу қарама-қаршилиқлар (тушунмовчиликлар) ижодий билимларни ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Таълим жараёнида муаммоли вазият хусусияти қуйидагилардан иборат:

- ўқувчи-талабалар учун номаълум янгилик мавжудлиги;
- муаммоларни ўзлари ҳал этишлари;
- шахсий қизиқиш ва эҳтиёжлари юзага келган тушунмовчиликларни ўзлари ўрганишга ҳаракат қилишлари;
- нима номаълум эканлигини билиб, маъносини тушуниб, уни ҳал этишга интилиш кабилар.

Юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиш, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларидандир. Бундай фикр юритиш ўқувчи-талабани шу нарсани англай олмаганлигини тушуниб етиб, бу гапнинг маъносига жиддий равишда эътибор беришга қаратади.

Муаммоли таълимни ташкил этиш ва олиб боришда ўқитувчи (педагог) ўзининг таълим-тарбия беришдаги фаолиятини аниқ тушуниб, етиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи (педагог) ўқувчи-талабаларга тайёр фикр бермай, балки уларнинг изланишига тўғри йўналиш бериши лозим. Ўқувчи-талабалар машғулотларда ва кундалик ҳаётда учрайдиган воқеа, хабар, ҳодиса ва турли далилларни ўзлари таҳлил қилиб, мустақил фикрга эга бўлишни мақсад қилиб қўйишлари керак. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги муаммоли таълим ўқувчи-талабаларнинг изланиш фаолияти, билим ва малакаларни чуқур эгаллаб олишини, теварак-атрофдаги ўзгаришларга бўладиган қарашига катта ижобий таъсир кўрсатиш имкониятини ҳам яратиб беради.

Ўқитувчи (педагог) муаммоли таълим тизимида ўқувчи- талабалар ўқув-изланиш фаолиятини шундай ташкил этадики, уларнинг диққати юзага келган қийинчилик ва камчиликларни ҳал этишга, турли ахборотларни мустақил таҳлил қилишга, ечимини топиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқаришга, олган билим ва малакаларини кейинги дуч келадиган вазиятларда қўллай олишга қаратилган бўлиши лозим. Демак, бунинг натижасида ўқувчи-талабаларда мустақил фикр юритиш, билим олиш, янгидан-янги мақсадларни қўйиш, янгича фикрлаш йўлларига ўрганиш ҳамда тафаккурни ривожлантириш қобилиятининг шаклланишига имкон беради. Ўқувчи-талабалар муаммоли таълим жараёнида ўқув материалларини муаммоли вазият шароитида

ўрганишлари, тегишли маълумотларни мустақил таҳлил қилишлари, берилган ўқув масалаларини фаразларини олдинга суриб, уларни исбот қилиш йўллари билан ечишлари, таълим жараёнини ўзлаштиришга ақл билан ҳаракат қилишлари уларнинг интеллектуал фаолиятларини оширади.

Муаммоли дарсларда ўқитувчининг фаолияти, аввало мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, ўқувчи-талабалар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш, дарсда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчи-талабалар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.

Ўқувчи-талабаларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий, мантиқий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Ҳозирги замон муаммоли дарсларнинг дидактик мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув муаммоларини ҳал этишда ўқувчи-талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билимларини ижодий қўллаб, янги билимларни эгаллаш кўникмаларини шакллантириш;

2. Билимларни ижодий ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш малакаларини ҳосил қилиш;

3. Изланувчанлик, қизиқиш, мотивлар, мантиқий тафаккур, ижодий фаолият, ақлий камолот, заковатни ривожлантириш ва шу кабилар.

Муаммоли машғулотда муаммоли вазият бўлиши назарда тутилади ва анъанавий дарснинг ҳамма босқичларини ўз ичига олади: уй вазифасини текшириш, махсус оғзаки машқлар, ўқувчи-талабалар олдига дарс мақсадини қўйиш, янги ўқув материални тайёрлаш ва уни ўрганиш, янги ва илгари ўрганилган материални боғлаб мустаҳкамлаш, машғулотни яқунлаб, уйга вазифа бериш кабилар. Муаммоли машғулотларда янги ўрганилаётган қонун-қоидага оид фактлар тўплаш, уларни бир-бири билан таққослаш ва таҳлил қилиш, билимларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш жараёни параллел равишда олиб борилади.

Таълимда муаммоли ўқитишнинг уч шарти мавжуд:

1. Муаммоли таълимни ташкил этишда ўқув материалларини тизимли, тартиб билан ривожлантириш.
2. Вазифа берилганда уни ечиш усулларини танлаш имкониятини бериш.
3. Ўқувчи-талаба билим олишни мақсад қилиб қўйиши ва мақсадига эришиши учун ўз билимини тўғри баҳолай олиши.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятни юзага келтиришда бир қатор дидактик мақсадлар ҳам кўзда тутилади, яъни;

- ўқувчи-талабалар диққати ўқув материалга тортилади;
- ўқувчи-талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш;
- уларни ўзлаштириш фаолиятини жонлантириш;
- уларнинг олдига ақлий фаолиятни ривожлантирувчи масалалар қўйиш;
- ўқувчи-талабалар ўрганиши мумкин бўлган билимлар етарли даражада эмаслигини далилларга асосланган ҳолда кўрсатиш;

- ўқув материалларини таҳлил этишга ўргатиш;
- ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини топишда уларга кўмак бериш.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар бир неча турга бўлинади:

1. Ўқувчи-талабалар ўз олдиларида турган масаланинг ечимини топа олмайди, муаммоли савол юзага келганда унга ўз вақтида жавоб бера олмайди, янги мавзуни тушунишда анча қийинчиликларга дуч келади.
2. Ўқувчи-талабалар олдин эгаллаган билимларини янги шароит ва вазият юзага келганда қўллай олмайди.
3. Уларнинг муаммони назарий йўл билан ҳал этиши ва бу танланган усулни амалга ошириши ўртасида қарама-қаршиликлар вужудга келади.
4. Ўқувчи-талабалар амалда бажарган топшириқ натижалари билан ўзларининг назарий жиҳатдан тушуниб етишлари ўртасида билимларининг етишмаслиги ҳам муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келади.

Таълим жараёнида муаммоли ўқитиш самарали, мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёни, ўқув-тарбия ишлари асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Муаммоли таълим ёрдамида талабаларда ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ечишга тадқиқий ёндашиш, мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

Шундай қилиб, муаммоли таълим ўқувчи-талабалар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, муаммоли таълимни аниқлаш имкониятларини очиб беради.

#### **4.2. Инновацион технологиялар асосида иқтисодий фанларни ўқитиш**

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишларини англаб олмоқ лозим. Улар қуйидаги йўналишлардир:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янги қарашларини шакллантириш;
- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Ҳозирги давр таълим таракқиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. «Инновацион педагогика» термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Фарбий Европа ва АҚШда XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н.Гоноболин, С.М.Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият янгилик ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назаридан ёритилган.

Х.Барнет, Дж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майез, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг «ҳаёти ва фаолияти» учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил килинган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифалари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И.Пригожин инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка-ташкilot, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини микросатҳи.

Биринчи ёндашувда, ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёнининг схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

7. В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш, деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга, янгилик киритишнинг оддий жараёнлари киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкilotларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга, янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киртиш ҳам ички мантиқ ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда «янги» тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогика фанида хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғонади.

Хусусий янгилик В.А.Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгиланишни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик аниқ объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу восита: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

«Инновация» - бу таълим: маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён.

В.И.Загвязинский «янги» тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги «янги» фақатгина бу ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова инновацион жараён тузилмасининг уч блокини фарқлайди:

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок – янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари ҳам эътиборга моликдир. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- фаолият тузилмаси-мотив-мақсад-вазифа-мазмун-шакл-методлар-методика компонентлари йиғиндиси;
- субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;

- мазмун тузилмаси – ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув(ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;
- босқичликка асосланган ҳаётий даврийлик тузилмаси-янгиликнинг пайдо бўлиши-илдам-ўсиш-етуклик-ўзлаштириш-диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – замонавийлаштириш;
- бошқарув тузилмаси – бошқарув ҳаракатларининг 4та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш;
- ташкилий тузилма – диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.

Инновация жараёни-таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4та асосий қонунияти фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиши қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;
- қолиплаштириш (стреотиплаштириш) қонуни;

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчи-талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;

- ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларининг доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

- педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммаша ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкилланиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология – бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган АКТ, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи-бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари танлаган технологияларига боғлиқлигидадир, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шулар ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг мақсаддан натижага эришишда қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи-талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади.

Шу билан бир қаторда, ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнида ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, мавжуд моддий ва маънавий шарт-шароитларни, АКТ воситаларини, энг асосийси, ўқувчи-талабаларнинг имконият ва эҳтиёжини ҳамда уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олиш қобилиятларини ҳисобга олиши керак. Шундагина керакли ва қафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи-талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарснинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитиладиган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи

педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп метод ва усулларни билиш керак бўлади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида замонавий маданият ва иқтисодийнинг педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишга алоҳида аҳамият берилган.

Шу жиҳатдан ҳам умумий ўрта таълим мактабларида давлат таълим стандартлари бўйича кўзда тутилган иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбияни такомиллаштириш, уни ўқувчилар онгига сингдириб бориб, иқтисодий тафаккурни шакллантириш муаммоси долзарбдир.

Чунки ҳар бир ўқувчи-талаба бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир даврда – уни ўраб турган иқтисодий воқеликни, унда кечаётган жараёни англаши, тадқиқ ва таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш имконига эга бўлиши лозим. Бу эса ҳар бир фуқародан иқтисодий назариясининг асосларидан хабардор бўлишини, уни амалда жорий қилиш йўл ва воситаларини талаб даражасида ўзлаштиришини тақозо этади. Бу масалалар, асосан, ўқув муассасаларида амалга оширилади.

Иқтисодий тарбиянинг бош мақсади – ёшларда иқтисодий саводхонликни, иқтисодий онгни, иқтисодий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Бу эса шахснинг камол топиш фаолияти воситасида аниқ иқтисодга боғлиқ, назарий билимлар тизимини, шунингдек, иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуаси, ўрганувчининг иқтисодий онгига бевосита таъсир этишга имкон берувчи босқичларни амалга оширишдир.

Ўқувчи-талабалар босқичма-босқич узлуксиз таълим жараёнида иқтисодий билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг тафаккурлари ҳам шакллана боради. Улар куйидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қилади: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос услуб ва методлар асосида амалга оширишда; шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ иқтисодий тушунчаларни; иқтисоднинг сиёсат ва бозор муносабатлари билан боғлиқ қонуният асослари ва улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқларини; мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни; ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида иқтисодий тайёргарликни ўзида шакллантиришни; иқтисодий билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш-шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатларидан бири, деб қарашни; иқтисодий билим асосидан хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этади.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.



Замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида иқтисодий йўналишдаги ўқув юртларида махсус илмий тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутди. Бунда энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;
- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;
- педагогик технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;
- замонавий педагогик технологиялар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;
- педагогик технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўриғини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш лозимки, замонавий педагогик технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Ривожланган бир қатор мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган илғор педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг миллий педагогик технологиясини яратиш бугунги куннинг талабидир.

Ҳозирги вақтда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Бироқ мавжуд ва ишлаб чиқиляётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин эмас. Бунинг сабабларидан бири компьютер технологияларини анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнига жорий этила бошланганлигида бўлиб, ўз мазмуни ва методи бўйича бу технология аниқ мақсадга йўналтирилмаган. Шу муносабат билан иқтисодий таълим тизимига ахборот технологияларини жорий қилиш муаммо ва истиқболларини кўриб чиқиш фавқулудда муҳимдир.

Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга.

Иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Иқтисодий фанлардан ўрганилаётган материалларнинг ўқув соатлари миқдори ҳисобга олинган ҳолда мавзу блокларига ажратилади, ҳар бир маъруза мавзу блокига 2-8 ўқув соати оралиғида вақт ажратилади ҳамда ушбу мавзу блокига мос амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни ва ҳажми белгиланади. Бу усулда ҳар бир мавзунини ўрганишдаги ички изчиллик ва узвийлик тўла сақланади ва талабаларда мавзуга оид малака ва кўникмаларни тўлароқ ва мақсадлироқ шакллантириш имконияти кучаяди.

Инновация технологиялари ўқитиш жараёнида юқори малакали, рақобатбардош ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий омилкорликларини шакллантириш, методик маҳоратини кўтариш, ўқитувчи-педагогларни замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантириш омили бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологияларга)га тавсифнома бериб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсифнома бериб ўтамыз:

«ТАРМОҚЛАР» методи - ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

«3x4» методи - ўқувчи-талабаларнинг эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

«БЛИЦ-ЎЙИН» методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

«ИНТЕРВЬЮ» техникаси - ўқувчи-талабаларга савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

«ИЕРАРХИЯ» техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

«БУМЕРАНГ» техникаси - ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

«ТАЛАБА» тренинги - ўқувчи-талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўллари ўргатишга қаратилган,

«ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ» тренинги – ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар» мавзусидаги

мустақил фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

«МУЛОҚОТ» техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

«БОШҚАРУВ» техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи-талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

### **Фикрлар ҳужуми (ақлий ҳужум)**

«Ақлий ҳужум» - муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланадиган анчагина машхур методдир. Бу усул катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни энгишдир. У қатнашчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди ва берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топишда ёрдам беради (Бу вазиятда мен нима қилишим керак? Бу тўсиқни қандай бартараф қилишимиз керак?). Ақлий ҳужум қадриятларни танлаш ва муқобилларини аниқлашга ёрдам беради.

Ақлий ҳужумни ўтказиш қоидалари, фойдаланиш усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнида ғояларни баҳолайдиган бўлсак, қатнашчилар эътиборларини ўз фикр ва ғояларини ҳимоя қилишга қаратиб, уларнинг янгилари ва яхшилари устида бош қотирмай кўядилар. Баҳолаш қоидадан истисно қилиниши керак.
2. Ҳаммани ўта хилма-хил кутилмаган ғоялар доирасида ўйлашга ундаш керак. Ҳақиқатдан ҳам ақлий ҳужумда кутилмаган ғоялар юзага келмас экан, айрим қатнашчилар ўз шахсий фикрларини қайта кўриб чиқишлари аниқ бўлиб қолади.
3. Ғоялар миқдори рағбатлантирилади. Миқдор деярли доимо ўсиб, сифатга айланади. Тезкор изчилликда катта миқдорда ғоялар пайдо бўлганда, одатда баҳолаш истисно қилинади.
4. Ҳар бир киши ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Олдин таклиф этилган ғояларни бириктириш ёки ўзгартиришга кўпинча сабаб бўлганлардан кўра яхшироқ ғояларни келтириб чиқаради.

Самарали «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланиш қуйидагиларни тақозо этади:

- қатнашчилар бемалол ўтирадиган қилиб жойлаштирилади;
- ғояларни ёзиш учун доска ёки варақлар тайёрлаб қўйилади;
- муаммо аниқланади;
- иш қоидалари белгиланади;
- ғоялар ҳеч қанақасига баҳоланмайди;
- фикрларга тўлиқ эркинлик берилади;
- миқдорга интилиш;
- ўқиш, қайта ўзгартириш ва бошқалар;

- ғоялар ҳақида сўраш ва айтилиши билан ёзиб олиш;
- қоғоз варақлари тўлганда, уларни деворларга осиб қўйиш;
- ўзидан қўшиб янги ғояларни рағбатлантириш;
- ишни давом эттириш ва ўзгалар ғоясига аралашмаслик.

«Ақлий ҳужум» методининг моҳияти ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бунда мақсад берилган қисқа вақт ичида маълум муаммонинг ечимини топишга қаратилгандир. Бу психотехник ўйин машғулот жараёнида ижодий ва ноандоза фикрлашни уйғотади. Битта ёки бир неча гуруҳ ташкил этилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Талабалар ўз олдида қўйилган муаммони ечиш учун турли ғояларни илгари суради. Ечим вариантлари қанча кўп бўлса, танлаш жараёни шунчалик осон бўлади. Ҳар бир илгари сурилган ғояни атрофлича кўриб, кенгайтирилади ва улар орасидан энг тўғри ғояни муаммонинг ечими сифатида қабул қилинади. Муаммони ечиш вақти олдиндан белгилаб олинади ва унга қатъий амал қилинади. «Ақлий ҳужум» ўйини қийин вазиятлардан қутулиш чорасини тез топишга, муаммони кўра билиш чегараларини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради. Бундан ташқари жамоадаги муносабатлар ўзгаради, курашиш кайфиятидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

#### **«Тармоқлар» (Кластер) методи**

Бу усулнинг маъноси – фикрларнинг тармоқланиши. «Кластер» технологияси – педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчи- талабаларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Ўқувчи-талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи-талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

#### **«Бумеранг» технологияси**

Бу технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари кенгайтирилади. Ҳар бир машғулот давомида талабаларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқитувчи ёки талаба, иқтисодчи ёки тадбиркор ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият яратади.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш ва мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни бўлажак иқтисодчиларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалик, хушфезллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар.

### **«Веер» (елпиғич) технологияси**

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама этилади. «Веер» технологияси танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантиқий фикрларни ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

Ушбу технология мавзунини ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;
- яқунлаш босқичида олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

1. Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса ва тушунча текширилади.
2. Афзаллик – бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.
3. Фазилат – ижобий сифат.
4. Нуқсон – номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.
5. Хулоса – муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари бу технология тарбиявий характеридаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- муросали қарорларни топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- хушмуомалалик;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- муаммога диққатни жамлай олиш маҳорати.

Таълим самарадорлигини оширишда «Блиц-ўйин», «Чорраҳа», «Муомала технологияси» каби иш ўйинларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, «Агар мен ... бўлсам», «Мен шундай қилган бўлар эдим» кабилар.

### **«Иқтисодчи» технологияси (Муаллифлик)**

Бу усул интерфаол технология бўлиб, талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Иқтисодий ибораларни педагогик терминлар билан тўлдиришда ёрдам беради.

### **«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси**

Бу усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, «Ўзини-ўзи бошқариш», «Раҳбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбиркор шахси», «Замонавий иқтисодчининг

шахси» деб номланувчи мавзуларнинг якунида «Иқтисодчи-раҳбар» деган янги усулдан фойдаланилади. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда «Мен-фирма директори», «Мен-ректор», «Мен-банкир», «Мен-тадбиркор», «Мен-депутат» каби саволлар ёзилган бўлади. Ҳар бир гуруҳ талабаси ўзига тушган фаолиятни таърифлаб, мазмунини очиб беради, унинг иш юритиши ва ҳатто, кийинишигача гапириб беради. Жавоб берувчи талабага бериладиган саволларнинг 5-7 тадан ошмаслиги шарт. Охирида таҳлил қилинган образнинг иши ва унинг касбий сифатлари, меҳнат фаолиятининг мазмуни, иш шароитлари, ўзига хос ҳаракатларининг манзараси ифодаланади.

Бу ўйин-усули талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Психотехник ўйинлар дидактик ўйинларнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлган тури ҳисобланади. Бу ўйинлар ўқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур қабиларни шакллантирувчи ўқитиш усули ҳисобланади. Психотехник ўйинлар кўпроқ умумий малакаларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Масалан, ўқув жараёнида билимларни тартиб-тизимига солиш уларни мустаҳкам эгаллашга ёрдам беради. Ахборотни тизимга солиш жараёнида талабадан диққат талаб этилади. Бунда талабага тартибсиз ҳолда ахборот тарқатилиб, уларни маълум белги асосида гуруҳларга ажратиш юклатилади.

Пресс-экспресс услубиёти асосида ташкил этилувчи ўйинлар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга уларни ҳозиржавобликка ўргатади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан маълум мавзуга бағишланган ва қисқа жавоб талаб этувчи 10-15 та савол тузилиши лозим. Ҳар бир жавоб учун 2-3 сония ажратилади. Яъни талабалардан қисқа вақт ичида оғзаки жавоб бериш талаб этилади. Бу жараёнда талаба ўзи билган ахборотлар ичидан керакли жавобни тез топишни ўрганади.

### **«Скарабей» технологияси**

«Скарабей» интерфаол технология бўлиб, у ўқувчи-талабаларда фикрий боғлиқликни кучайтиради, мантиқ ва хотиранинг ривожланишига имконият яратади. Талабаларда муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради ҳамда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

«Скарабей» технологияси ўқувчи-талабалар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. У талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутаяди, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга. «Скарабей» технологияси алоҳида ишларда, кичик гуруҳларда ва машғулотлар ўтиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

«Скарабей» технологиясидан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади:

-бошида-ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Ақлий хужум»);

-мавзуни ўрганиш жараёнида-унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш; мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш;

-охирида-олинган билимларни мустаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида.

Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Таълимдан ташқари «Скарабей» технологияси тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ўзгалар фикрига хурмат;
- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- имкониятни кўрсатиш эҳтиёжи;
- хушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текширишга ёрдам беради;
- «мен»лигини ифодалашга имкон беради;
- ўз фаолияти натижаларига масъуллик ва қизиқиш уйғотади.

Психотехник ўйинлар дидактик ўйинларнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлган тури ҳисобланади. Бу ўйинлар ўқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур кабиларни шакллантирувчи ўқитиш усули ҳисобланади. Психотехник ўйинлар кўпроқ ўқувчи-талабаларни билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Инновацион технологиялар бўйича мутахассислар томонидан юқоридаги технологиялар тавсия қилинган. Бу фаолиятни турли йўналишлар бўйича бажариладиган ишлар қуйидаги ташкил этади:

- олий мактаб ўқитувчиларини янги педагогик технологияларга ўқитиш;
- таълим муассасаларининг фан ўқитувчиларини ўқитиш;
- таълим муассасаларининг айрим тоифадаги раҳбар кадрларини ўқитиш;
- академик гуруҳлар мураббийларини тарбиявий технологияларга ўқитиш.

Шу йўналишлар бўйича замонавий педагогик технологиялар ишлаб чиқиш, технологик хариталар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш лозим. Бундай фаолиятда кўчма семинарлар ҳам амалга оширилади. Кўчма семинарларни тайёрлаш ва ўтказишда ҳар бир ўқув юртининг ўқув-тарбия жараёни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар яратилади.

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таълим соҳасида иқтисодий фанларни ўқитиш, иқтисодий таълим-тарбия, ўзлаштирилган иқтисодий билимлар даражасини замонавий педагогик технологияларга суянган ҳолда ташкил қилиш, баҳолаш, иқтисодий фанлар бўйича янги ўқув дастурларини яратиш муҳим муаммолардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, иқтисодий тарбия тизимини ишлаб чиқишда узлуксизлик, яхлитлик ва боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилди. Концепция негизида мактабгача таълим соҳасида ўзлаштирилган элементар иқтисодий таълим-тарбиядан то иқтисодий маданиятлилиқ даражасигача бўлган жараён қамраб олинади. Бу жараён тарбияланувчиларга иқтисодий тайёргарлик, иқтисодий тафаккур, фикрга эғалик, иқтисодий онг ва иқтисодий маданиятлилиқ каби сифатларни етказишни талаб қилади.

Маълумки, билимларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилганига қадар ўқув жараёни фақат ўқитувчи(педагог)нинг маҳоратига асосланган бўлиб, билим олишни ўқувчи-талабанинг фаоллиги, ижодий меҳнати асосида ташкил этишга имкон бермас эди, берилаётган билимлар миқёси ошиб бораётган бўлса ҳам, ўқувчи-талабанинг бу билимларни ўзлаштириш даражаси талаб доирасида эмас эди. Бу ҳол таълим жараёнига ўқувчи-талабаларни бир хил узлуксиз билим олишга ундайдиган, улар олган билимларни жаҳон талаблари даражасига етказиш имконини берадиган замонавий педагогик технологиялар ва таълим услубларини жорий қилишни тақозо этди. Шу мақсадда олий таълимдан сўнг, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг амалиётига ўтди.

Рейтинг тизимида иқтисодий билимларни кўп босқичли назоратини амалга ошириш ва баҳолашда асосий услублардан бири тўғри тузилган тестлардан фойдаланишдир. Тест синовларини ишлаб чиқишда услубиёт дидактик тестология назариясини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларимизни иқтисодий тарбияланган, таълим олган, иқтисодий саводхонлик ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган, иқтисодий тафаккури ва онги юксак, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосига ҳар томонлама амалий ва назарий ёрдам бериш ҳар бир зиёли фуқаронинг бурчидир.



## V боб. Дидактик ўйинли технологиялар

### 5.1. Дидактик ўйинли машғулотлар

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Ушбу дарсларда талабаларнинг билим олиш жараёни ўйин фаолияти орқали уйғунлаштирилади. Шу сабабли талабаларнинг таълим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.


Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишга, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;
- ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яъни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллаши учун ёрдам берилади;
- шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратилади;
- ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгиш ва мўлжални тўғри олиш кўникмаларининг таркиб топишига ёрдам беради;
- ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
- шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди;
- инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади;
- ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи-педагог аввал талабаларни индивидуал (якка тартибдаги), сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши, ўйин муваффақиятли чиққандан сўнг эса, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, гуруҳ жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.


## Дидактик ўйинли дарс ва унинг турлари



### ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАР ЯКУНИДА БАЖАРИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ВАЗИФАЛАР:

ТЕСКАРИ АЛОҚА, НАТИЖАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

ОЛИНГАН НАТИЖАГА МУВОФИҚ МУСТАҚИЛ ВА ИЖОДИЙ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БЕРИШ



## Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари

Дидактик ўйинли машғулотлар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади.	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти
Сюжетли-ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
Ишбилармонлар ўйини; Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарабини кенгайтириш, касбга йўллаш	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	«Олимлар» мақомини олиб, муайян мавзуларда изланишлар олиб бориш
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш	«Олимлар» ва «Мухбирлар» мақомини олиб мавзуни ўзлаштириш

Ўқитувчи-педагог дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизгин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиши талаб этилади:

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ҳамда вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши;
2. Жамиятдаги ва кундалик ҳаётдаги муҳим муаммоларга бағишланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;
3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига ва шарқона одоб-ахлоқ нормаларига мос келиши;
4. Ўйин тузилиши жиҳатидан мантиқий кетма-кетликда бўлиши;
5. Машғулотлар давомида дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфланишига эришиши керак.

Қуйида «Касб педагогикаси» фанини ўқитишда ташкил этиш ва ўтказиш мумкин бўлган дидактик ўйинли машғулотлардан айримларининг тафсилотлари келтирилади.

Дидактик ўйинли машғулотлар орасида **конференция машғулотлари** ҳам муҳим ўрин тутлади.

Конференция машғулотлари талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашини кенгайтиришда, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини орттириш, мустақил ҳаётга онгли тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конференция машғулотини ўтишдан аввал машғулот мавзусини, мақсад ва вазифаларини белгилаб, шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётлар кўздан кечирилади. Машғулотни ўтказишдан 1 ҳафта олдин машғулот мавзуси эълон қилиниб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия этилади. Ушбу машғулотда «Олимлар» ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, маъруза тайёрлаш талабаларнинг ихтиёрида бўлади.

Илмий конференция машғулотини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:

I. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи машғулотнинг мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи «Олимлар» билан талабаларни таништиради.

II. Илмий маърузаларни тинглаш. «Олимлар» мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмалар қуроллар асосида баён қиладилар.

III. Маърузалар муҳокамаси. Бунда «Олимлар» ва гуруҳдаги бошқа талабалар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади.

IV. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, дарсни якунлайди.

V. Талабаларни баҳолаш. Машғулотда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимида мувофиқ баҳоланади.

VI. Уйга вазифа бериш.

VII. Машғулотни умумий якунлаш.

«Касб таълими методлари» мавзусида ўтказиладиган илмий конференция машғулотини қуйидаги лойиҳа бўйича ўтказилиши мумкин.

Мавзу: **«Касб таълими методлари»**.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Бу машғулотни ўтишдан бир ҳафта олдин талабаларни 4та гуруҳга ажратамиз ва уларга педагогика фани соҳасида фаолият кўрсатаётган «Олимлар» мақомини берамиз.

III. Янги мавзуни ўрганиш: Талабалар гуруҳи ўз мутахассисликларига тегишли бўлган қуйидаги мавзулардан бири бўйича маъруза тайёрлайди.

1. Касб таълими методлари ва уларнинг тавсифномаси.
2. Репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнида интерфаол методлар.

Ҳар бир йўналиш бўйича «Олимлар» мақомини олган талабалар ўзларига тегишли мавзу бўйича кўргазмаларни курашлар асосида қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолатда маъруза қиладилар. Маърузалар тугагач, талабалар ўртасида баҳс ва мунозара ўтказилади. Қуйида дидактик ўйин технологиясининг конференция методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси келтирилган.

<b>Технологик босқичлар</b>	<b>Ўқитувчининг фаолияти</b>	<b>Талабанинги фаолияти</b>
<p>I босқич. Ташкилий қисм, 5-дақиқа.</p> <p>II босқич. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, 5-дақиқа.</p> <p>III босқич Янги мавзунинг ўрганиш, 60-дақиқа.</p>	<p>Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.</p> <p>Бажариладиган ўқув топшириқлари ва уларнинг дидактик мақсади билан талабаларни таништиради.</p> <p>Талабалардан «Олимлар» гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади. Ўқув материални топшириқлар ёрдамида мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди. Ҳар бир гуруҳнинг ўқув материални юзасидан тайёрлаган маърузаларини тинглайди.</p> <p>Маъруза якунида талабалар билан савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказилади.</p>	<p>Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажарилиши керак бўлган топшириқларни аниқлайди.</p> <p>Бажариладиган ўқув топшириқлари юзасидан кўргазмалар ва дидактик мақсадни аниқлайди.</p> <p>Ўқув фаолиятини ташкил этадилар, «Олимлар» гуруҳига берилган топшириқларни бажарадилар. 1-гуруҳ 2-гуруҳ 3-гуруҳ 4-гуруҳ Ҳар бир гуруҳ ўқув материални юзасидан маърузалар тайёрлайди.</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол-жавоб, баҳс-мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p>IV босқич. Натижани таҳлил қилиш ва яқунлаш, 10-дақиқа.</p>	<p>Талабалар фаолиятини таҳлил қилади, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.</p>	<p>Ўқув фаолияти ва эришилган натижани таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил иш ва ижодий топшириқларни олади.</p>

V. Машғулотни умумий яқунлаш.

VI. Уйга вазифа бериш.

Талабаларнинг ижодий изланиши, мантиқий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни талабалар ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ижодий қўлланиш ва изланиш орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинлар **ижодий ўйинлар** деб аталади.

Ижодий ўйинли машғулотлардан «Касб педагогикаси» фанини ўқитишда ва «Касб таълими муассасасини бошқариш» мавзусини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бунда талабалар тенг сонли гуруҳларга ажратилиб, уларга шартли равишда «Бошқарма бошлиғи», «Касб-хунар коллежи раҳбари», «Академик лицей директори» деб ном берилади. Бу ерда мутахассисларнинг ҳар қайси гуруҳи ижодий изланиб, келгусидаги ишларини режалаштиришга ўрганадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни бажариб, далил ва исботлар асосида ўз жавобларини билдирадилар.

Ижодий ўйин машғулотларида гуруҳдаги барча талабалар ҳамкорликда ишлайдилар, аввалги машғулотларда ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллайдилар. Бу эса уларда ўз билим ва иқтидорига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотади.

Куйида **«Касб таълими муассасасини бошқариш»** мавзусидаги ижодий ўйинли машғулотнинг қисқа сценарийси келтирилади.

Мавзу: **«Касб таълими муассасасини бошқариш».**

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

III. Янги мавзуни ўрганиш.

Янги мавзуни ўрганишдан олдин гуруҳдаги талабаларни тенг сонли 3 та гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ талабалари «Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бошлиғи» мақомини олиб, келгусида «Ўрта махсус, касб-хунар таълими» фаолиятини режалаштиришни ўрганадилар. Шу бўйича маъруза тайёрлайдилар ва куйидаги жадвални тўлдирадилар.

№	Тошкент шаҳрининг географик ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ЎМКХТ муассасаларини ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Иккинчи гуруҳ талабалари «Иқтисодиёт касб-хунар коллежининг раҳбари» мақомига эга бўлиб, коллеж фаолиятини келгусида ривожлантириш мақсадида режага киритилган ишларни умумлаштириб, маъруза тайёрлайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар.

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича касб-хунар коллежининг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			

Учинчи гуруҳ талабалари «Иқтисодиёт академик лицей директори» мақомига эга бўлиб, академик лицей фаолиятини келгусида режалаштиришни ўрганадилар ҳамда маъруза тайёрлайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар.

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича академик лицейнинг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			

«Раҳбарлар» келгусида бажариши мумкин бўлган ишларни режалаштирганларидан сўнг, кўргазмалар куруллар асосида маърузаларини баён қиладилар. Гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, баҳс ва мунозара ўтказилади.

IV. Талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва рейтинг тизими асосида баҳолаш

V. Машғулоти яқунлаш.

VI. Уйга вазифа бериш.

«Таълим муассасасини бошқариш» мавзусидаги дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси



Технологик босқичлар	Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
<p>I босқич. Ташкилий қисм, 5-дақиқа.</p>	<p>Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.</p>	<p>Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажариладиган топшириқларни англайди.</p>
<p>II босқич. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, 5-дақиқа.</p>	<p>Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади билан талабаларни таништиради.</p>	<p>Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади юзасидан кўрсатмаларни англайди.</p>
<p>III босқич. Янги мавзунини ўрганиш, 60-дақиқа.</p>	<p>Талабалардан «раҳбарлар» гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топшириқларни мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди. «Раҳбарлар» учрашуви гуруҳини ташкил этади. Ҳар бир ўқув материали юзасидан тайёрлаган маърузаларини тинглайди.</p>	<p>Ўқув фаолиятини ташкил этади. «Раҳбарлар» гуруҳи берилган топшириқларни бажарадилар. 1-гуруҳ «ЎМКХТБ бошлиғи» 2-гуруҳ «Касб-хунара коллежи директори» 3-гуруҳ «Академик лицей директори» «Раҳбарлар» учрашуви гуруҳида иштирок этади. Ҳар бир гуруҳ ўқув материали юзасидан маърузалар тайёрлайди.</p>
<p>IV босқич. Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқунлаш, 10-дақиқа.</p>	<p>Талабалар фаолиятини таҳлил қилади, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.</p>	<p>Ўз ўқув фаолияти ва эришилган натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини олади.</p>

Шундай қилиб, дидактик ўйинли машғулотлар орқали ўқувчи-талабалар янги касблар билан танишадилар, эгаллаган билимларини иқтисодиётнинг қайси соҳаларида қўллаш мумкинлигини кўрсатадилар, ушбу фанга бўлган қизиқишлари ортади, қўшимча адабиётлар билан мустақил фойдаланишга, ўз ўртоғининг фикрини сабот ва чидам билан тинглашга, билимларини назорат қилишга, ўз-ўзини баҳолашга ўрганадилар.

## 5.2. Ўқитишнинг фаол педагогик технологиялари

Ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий усул ва методлари фарқ қилинади. Улар моҳиятига кўра фаол ва осойишта турларга ажратилади. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи ва шаклланиш механизмига эга. Буларнинг орасида узоқ йиллар давомида синовлардан муваффақиятли ўтган ва юксак педагогик самара берадиганлари жуда кўп. Инсоният ўзини ва атроф-муҳитни англаб етиши жараёнида таълим ва тарбия учун асқотадиган хилма-хил технологияларни яратган. Уларнинг аниқ сон ва сифатини ҳеч ким аниқ белгилай олмайди. Бунга ҳозирги даврда мавжуд бўлган турли давлатларнинг таълим тизимларида амал қилинаётган турфа педагогик технологиялар мисол бўла олади. Гап уларнинг қайси биридан ким қандай самара билан фойдаланишидадир. Катта самара бермайдиган ёки ўзини оқлай олмаган технологиялар кун тартибидан тушиб қолаверади ва улар инсоният цивилизациясининг тарихий “сандиғига” жамланиб бораверади.

Ҳар қандай ўқув курси, маълумки, қуйидаги компонентларни ўзида жамлайди:

- курснинг давомлилиги (муддати);
- ўқитишнинг мақсад ва вазифалари;
- ўқитишнинг мазмуни;
- мақсадли гуруҳнинг ташкил этилиши;
- ўқитиш жараёни;
- ўқитиш методикаси;
- ўқув қуввати;
- баҳолаш.

Ўқитишнинг мазмуни ўқув бирлигининг давомийлиги ва ўзлаштириш даражаси орасидаги узвий боғланишнинг графиги тарзида ифодаланиши мумкин. Бунда уч тоифадаги ўзлаштириш даражалари фарқ қилинади ва улар мажбурий (паст), зарурий (ўртача) ва мақсадга мувофиқ (энг юқори) кўрсаткичларга эга бўладилар.

Ҳар қандай педагогик технология қўлланилишида дидактиканинг асосий ва ёрдамчи тамойиллари (принциплари), албатта, амал қилади:

- маълумдан номаълумга;
- оддийдан қийинга ёки мураккабга;
- аниқдан мавҳумроққа (абстрактга);
- кузатишдан назарий умумлашмаларга;
- умумий ёки одатдагидан хусусийга ёки ноодатдагига ва бошқалар.

Айрим фаол педагогик технологиялар тавсифи ҳақида маълумотлар келтирилганда уларнинг қиёсий баҳоси ойдинлашади.

**Маъруза.** Маъруза ўқитишнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, педагогик фаолиятда етакчи ўринни эгаллайди. У ўқитувчи меҳнатининг олий шакли даражасида эътироф этилади. Уни бир томонлама алоқанинг кўриниши, деб ҳам аталади. Бунда ўқитувчининг фаоллиги ва тингловчиларнинг нофаоллиги кўзда тутилади. Бироқ мунозара шаклида баён этиладиган маъруза энг фаол педагогик технология элементиدير. Мунозарали маърузада тингловчиларнинг фаоллиги жуда юқори бўлишига эришиш мумкин.

Иқтисодиёт ўқув предметларини, одатда, кўпроқ маърузалар тарзида баён этилади. Чунки бундай курслар кўпроқ назарий ёки умумлаштирувчи характерга табиатан эга бўладилар. Педагогик терминология нуқтаи назаридан уларни билиш, ақлий умумлаштириш машғулоти деб ҳисоблаш мумкин. Бунда методиканинг барча бошқа методлари камроқ самарали бўлиб қоладилар. Маърузани ташкил этиш пайтида ўқитувчи ўқув предметининг энг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлаш эвазига муваффақият қозониши мумкин. Маърузада тингловчилар бошқа самарали методлар билан ўқитилгандаги каби тайёргарлик (билим) оладилар. Фаол методика ёрдамида ўқилган маърузалар давомида тингловчиларни фаоллаштириш эвазига ўқитиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айлантириш мумкин. Бунда ўқув материали тез ва соз ўзлаштирилади.

Маърузани фаол тадбирга айлантириш учун унинг мавзуси ва тузилмаси орасидаги боғланишнинг ечимини топиш зарур бўлади. Маърузалар ўқув предметининг бош масаласи кўникма ҳосил қилиш эмас, балки билим ўзлаштириш бўлганидагина самара беради. Ўқитишнинг барча мавжуд масалаларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- билимлар;
- кўникмалар;
- кўрсатмалар.

Ўқитиш масалаларидан келиб чиққан ҳолда унинг методи танланади. Агар таълим жараёнида тавсифлаш, ёдга тушириш, санаб ўтиш, категориялар бўйича тақсимлаш, таърифлар келтириш, баҳолаш ва тушунтириш каби дидактик мақсадлар амалга оширилиши лозим бўлса, албатта, маъруза шаклидаги ўқув машғулоти ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаёт билан, кундалик турмуш билан, муҳим воқеалар билан алоқадорликда баён этилган маъруза материали осон ўзлаштирилади. Сузишни ёки автомобиль бошқаришни маъруза машғулоти ёрдамида ўргатиб бўлмаслиги равшан. Шу боисдан, ўқув ва кўникма ҳамда малака эгалланиши биринчи ўринда турадиган фаолиятда маърузанинг тутган ўрни жуда кичикдир. Назарий билимлар ва дунёқараш аҳамиятига эга бўлган маълумотлар маъруза ёрдамида берилиши мақсадга мувофиқдир.

Маъруза давомида ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари, нутқ компонентлари муҳим роль ўйнайди. Маърузачи аудитория билан яхши алоқа ўрнатиши учун унинг динамик силжиб туриши тавсия этилади. Овоз оҳангининг ўзгариши ва ўринли паузалар ҳам ёрдамчи омилларга айланади. Баён мўътадиллигининг ўзгариши, ўринли калималарнинг галма-галланиши, қизиқарли маълумотларнинг безак тарзида ишлатилиши катта аҳамиятга эга. Маърузанинг тўлақонлилиги кўرғазмали воситалардан қай даражада фойдаланилишига ҳам боғлиқдир. Расмлар, жадваллар, плакатлар, диаграммалар, моддий объектлар ва АКТнинг турли элементларидан ўринли фойдаланиш маърузанинг таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи қувватини оширади.

Ҳар қандай маъруза таркибан уч қисмдан иборат бўлади:

- кириш;
- асосий қисм;

- хулоса.

Маъруза турлари педагогнинг маҳоратига боғлиқ равишда турфа кўринишлар ва мазмунга эга бўлади. Маърузанинг педагогик самараси ўқитишнинг барча ташкилий шаклларига қиёсланганда энг юқори бўлади.

**Мунозара.** Кўпчилик ўқув предметлари ва уларнинг мавзулари таълим стандартлари, ўқитиш дастурлари, ўқув режаси ва таълим муассасасининг ўзига хослигига боғлиқ равишда ҳамда тингловчилар (билим олувчилар) контингенти билан алоқадорликда мунозара тарзидаги ўқув машғулотларини тақозо этади. Биринчилан, тингловчилар фаоллиги таъминланади. Иккинчидан, шубҳали вазиятларга ўрин қолдирилмайди. Учинчидан, билим олувчиларнинг истак-хоҳишлари тўла қондирилади. Энг муҳими, бундай шароитда ўқув материали тўла-тўқис ўзлаштирилади. Асослар, хулосалар, ҳукмлар ва тасаввурлар мукамал кўриниш ва мазмунда бўлади. Кўрсатма ва таъкидларнинг ишончилиги юқори даражада бўлади.

Мунозара икки турли бўлади:

- бошқариладиган;
- эркин мунозара.

Бошқариладиган мунозарада ўқитувчининг иштироки сезиларли даражада бўлади, лекин бу иштирок унинг ўқув жараёнидаги ҳакамлик мавқеидан ошиб кетмаслиги лозим. Эркин мунозара эса билим берувчи ва олувчиларнинг демократик тарздаги иштироки билан ўтказилади. Бу ҳар икки турдаги мунозараларда ўқув ҳақиқати биринчи ўринда туради. Илмий билимлар жонли мушоҳада, абстракт тафаккур орқали нисбий ва абсолют ҳақиқат йўли билан қўлга киритилишини ҳисобга олинса, билиш жараёнининг тараққиётини белгиловчи тушунча, категория, фараз, хулоса, қоида, назария, қонун ва қонуниятлар мунозара давомида мазмунан бузилмаслиги муҳимдир.

Мунозаранинг натижасини ўқитувчи олдиндан лойиҳалаш лозим. Бунда оралик жараёнлар иккинчи позицияда туради. Якуний хулосалар илмий билиш назариясига зид келмаслиги ўқитувчининг касбий салоҳияти билан таъминланади.

Эркин мунозарани анархияга айлантормаслик-энг муҳим педагогик вазифадир. Унинг ўқув қимматини бошқариладиган мунозарадан камроқ баҳолаб бўлмайди.

Мунозара машғулотлари учун қўйидаги шартларнинг бажарилиши муҳимдир:

- регламентга риоя қилиш;
- бошлашдан олдин чуқур фикрий таҳлил қилиш;
- иштирокчиларнинг максимал миқдордаги сонини қўлга киритиш;
- ўқитувчининг ўқувчиларига нисбатан ҳукмрон бўлмаслиги.

Пассив ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш-аксарият ўқитувчилар учун амалда бажариб бўлмайдиган жараёндир. Уларни жонлантириш учун:

- саволлар берилади;
- ҳар бир шахснинг хусусий фикри сўралади;
- тўғри жавоблар рағбатлантирилади;
- нотўғри жавоблар ва хатолар тўғриланади ва тўлдирилади.

Мунозаранинг муваффақияти ўқувчиларнинг қизиқиши, билими, аҳиллиги, ҳур фикрлилиги ва жамоадаги соғлом педагогик-психологик муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

**Гуруҳий иш.** Бу сўнгги йилларда Европа мамлакатларида кенг оммавийлик тусини олган ўқитиш методидир. Масалан, Данияда бирорта ҳам маълумот ёки касб гуруҳий ишсиз эгалланмайди. Кам сонли (4-6 нафар) ўқувчиларнинг қандайдир муҳим ўқув тадбирида иштирок этиши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бундай машғулотнинг самарасини белгилайди. Бажарилиш даражаси ва унинг сифатини ўқитувчи назорат қилади. Гуруҳларга берилган вазифалар босқичма-босқич навбатланиши яъни галма-галланиши лозим. Гуруҳлар бир жинсли (ўғил болалар, эркаклар ёки қиз болалар, аёллар) ва икки жинсли (ҳар икки жинс вакилларидан иборат) бўлиши мумкин. Таълим йўналиши ва педагогик мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда бундай гуруҳлар хусусий ҳолат учун шакллантирилади.

Гуруҳий иш кенгроқ жой ва силжитиладиган ўқув мебелларини талаб қилади. Ўқитувчининг назорати барча гуруҳ учун барабар бўлиши лозимлиги ҳам қийинчилик туғдиради.

**Муаммоли топшириқлар.** Назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш-энг мураккаб педагогик вазифадир. Аниқ вазият ва қўйилган масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда муаммоли топшириқлар ёрдамида яхши натижага эришиш мумкин. Фактлар ва маъруза материаллари ўзлаштириш, топшириқлар ҳамда машқ ва масалалар ечимида муаммоли вазият яратилиши қўл келади. Бунда ҳам кам сонли иштирокчилардан иборат гуруҳлар шакллантирилади. Ўқув материали гуруҳларга алоҳида-алоҳида бўлиб берилади. Якуний хулосалар ва ечимлар топилгач мавзулар гуруҳлар орасида айирбошланади. Ечимлар ва фикрлар хилма-хиллиги юзага келса ўқитувчи бош ҳакам тарзида сўнгги ва ҳал қилувчи сўзни айтади. Ўқув материалининг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослиги бунда ўта муҳим омилдир.

Муаммоли топшириқлар ўқитувчидан катта ва қийин меҳнатни талаб қилади. Шу боисдан, уларнинг синовдан муваффақиятли ўтган вариантларини топиш ва қўллаш мураккаб жараён дир.

**Лойиҳавий топшириқлар.** Бирор ўқув материални атрофлича ва чуқур ўрганиш учун бу ёндашув катта самара беради. Ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ва якуний қарорга келиш учун узок муддатли лойиҳаланган режа зарур. Бу тадбирни ўтказиш учун базавий ва бошланғич таянч маълумотлар талаб қилинади. Ўқув предметини ўзлаштиришнинг босқичларида даврий равишда татбиқ қилинади. Бундай топшириқлар ўқув ижодкорлигини оширади, мустақиллик сари етаклайди.

Лойиҳалар мавзунинг тавсифини берувчи кириш қисми, мавзунинг мухтасар асосномаси, фактлар ва аргументларга асосланган маълумотлар йиғиндиси ҳамда хулоса ёки ечимдан иборат бўлади.

**Ролли ўйинлар (ишчанлик ёки ишбилармонлик ўйинлари).** Бундай ўйинлар муаммоли топшириқларнинг бир кўринишидир. Саҳналаштириш ва образли чиқишлар бундай машғулотларнинг асосий белгисидир. Ишбилармонлик, билимдонлик, топқирлик, қувноқлик, ҳозиржавоблик, ижодкорлик, артистизм, ишчанлик ва яратувчанлик каби фазилатларни

намойиш қилишга кенг имкон беради. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг салоҳиятига мос вазифа топшириши жуда муҳимдир. Биринчи ва иккинчи даражали иштирокчилар бўлмаслигини таъминлаш ҳам талаб қилинади. Ўқув машғулоти ҳаётдаги аниқ вазиятга кўпроқ яқинлашади.

**Ёриб ўтишлар технологияси ва В.Эрхард мактаби.** Бу технология менежерларни қайта тайёрлаш ўқишларидан иборат бўлиб, унинг мақсади ҳар бир одамда мавжуд бўлган (лекин кундалик бир хилдаги ҳаёт ва иш билан бўғиб қўйилган) қобилиятлари ва интилишларини анъанавий муаммоларни янги муаммо сифатида ечиш учун кундалик изланишларга айнан уйғотиш ҳисобланади.

Бу курслар тингловчининг фикрлаши ва ҳулкидаги шахсий стереотипларни бартараф қилиш, ўз имкониятларини ва эскирган муаммоларни янгича ечиш йўллари кўра олишларини фаоллаштириш ва ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган кўп сонли машғулотлардан иборат.

Бу курсларнинг афзал жиҳатлари-инсон омилини ишга солишга қаратилган бўлиб, махсус маблағлар сарфлашни талаб қилмайди, эришилган самара сўниб қолмайди, яъни олинган самара янги шакл ва мазмунда ҳамда шароитларда мунтазам кучайиб бориши билан такрор ва такрор самара олинишини таъминлайди. Бу технология алоҳида йирик янгиликлар яратишга, ҳосил бўлган фавқулодда ҳолатлардан ноанъанавий чиқиш йўллари излашга ҳам қаратилганлиги билан фарқланади. Бундай йўналишдаги 50 дан ортиқ курслар ва семинарлар АҚШнинг юзга яқин шаҳарларида ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг юздан зиёд шаҳарларида ташкил этилган ва улар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу курсларнинг тингловчилари сони 60 минг нафар атрофидадир.

**Ҳамкорлик педагогикаси.** Мумтоз педагогик қарашлар нуктаи назаридан ўқитувчи-педагогик жараённинг субъекти, ўқувчи эса объекти, деб ҳисобланади. Ҳамкорлик педагогикасида эса ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти тарзида қаралади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи педагогик жараённинг субъектлари сифатида тенглашиб, ҳамкорлик педагогикаси жараёни ташкил бўлади. Улар ўзаро ҳамкор, ҳамфикр, ҳамдўст, ҳамижодкор, ҳамштирокчи, ҳамдарад ва ҳамбошқарувчи тарзида фаолият юритадилар.

Ҳамкорлик муносабатлари ўқитувчилар орасида, маъмурият билан, ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоалари билан, раҳбарлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик орасида ҳам ўрнатилади.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқувчининг таълим-тарбия олиш мотивларини ривожлантириб бориш орқали ҳамда ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш тамойилларини амалга татбиқ қилган ҳолда юқори сифат ва самарадорликка эришишни таъминлайди.

**Ўқув материалининг схемалар ва шартли белгилардан иборат моделлари (таянч сигналлар конспектлари) асосида таълимни интенсивлаштириш технологияси** (В.Ф.Шаталов, Донецк шаҳри, Украина). Мазкур методика анчагина оммалашган педагогик ёндашув бўлиб, кўргазмали схемалардан иборат таянч сигналлар конспектларидан таркиб топган. Уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборот бирликлари акс эттирилади, уларнинг орасидаги турли алоқадорликлар кўрсатилади ҳамда абстракт (мавхум)

материални ойдинлаштирувчи манбалар, мисоллар ва тажрибаларни эслатиш учун белгилар, символлар, компонентлар ва мақсадларнинг аҳамиятлилиги бўйича таснифи турлича бўлган шартли белгилардан фойдаланилади.

Ўқув материалнинг схемалар ва шартли белгилардан иборат бўлган таянч сигналлар конспектларидан фойдаланиш асносида турли ва ўзига хос усуллар ва методик воситалар ҳам ишлатилади.

**«Ваколатли таълим» технологияси.** Ушбу технология 1995 йилда АҚШда “Аёллар етакчилиги” деб номланган тренинглардан бошланган бўлиб, таълимнинг халқаро технологияси сифатида 1997 йилдан бошлаб Украинада шаклланди ва кейинчалик Озарбажон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонга тарқалди. 2002 йилда Афғонистон, Бирма ва Индонезияда тегишли тренинглар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда дунёнинг турли мамлакатларида бу технологиянинг шаклланиш ва жорий этирилиш жараёнлари давом этмоқда.

Таълимнинг ушбу технологиясини айти кунларда мутахассислар қуйидагича тўрифлайдилар: “Ваколатли таълим-гендерлик адолати ва зўравонликларсиз муносабатлар асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни бўлиб, у бевосита тажриба орқали таълим олиш йўли билан гуруҳнинг ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмаларини шакллантириш имкониятларини беради”.

Ваколатлаш педагогикаси таълим дастурларининг бошқа турлари билан таълимга нисбатан умумий ёндашувларга эга. Ўзаро фаолиятда улар бир-бирини бойитади ва кучайтиради.

Ваколатлаш таълимини жорий этишнинг қуйидаги тартиби энг мақбул ҳисобланади:

- тасдиқланган ва расмийлаштирилган ўқув режа (айрим ўқув фани, интегратив курслар ёки уларнинг таркибий мавзулари);
- расмийлаштирилган ўқув режа (таълим муассасаси томонидан ташкил этилган ва расмий режа билан боғланган дарсдан ташқари ишлар-уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари турлари фарқ қилинади);
- норасмий ўқув режа (кутилмаган ёки фавқулодда машғулотлар ташкил қилиш ва уларни таълим амалиётига алоҳида режа ёрдамида жорий этиш).

“Ваколатли таълим” технологиясига мувофиқ машғулотлар алоҳида тайёргарликдан ўтган ўқитувчи-тренерлар томонидан ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тренинглар тарзида амалга оширилади. Махсус тайёргарликдан ўтган ва маълум йўналишда таълим бериш (раҳбарлик қилиш) ҳамда машқлар бажариш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи мутасадди шахсни тренер дейилади. (“Тренинг” ҳақида иловага қаралсин).

## VI боб. Педагогик технология: сифат ва самарадорлик

### 6.1. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари

Педагог ва талабанинг дастурли фаолияти таълим жараёнидан жамики ортик ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжихатликни таъминлашга ва пировард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараёни лойиҳалашда педагог «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилатган ўқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараёни ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман таълим жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб таълим жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралик ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилишади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин:

#### 1. Оғзаки ва ёзма назорат.

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг ўқувчи-талаба билан жонли мулоқоти, унинг фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан кўшимча саволлар бериш имкониятлари киради. Педагог томонидан кўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо талабанинг фаол фикрлаши билан боғланган.

Оғзаки жавоб яхши тайёрланган талабага ўзининг иқтидорини, кўшимча эгаллаган билимларини намойиш этишга икмон беради. Бевосита мулоқот туфайли педагогда савол-жавоб давомида талабанинг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади. Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда талабалар билимларини баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашда доимо ҳолис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади. Юқорида тилга олганимиздек, хорижда хорижда олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар кўрсатадики, «қисқа вақт оралиғида бир-биридан мустақил равишда битта ўқувчи-талабани битта билимлар соҳасида битта ўқув мақсадларида текшириш иккита имтиҳон олувчи баҳосининг мос келиши фақат 40-60% ҳолларда мос келган». Бунда битта имтиҳон топширувчи бир имтиҳон олувчида энг юқори баҳони, бошқасида эса энг паст баҳони олган.



Шунингдек, турли педагоглар томонидан битта ёзма назорат ишига қўйилган баҳоларнинг анча фарқ қилиши ҳам тасдиқланган.

Шундай қилиб, талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан холисона бўлмайди. Талабанинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гуруҳнинг ўртача даражасини мўлжалга олади. Шунинг учун кучсиз гуруҳларда баҳолар одатда кўтарилган, кучли гуруҳларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материални ўзлаштириш даражасини хужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, ўқувчи- талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил экспертларни ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда ўқувчи-талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади;

- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;

- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончилигини таъминламайди;

- оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика фанида билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилиш объективлигини, ишончилигини етарлича ошириш усуллари ишлаб чиқилди. Аммо шуни ҳисобга олганда ҳам билимларни оғзаки ва ёзма текшириш етарлича технологик эмаслигича қолади, уларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш қийин. Бу нисбатда билимларни тест усулида назорат қилиш улардан бир неча марта устун туради.

2. Тест (инглизча-синаш) – бу бирор бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади.

Тест назоратлари ва унинг афзалликлари:

- а) етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказётган шахсга боғлиқ бўлмаган холис педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;

- б) тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш барча текширилувчиларга барабар қўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;

- в) тест назорати технологиялашувчан, у нисбатан қисқа вақт ичида маълум ўқув мавзулари ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаб ўтказиш имконини беради.

- г) тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талабалар билимларини холис баҳолаш самарасини беради, чунки бу баҳо уни кўяётган одамга боғлиқ бўлмайди. У барча текширилувчиларга бир хил қўлланадиган қилиб тузилган мезон бўйича тўғри ечилган тест топшириқлари фоизи асосида аниқланади. Шунинг учун педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуроли деб аталади. Аммо бундай баҳолаш фақат илмий талабларга риоя қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва меъёрига етказилган сифатли тест туфайлигина амалга оширилиши мумкин.

Педагогик тестлардан фойдаланилганда таълим тизимининг барча бўғинларида ўқитиш сифатини сўзсиз ошириш мумкин бўлган етарли ижобий имконият мавжуд. Тест ўтказиш ўқитишни олиб бориш ва унинг натижаларига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Сифатли тестлар билиш фаоллигини оширишга қодир, улар талабалар фаолиятида юқори мўлжалларни белгилайди, аксинча, ёмон тузилган тестлар таълим жараёнида акс самара бериши мумкин.

Билимларни ўзлаштириш назоратининг янги, илғор воситаларини киритадиган рейтинг тизимидан самарали фойдаланишни ўрганиш ҳам жуда муҳимдир. Талабалар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабани ўқитишнинг бориши ва натижаларини баҳолашга бир хил шаклда ёндашувнинг ўзаро боғлиқ кўрсатмалари ва қоидалар мажмуаси тушунилади.

Олий ўқув юртларида рейтинг назорати таркибида қуйидагилар ифодаланади:

- назорат турлари (жорий, оралик ва якуний);
- назорат усуллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест ўтказиш, маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиш даври мобайнида баҳолашларнинг энг кам сони;
- баҳолаш мезони;
- ўқитилаётган фан бўйича якуний баҳога талабанинг айрим баҳоларини бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқа кўрсатмалар;

Олий ўқув юртларида рейтинг тизимини киритишнинг мақсад ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат:

- талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабаларининг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқишда ютуқларга эришишга интилишнинг шаклланиши, таълимга мусобақа ҳиссини киритиш, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;
- ўқиш жараёнидаги ютуқлар бўйича талабалар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;
- ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш.

Талабалар билимларини баҳолашнинг илғор рейтинг тизими қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатга олиши;
- ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпи назоратини амалга ошириши;
- талабаларни ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнинг кўп балли мезони қўлланиши;
- педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги (ўқув вақтининг сарфланишини талаб этадиган). У педагог томонидан ўқув муассасасида олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилади;
- ҳар бир ўқув юртининг услубий идораси маъмурият кўрсатмалари асосида ёки ўзининг қарорига биноан натижалари якуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиш давридаги барча предметлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг энг зарур мажбурий сонини ўрнатади;
- олий ўқув юртининг рейтинг тизимлари маълум босқич чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Маълумки, бир хил шароитда тегишли методикалар ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб ўқитганда ўқувчи-талабалар турли даражадаги ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлишади. Бунинг асосий сабаби улар қобилиятларининг турличалигидадир.

Б.Блум ўтказган тадқиқотларида юқори қобилиятлилар юқори натижаларни, ўртача даражадагилар ўртача кўрсаткичларни беришлиги аниқланди. Бунда вақт сарфи ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин: қобилиятлилар ўқув материални ўзлаштириш учун энг кам вақт, «ўртача» лар учун улардан кўпроқ вақт, «бўш» лар учун энг кўп вақт зарур бўлар экан. Мавжуд таълим тизимидаги ҳамма болалар учун бир хил тенг вақт, тенг шароитдаги таълим жараёни биз хоҳлаймизми-йўқми «кучлилар», «ўртачалар» ва «бўшлар» ни вужудга келтираверади. Анъанавий таълимда ушбу номувофикликдан чиқишнинг икки йўли мавжуд; биринчиси – иккинчи йил қолдириб ўзлаштириш даражасига эриштириш; иккинчи йўл – гуруҳ талабаларини гомоген гуруҳларга ажратиш йўли билан таълимда юқори самарадорликка эришиш.

Б.Блум анъанавий таълимдан фарқли равишда, таълим шароитининг энг оптимал шароитини танлаш, биринчи навбатда ўқиш суръатини ошириш орқали тўла ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Бундай шароитда «кучли» ва «бўш»лар ўртасидаги ўзлаштириш фарқи кескин камаяди. Тўла ўзлаштириш моделида мавжуд ўқувчи-талабалар гуруҳининг ҳаммаси юқори натижаларга эришиши учун ўқув мақсадларидан келиб чиқадиган натижалар тегишлича юқори даражаларда ифоланиши керак.

Педагогик технологиялар таълимда репродуктив ўзгариш даражасини эгаллашни кафолатлайди. Талаба продуктив (маҳсулдор) ва ижодий ўзлаштириш даражаларини эгаллашда анъанавий методикадаги ўқитишнинг муаммоли усул ва методларидан унумли фойдаланади. Замонавий педагогик технологияларни яратишда анъанавий ўқитиш методикасидаги бой тажриба ва илғор педагогик жараёнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагог курс (бўлим, боб)ни лойиҳалаштиришга киришар экан, энг аввало, мезонни тўғри аниқлаши, ушбу моделда ишлашнинг асосий ҳолатини

ҳисоблашни билиши зарур. Шундан кейин курс мақсадларини тоифалаштириш, мақсадларидан аниқлаштирилган натижалар олиншини кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва уларга мос равишда диагностик тестлар тайёрланиши, ўқитувчи (педагог) ўрганиладиган материални қисмларга бўлиб ўрганилиши лозим бўлган ўқув бирликларини аниқлаши, уларни таҳлил қилиши ва ўрганиш бўйича қайта ишлаб чиқиши лозим. Ўқув бирликлари аниқлангач, уларни ўрганишда қандай натижаларга эришишни бирма-бир аниқлаш, эришилган натижаларни текшириш учун диагностик характердаги тест назоратларини ўтказиши ва бу назорат натижалари баҳоланмаслиги керак. Бунда фақатгина «ўрганган», «ўрганмаган» мезонларида баҳоланади ва зарур тузатишлар киритиб борилади.

Навбатдаги босқичда ҳар бир тест жавобларидаги хато ва камчиликларни тузатиш бўйича ўқувчи-талабалар учун янги бўлган ўқув методикасига оид қайта ўрганишни ташкил этади. Ушбу методикани амалга ошириш қуйидаги кетма-кетликда кечади.

1. Кириш қисми: ўқувчи-талабаларни тўла ўзлаштириш методикасида таълимга тайёрлаш ва уларда рағбатни вужудга келтириш.
2. Тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолда ҳар бир ўқув бирлиги бўйича ўқитиш.
3. Ҳар бир ўқувчи-талабада ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш.
4. Ҳар бир ўқувчи-талабага қўйилган баҳони изоҳлаш.

Лойиҳалаштирилган ўқув жараёнининг бирлиги икки кичик лойиҳага ажратилади. Биринчи қисмида анъанавий таълимдагидек тушунтириш, кўрсатиш, изоҳлаш, асослаш, тушунчаларни шакллантириш, уларни билиш, амалга татбиқ қилиш кабилар аниқ ифодаланган мақсадлар асосида олиб борилади.

Лойиҳанинг иккинчи қисмида ҳар бир ўрганилган ўқув бирлиги бўйича жорий тест синовлари олинади. Тест синовлари диагностик аҳамият касб этиб, тескари алоқа вазифасини ўтайди, уни ўтказишдан мақсад тузатишлар киритиш, тўлдиришларни амалга оширишдан иборат бўлиб, бунинг учун қўшимча ўқув тадбирлари белгиланади.

Тест натижаларига кўра ўқувчи-талабалар икки гуруҳга ажратилади: тўла ўзлаштиришга эришганлар ва тўла ўзлаштиришга эришмаганлар гуруҳи.

Ўқув бирликларини тўла ўзлаштирамаган ўқувчи-талабалар ўқитувчи (педагог) раҳбарлигида ушбу ўқув бирликларини ўрганишни давом эттиради. Улар билан қўшимча тузатиш ишлари ташкил қилинади ва йўл қўйилган камчиликлар аниқланади ҳамда камчиликларни тузатиш учун машғулотлар олиб борилади. Бу машғулотлар такрорий бўлгани учун уни баён қилишда янги усуллардан фойдаланиш ва кўргазмали қуроллар ва ўқитишнинг техника воситаларини ишлатиш, индивидуал ишлардан фойдаланиш орқали ушбу гуруҳ тўла ўзлаштиришга олиб чиқилади. Тўла ўзлаштиришга эришганлар учун қўшимча топшириқлар берилади, улар навбатдаги ўқув бирлигига ўтказилмайди. Навбатдаги ўқув бирлигини ўрганишга иккала гуруҳ ҳам бирга киради.

Ўз навбатида ўқувчи-талабалар ўқув элементини қайси даражада ўзлаштиришлари ёки қандай маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характериға қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, номаҳсул фаолиятида инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат қоидаларидан фойдаланади ва бу жараёнда ҳар қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди, чунки у фақат олдин ўзлаштирган усулларни қайтадан ишлаб чиқади.

Талабалар маҳсулдор фаолиятни бажаришда доимо янгиликка дуч келади ёки янги объектлар, ходиса ва жараёнлар, фаолият методлари вужудга келади. Ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Номаҳсул фаолият йўриқнома, луғат орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисида бошқа бир ахборот манбалари асосида кўрсатмасиз бажарилса, маҳсулдор фаолият маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин.

Профессор Н.Сайдахмедов юқорида баён қилинган фикрларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш фаолиятини қуйидаги 4 даража асосида кўрсатган:

**I даража:** ташқи кўрсатма таъсиридаги ҳаракат. Бу фаолият **танишув** даражаси деб номланган. Танишув даражасида ўқувчи- талабанинг билим олиш, эслаш қобилияти олдиндан ўзлаштирилган материаллар матни билан қайта танишиш асосида амалга ошишини тавсифлайди. Ўқувчи-талабада ўзига таниш материалларни фақат маълум вазиятларда, яъни бу материаллар олдида турган тақдирда эслаш имкони бўлади. Ўзлаштиришнинг биринчи даражаси объектлар, ходисалар, жараёнлар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланади ва уларни ўқувчи-талабанинг билиб олиши номаълум объектлар қаторида кечади.

**II даража:** хотира асосидаги ҳаракат. Бу фаолиятнинг **алгоритм** даражаси деб номланади. Алгоритм даражасида ўқувчи-талабанинг қобилияти материалларни ёки унинг алоҳида қисмларини ташқи кўрсатмасиз мустақил равишда қайта тиклай олиши билан тавсифланади. Бу ўқувчи-талабалар ўзлаштириш даражасининг бирмунча юқори поғонаси бўлиб, ўқувчи-талабалар ўз хотирасига таянган ҳолда ўқитувчи (педагог) ўргатган ёки адабиётлардаги мавжуд материалларни маълум алгоритм бўйича тушунтириб бера олади.

**III даража:** ностандарт вазиятлардаги маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг **эвристик** даражаси деб номланади. Эвристик даражада ўқувчи-талабанинг аниқ масалаларни ечиш қобилияти ўрганилаётган мавзу бўйича материалларни таниш ва нотаниш вазиятларда мустақил қайта тиклаш эвазига янги ахборотларни қўлга киритиши билан характерланади. Билимларни кўчириш маълум масалалар синфи билан чегараланган ва бутун бир ўқув предмети бўйича тарқалмаган бўлади.

**IV даража:** фаолиятнинг янги қирраларини тадқиқ қилувчи маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг **ижодий** даражаси деб номланади. Ижодий даражада ўқувчи-талабанинг материалларни мустақил ўрганиш ва қайта ишлаш

қобилияти мавжуд ахборотларни янги вазиятларда кенг доирадаги масалалар ечимига кўчириш билан тавсифланади. Фаолиятнинг бу даражаси изланувчанлик, ижодкорлик характериға эға бўлиб, турли вазиятларда ўзлаштирилган кенг доирадаги билимларни қатор объектларда қўллаш билан амалға оширилади.

Умуман олганда, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати бўйича таълим мақсадларининг ташхисланувчанлиги ўзлаштиришнинг зарурий даражаларини аниқлаштиришни талаб этар экан. Демак, биринчи навбатда, ўқувчи-талабаларнинг бўлажак фаолиятиға ва мутахассислик маҳоратиға қўйилган талаблар эътиборға олинади.

Ўқитиш жараёнида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмаларни амалға ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, талабаларини ҳисобға олган ҳолда ўқитиш қонуниятлари ва принциплари аниқланди, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув-тарбия ишлари жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди.

Талабаларни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш мақсадида қуйидагиларға эътибор қаратилади:

1. Ўқув-тарбия жараёни ва педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялаш, ҳамкорлик педагогикасига асосланиш.
2. Ўқув-тарбия жараёнида дидактик ўйин, муаммоли, модулли таълим, лойиҳалаш ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг яқка тартибда ва кичик гуруҳларда мустақил ва ижодий ишларини ташкил этиб, уларни ўз ўқув-билиш фаолиятининг субъектиға айлантириш.
3. Талабаларнинг мустақил иши ва таҳсилини режали, босқичма-босқич, эволюцион тарзда ташкил этиш.
4. Талабаларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятиға илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда кўникмалар шаклланишини ҳисобға олган ҳолда ҳар бир талабаға ўзини ўзи ривожлантиришнинг индивидуал иш режасини тавсия этиш.
5. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларда мустақил таҳсил олиш ва мустақил фикрлашни шакллантиришға имкон берадиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини онгли танлаш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини эгаллашиға эришиш.
6. Талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини ўқув-тарбия жараёнининг долзарб муаммоларига бағишлаш орқали изчил ва мунтазам равишда ўз савиясини ошириш ва фаол илмий-тадқиқот ишларини олиб боришиға замин тайёрлаш.

Талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларнинг илмий дунёқараши ва илмий назарий тайёргарлигиға асос бўладиган ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларини ўқитишда касбий йўналтирилганлик, умумкасбий фанларни ўқитишда ғоявий

йўналтирилганликни амалга ошириш, касбий тайёргарликни шакллантирадиган педагогика, замонавий педагогик технологиялар, психология каби ўқув курслари ўртасида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, таълим жараёни ҳам мақсадга мувофиқ равишда бошқариладиган тизим ҳисобланади. Ҳар қандай тизимни мақсадга мувофиқ бошқариш эса ўз навбатида, фақат тесқари алоқа воситасида амалга оширилади. Таълим жараёнида тесқари алоқа сифатида талабаларнинг билим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш қабул қилинган. Мазкур масала таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлиб, бу соҳада етарлича илмий-услубий тадқиқотлар ўтказилган.

Таълим жараёнининг яна бир муҳим соҳаси борки, бу соҳа таълим жараёнини бошқаришни янада такомиллаштириш имконини беради. Бу масала ҳар бир янги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг ундан аввал ўзлаштирилган билимлар даражасига боғлиқлигидир. Агар навбатдаги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни ундан олдинги ўзлаштирилган билимлар асосида прогноз этиш масаласи илмий-услубий жиҳатдан ҳал этилса ва амалиётда қўлланса, бу ҳол, биринчидан, ўқитувчилар учун ҳар бир талабанинг навбатдаги билиш фаолиятини бошқаришда катта имкониятлар яратади. Иккинчидан, ҳар бир талаба ўзини ўзи назорат қилиш имконига эга бўлиб, ўз фаоллигини оширади.

Бугунги кунда мутахассис тайёрлашда талабаларнинг турли фанлардан, шу жумладан, педагогик ва касбий услубиётлар бўйича билим, иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш жараёнини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Тўғри ташкил этилган назорат талабаларни олинаётган билимларини янада чуқурлаштириш ва энг асосийси, уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради. Талабанинг ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки қирраси бор. Биринчиси-педагог қўллаётган усул ва методлар бўлса, иккинчиси педагогнинг фақат шахсий хислатларига боғлиқ бўлган таъсир этиш воситаларидан фойдаланишидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий таълимнинг узлуксиз такомиллашишида ўқув-тарбия жараёнларининг усул ва методларини янада мукамаллаштириш ва талабалар ўқув фаолиятини бошқариш масалалари узлуксиз ечимли муаммолар қаторига киради.

Таълим жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўтказилган тажрибаларга ва ўқув адабиётларида изоҳланган илғор услубларга асосланиб назоратнинг мезони ва бажарадиган функцияларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижасида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.
2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси. Назорат натижасида талабаларда ўз билим, иқтидор ва кўникмаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжи уйғонади.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хусусиятлари шакллантирилади ва, энг асосийси, ривожлантирилади. Ривожланиш-ақлий ва жисмоний фаолиятнинг бирлигида кўпроқ намоён бўлади.

4. Назорат жараёнида талабалар ўз билимларини мустаҳкамлайди. Ўқув материали янада чуқур ўзлаштирилади, ходисалар ўртасида янги боғланишлар ўрнатилади, шу билан ақлий фаолият янада такомиллашади.

5. Назоратнинг тарбиявий функцияси. Назорат жараёнида талабаларнинг психологик ижобий хислатлари шаклланиб бормоғи лозим.

6. Назоратни баҳолаш функцияси. Назорат натижасида сифат ўзгаришларининг меъёри аниқланади.

7. Назорат – кўп қиррали мураккаб жараён. Назорат талабаларда доимо жонли қизиқиш, куюниш, аянч, хурсандчилик ҳисларини уйғотиб, ақлий фаолиятни фаоллаштиради. Юқорида кўрсатилган функциялар бир-бирига узвий боғланган ҳолда юз беради.

Тўғри ташкил қилинган ўз-ўзини назорат эса ўқув материални ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндашиш имконини беради. Бу, айниқса, янги предмет ўрганилаётганида бундан олдинги ўқув предметларида ўзлаштирилган билимларнинг даркорлигида кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган билимларини тўлдириб борса яхши, аммо ўзини ўзи назорат қила олмайдиган талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштириши анча мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларида ишлайдиган педагоглар янги предмет ва янги мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари керак бўлади.

Назоратнинг жорий, оралиқ, якуний каби 3 та тури ва ёзма, оғзаки ва тест синовлари ҳамда турли амалий шакллари мавжуд.

Назоратнинг турли тестлар орқали амалга ошириладиган шакли кўпгина устунликларга эга. Педагог олимлар И.Й.Турсунов ва У.Н.Нишоналиевларнинг маълумотларига қараганда, тестлар орқали қуйидаги имкониятлар яратилади:

- талабалар назарий ва амалий билимларининг даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;

- бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ёки кўп сонли талабалар билимини назорат қилиш мумкин;

- барча талабаларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, ҳаммасига бир хил шароит яратилади;

- тест натижаларини ўқитувчи тезликда текшириши мумкин;

- турли гуруҳ талабалари билимини солиштириб қўлланаётган методнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин;

- таълим жараёнининг камчиликларини аниқлаш мумкин.

Кўпгина олий ўқув юртларининг талабалари фанларни мустақил ўзлаштиришни компьютерлар ёрдамида ташкил қилади. Компьютерлар ёрдамида ташкил қилишнинг асосий манбаларидан бири замонавий талабаларга жавоб берадиган ўқув-назорат дастурлари таъминотини яратишдан иборат. Компьютер замонавий техника воситаси сифатида улар ёрдамида талабаларнинг назарий билим асослари билан қуролланишига ёрдам беради, ўқув материални фаол ўзлаштиришга, эгалланган назарий билимларни амалда



татбиқ қила олишга ўргатади ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш даражасини тез ва ҳаққоний аниқлашда қулай восита бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда таълим-тарбия жараёнининг кўпгина элементларини компьютерлаштириш бўйича, яъни ўқув материални баён қилувчи ўқитиш дастурлари, тасаввур қилиш қийин бўлган жараёнларни намойиш қилувчи дастурлар, талабалар ўзлаштириш даражаларини ҳар хил усулларда назорат қилувчи дастурларни амалиётга татбиқ қилиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо таълим-тарбия жаарёнида фойдаланиш учун мўлжалланган дастурлар яратишга ва улардан кенг фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти. Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида талабаларнинг мустақил равишда билим олиши ва ўзлаштириш даражаларини аниқлаш компьютер дастури яратилган бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида талабалар фанларни мустақил тарзда ўзлаштиришлари билан бирга, ўз билим даражасини аниқлашга ҳам эришишади. Дастурдан фойдаланиш содда бўлиб, унда худди Windows операцион тизимида ишлагандек ишлаш имкониятига эга бўламиз. Дастур ишга туширилгач, у билан ишлаш бўйича кўрсатма ойнаси ҳосил бўлади. Кўрсатма билан танишиб бўлгач, талабалар танлаган кўрсатмалари бўйича бир неча ойналар бирин-кетин ҳосил бўлади. Дастур ойналаридан энг асосийларидан бири «Ўқув дастури» бўлими бўлиб, буни танлаш орқали «Мавзуни танлаш» ойнаси ҳосил қилинади. Талаба бу ойнадан кетма-кет факультет, кафедра, фан ва мавзу номларини танлаши, сўнг ойнадаги «Мавзуни ўқиш» бўлими устида «сичқонча» тугмасини босиши зарур. Натижада талабадан исми, шарифи ва гуруҳ рақамини киритиш сўралади. Бу маълумотлар киритилгандан сўнг «Давом этамиз» кўрсатмаси танланади ҳамда талабадан «Керакли мавзуни танлаш» ва «Мавзу бўйича тест синови» бўлимларидан бирини танлашни талаб қилувчи навбатдаги ойна ҳосил бўлади. Талабалар хоҳишига кўра ушбу бўлимлардан бирини танлаши мумкин.

Дастурда талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олишда рейтинг тизими эътиборга олинган бўлиб, агар талаба 55% дан ортиқ ўзлаштиришга эришса, бошқа фанни (ёки мавзуни) танлаши ва ўз билим даражасини аниқлаши ёки мавзуни қайта ўрганишга ва ўз билим даражасини аниқлашга эришиши мумкин. Талабаларнинг мавзуни мустақил ўзлаштирганлик даражасини таҳлил қилиш учун «Мавзуни танлаш» ойнасидаги «Маълумотлар омбори» бўлими танланади. Натижада «Текширув ойнаси» ҳосил бўлади ва керакли паролни киритиш сўралади. Керакли парол киритилгандан сўнг, «Текширув» ойнасидаги «Янги парол киритиш», «Паролни тасдиқлаш», «Базани тозалаш», «Омборга кириш», «Ҳисоботлар» ва «Чиқиш» каби бўлимлар ишчи ҳолатда бўлади. Ойнанинг «Ҳисоботлар» бўлими орқали дастурдан мустақил шуғулланган талабалар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. Бу дастурнинг қулайлик томони шундаки, фан бўйича тайёрланадиган дидактик материаллар (назарий маълумотлар ва тест саволлари) Word дастурида тайёрланган бўлса, уни ўқиш имкониятига эга. Ушбу дастурдан ихтиёрий фанларни мустақил равишда ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фанлар бўйича тайёрланган дидактик материаллар ушбу дастур базасига киритилса ва дастурга боғланса, машғулот

сифати янада яхшиланади, талабалар компьютер орқали мустақил тарзда билим олишга эришади.

Хорижда олиб борилаётган тадқиқотларда ўқувчи-талабалар фаолиятини шакллантирадиган репродуктив-эсда қолганларни тиклашга оид ўзлаштиришдан ташқарига олиб чиқишга ҳаракат бўляпти. Америкалик руҳшунослар-Р.Ганье ва Л.Бриггслар (1979) аниқ ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган ва шу билан бирга маҳсулдор тафаккур даражаларига эришишга рағбатлантирувчи унсурларни ўз ичига олган қуйидаги дарс қурилмасини тузишни таклиф қилишган, дарс ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш (тафаккур)нинг маҳсулдор даражасини рағбатлантиришга қаратилган:

- ўқувчи-талабалар диққат-эътиборини бир жойга жамлаш;
- ўқувчи-талабаларни дарс мақсадларидан хабардор қилиш;
- зарурий билим ва маҳоратларини ёдда сақлаб қолиш кўникмаларини эгаллаш зарурлигини уқтириш;
- маълум акс-садо қабилида, яъни қизиқиш уйғотадиган ва уларни ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материални тақдим қилиш;
- ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалдан таъсирланиб қиладиган акс-садо қабилидаги жавобларини юзага келтириш;
- фикрлаш фаолиятига таъсир қилиш, олинган билимлар ва маҳоратнинг мустаҳкам бўлишига эришиш;
- ўқувчи-талабалар фаолиятини рағбатлантириш.

Инглиз олими А.Ромишевский педагогик технология методининг қуйидаги вариантини тавсия этади:

1. Ўқувчи-талабаларни керакли билимлардан хабардор қилиш.
2. Эсда қолганларни тиклашга доир маҳоратни шакллантириш.
3. Ўқувчи-талаба бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намоёниш этиш.
4. Малака ҳосил қилишни соддалаштириш (берилган вазифани бўлакларга бўлиб бажартириш).
5. Ўқувчи-талаба мустақил бажараётганидан хабардор бўлиб, уни рағбатлантириб бориш.
6. Маҳсулдор, изланувчан даврга ўтиш.
7. Турли хил муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва янги ҳамда ўзига хос масалаларни ечиш.
8. Ўқувчи-талабалар ўз фаолиятини таҳлил қилишлари, ўқитувчи (педагог) ҳам ўз навбатида уларнинг вазифани қандай бажарганликларини гуруҳда муҳокама қилишлари.

Америкалик руҳшунос олим Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технологияларнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш тизимини таклиф қилди.

Ф.С.Келлер режасининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материалнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган, аввалги бўлимга қўйилган талабларни ўзлаштиришни ўз ичига олувчи усулни кейинги бўлимга ўтишнинг бевосита шарти деб қаралиши:

- ўқувчи-талабалар ҳар қайсисининг ўз ўзлаштириш суръатига мос равишда алоҳида-алоҳида ишлашлари;

- ваъз-маърузалардан фақат мотив ҳосил қилиш ва ўқувчи-талабаларни умумий йўналтириш мақсадларидагина фойдаланиш;
- чоп этилган ўқув ахборотларини баён қилиш учун нашр этилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш;
- ўқув материалининг қандай ўзлаштирилганлигини аниқлашда ёрдамчи-ассистент (аспирант, аълочи талаба)лар кучидан фойдаланиш.

Ҳар бир ўқитилаётган фан (ҳар қайси ўргатилаётган бўлим ёки боб юзаси)дан ўқувчи-талаба маълум йўл-йўриқ олади. Бунда бўлим ёки бобнинг мақсадлари кўрсатилиши, ўқув ишларининг маълум турлари тавсия қилиниши, ўқувчи-талаба ўзини-ўзи текшириши ва назорат саволларининг рўйхати келтирилиши керак. Ўқувчи-талабаларга ўқув фаолиятининг турлари ва ишлаш тартибини эркин танлаш имкони берилади. Ўзлаштирилган боб, бўлим бўйича имтиҳондан аввал ҳар бир ўқувчи-талабани ёрдамчи ассистент ўқитувчи ишлаб чиққан аниқ талаб ва мезонларга мос ҳолда (материалнинг тўлиқ ёки нотўлиқ ўзлаштирилганлигига қараб «ўтди», «ўтмади» шаклида синовдан ўтказилади) баҳоланади. Қоникарсиз баҳо олишганида ёрдамчи тавсиясига кўра ўқувчи-талабаларга қўшимча материални ўзлаштирилиши юзасидан тавсиялар берилади. Синовдан ўтиш кейинги бўлимни ўрганиш учун ўзига хос рухсатнома бўлиб хизмат қилади. Маърузалар сони кўп бўлмайди (бир семестрда 6 тагача), уларга қатнашиш мажбурий эмас.

Келлернинг режаси АҚШ олий ўқув юртларида кенг тарқалган, у ерда ҳам табиий-илмий ҳамда гуманитар-ижтимоий фанлар ўқитишда қўлланилади. 70-80-йилларнинг ўрталарида ўтказилган педагогик тажрибалар Келлер режасини ўқитишнинг анъанавий турларига қиёслаганда ўқитувчи (педагог) томонидан ўқув юртларига қўйилган ўқув вазифаларини амалга оширишда юқори самарадор эканлигини тасдиқлади.

В.Гузеев Россия Федерациясида асосий таркибий қисмлари умуман олганда қуйидагилар ҳисобланувчи интеграл педагогик технологияни ишлаб чиқди ва унинг асосий қисмлари, умумлашган ҳолда қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитишнинг ҳар бир ихтисос-мутахассислиги учун ташхисли ва ўйланганларни амалга оширишга мўлжалланган мақсадларнинг кўп даражали тизимлари режалаштирилган ўқитишнинг натижалари кўринишида тақдим этилади.
2. Таълим жараёнининг йирик тузилмаси дарслар блоки билан энг кичик бирликлар сифатида бирлаштирилиб, таълим мазмунининг катта бирлигини ташкил этади.
3. Гуруҳлар таркиби ва фаолиятида аниқ қурилган динамика-ривожланиш суръати билан гуруҳли ўргатиш жараёнининг муваффақиятли мониторинги асосида ҳар бир қадами аввалгиларнинг натижасига боғлиқ равишда лойиҳалаштирилади.
4. Таълим жараёнини бошқариш ва ўқитиш жараёни компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилганлар таълимга технологик ёндашувнинг шакл ва вариантлари хилма-хиллигидан далолат беради. Россия Федерациясида шу масалага алоқадор бир қатор илмий-методик ва даврий нашрлар, жумладан, «Школьные технологии» номли янги педагогик журнал ҳам чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси замонавий педагогик технологиянинг имкониятлари, қудрати қанчалар аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Бу соҳадаги хорижий тажриба билан танишув Ўзбекистон педагоглари учун ўқитишга янгича ёндашиш, педагогик технология соҳасидаги чет эл тажрибаларини ўрганиш, миллий-маданий анъаналаримиз ва таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқларни теран англаш ҳамда уларни ўзлаштириш ва кейинчалик улардан амалиёт ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги юқори даражада бўлишига имкон яратади.

## **6.2. Талабалар танқидий фикрини ривожлантиришда интерфаол методларнинг ўрни**

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуктаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Яна бу қоидага аниқлик киритадиган бўлсак, фикрлаш – бу ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни қамраб олади.

Танқидий (тахлилий) фикр шу билан аҳамиятлидир:

- ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради;
- жамоанинг очиқ фикрини рағбатлантиради;
- алоқа, тушуниш ва ҳурматнинг икки томонламалигини англатади;
- шахснинг ривожланишига шароит яратиши ва бошқалар.

Таълим жараёнида танқидий (тахлилий) фикрлашнинг асосланиши:

1. Ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба ўртасидаги ҳамда ўқувчи-талаба билан ўқувчи-талаба ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.
2. Машғулот жараёнида ўқувчи-талабанинг ўз тажрибасидан фойдаланилади.
3. Маълум ўқув мазмуни ўқувчи-талабанинг талабларига мос ва аниқ тарзда фойдаланилади.
4. Муаммони ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланилади.
5. Ҳар хил фикр ва қарашлар интеграциялашади.
6. Дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади.
7. Таълим ўқитувчи(педагог) билан ўқувчи-талабалар орасидаги ёки ўқувчи- талабаларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатлар орқали бериб борилади.
8. Ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълим олиши учун шароит яратилади ва уларнинг тайёргарлик даражасига мувофиқ методлар танланади.

Машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйинли технологиялар ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, дарслик ва кўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, уларни онгли равишда касб-ҳунарга йўллаш, дидактик ўйин давомида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда мўлжални тўғри

олиш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди.

Ўқув дастурлари талабларига мувофиқ муаммоли ёки мунозарали машғулотларнинг ташкил этилиши танқидий ва таҳлилий фикрларнинг ривожига муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида мунозарали дарсларнинг икки хили: илмий мунозара дарслари ва эркин фикрлаш дарсларидан фойдаланилади.

Интерфаол методлар - ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир. Интерфаол методларни қўллашда ўзаро таъсир асосига қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир ёки туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмайди ва ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга (кашф этишга) кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларни яратиш функцияларини ҳам бажариши мумкин.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларга мувофиқ ва муносиб равишда қуйидаги интерфаол методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- мустақил ишлар методи;
- муаммоли-эвристик моделлаштириш методи;
- илмий тадқиқот методлари;
- ўқитишнинг муаммоли-изланишли ва репродуктив методлари;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари;
- ўқитишнинг назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари.

Методлар қуйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали метод, тасвирий намоиш қилиш ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастурлар тузиш, машқ ва масалалар ҳамда тест топшириқларини ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Бунда талабаларга яширинча усуллардан (китоб, конспектлар ва ҳ.к.) фойдаланиш тақиқланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, уларнинг интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Муаммоли вазият қандай ҳосил қилинади? Бунинг учун бажарилиши лозим бўлган топшириқ эълон қилинади. Энди шу вазифани бажариш учун талаба бор билим ва кўникмаларини эслайди, топшириқни бажаришда шу пайтгача эгаллаган билимларининг етишмаслигини сезиш билан бирга талаба шахсида маълум психологик қарама-қаршилик шаклидаги ҳолат юз беради. Галдаги муаммо топшириқни бажариш ва шу топшириқни бажариш учун янги билим, иқтидор ва кўникмаларни излаш муаммоси пайдо бўлади. Ана шу вазият эса муаммоли таҳсилнинг бошланиш жараёни ҳисобланади.

Педагог талабаларнинг топшириқни мустақил бажариш жараёнини зукколик билан бошқаради, эътибор билан кузатади, керак бўлганда жонли мулоқотга чорлайди. Талабалар мантикий фикрлаш давомида уларнинг жонли мушоҳадаси, фикр доираси педагог томонидан изчиллик билан ҳисобга олинади ва таҳсил охирида фаол талабаларга қўйилган баллар ёки баҳоларни эълон қилади.

Талабаларда умумлашган психологик ва услубий билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини танқидий нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш, реал ҳақиқий амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни янги билимлар билан янада бойитиш мақсадида шу услубдан фойдаланилади.

Маълумки, ҳар қандай фан ўқитилиши учун белгиланган мақсадга кўра, унинг мазмуни танланади. Уни ўзлаштириш учун унга мос методлар танланади. Сўнгра ўқув воситалари ва ниҳоят, буларга мос равишда ўқитиш шакли танланади.

Талабаларнинг психологик тайёргарликлари ва фикрлаш ёки олинган билимларни ўзлаштириш даражаларига қараб ҳар бир таълим босқичи учун мос мазмун ва методлар танланади. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос мазмунини баён қилиш мантиқи ва методлари бор. Таълимда ҳар доим мазмун ва методлар муаммоси мавжуд, бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган. Таълим методларидаги муаммолар «Кимни қандай ўқитамиз?» деган савол билан боғлиқ бўлиб, бундан таълим методларини ишлаб чиқиш унинг мазмунига боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Бу икки муаммо ўзаро қарама-қаршиликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Методиканинг мақсади мазкур фандан янги ўқув фани (ўқув предмети) яратиш ва бу фаннинг ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат. Бундай ўқув фанлари талабанинг барча талаб ва эҳтиёжларини қониқтириши, замонавий педагогик технологиялар талаблари асосида «аввал ўқиш, сўнгра, бу ўқишга ўргатиш учун ўқитиш» принципига асосланиши, талабанинг ўқув материални ўзлаштиришидаги кўрсаткич ва ўзлаштириш даражалари, назарий ва амалий билимларини эгаллашда «соддадан-мураккабга» қоидасига асосланган назорат топшириқларини белгилаш ҳамда талабаларга индивидуал ва табақалашган ҳолда ёндашувлар хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Анъанавий методикада талаба шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг билими кўникамага, ундан эса малакагача ривожланишига аҳамият берилмаслиги аён. Ўқитувчи талабага иложи борича ўрганилаётган мавзудан кўпроқ ахборот беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчи ахборотларни тўплаш, ахборотларни танлаш ва қайта ишлаш, ўрганилган ахборотларни қўллаш каби

билишнинг учта босқичдан иборат моделига ҳар доим ҳам риоя қилавермайди. Кейинги навбатда талабанинг билиш фаолияти (олган билими) уни билиш фаолиятининг янги поғонасига, яъни бу билиш фаолиятининг фаоллашув жараёнига кўтариши керак. Шундагина билим кўникмага, кўникма эса малакага айланади. Талабалар билиш фаолиятининг фаоллашуви қатор принципларга таянади: фанни ўрганишга қизиқтириш, таянч ибораларга асосланиш, муаммоли методларни қўллаш, мустақил ишларни ташкил этиш, ялпи ва якка ишларни ташкиллаштириш, кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланиш, таълим мазмунини турмуш билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни ўрнатиш ва ҳоказо. Бундан эса, таълим жараёнида ўқитувчи риоя қилиши керак бўладиган асосий принциплар келиб чиқади:

- талабада ўз кучига ишониш ҳиссиётини уйғотиш;
- талабада ўз вақтида керакли ёрдам бериш.

Талабаларнинг фанларга оид танқидий фикрини билиш мақсадида қуйидаги варақалар тарқатилган:

1. Маърузани эшитиб ёзиб бордим, лекин ўзлаштирилаётган материал моҳиятини бир даврнинг ўзида тўлиқ тушуниб етмадим.
2. Олий таълимнинг мазмуни ва шакли ўрта мактабникидан нимаси биландир фарқ қилади.
3. Илмий тушунчалар, атамалар ва таърифлардан фойдаланишда қийинчиликларни ҳис қиламан.
4. Маъруза ва семинар машғулотларининг моҳиятини тушуна олмайман.
5. Назарий билимлар билан амалиёт ўртасида бирмунча номуаносибликлар мавжуд.
6. Мустақил фаолиятни режалаштиришнинг оқилона усуллари етишмайди.
7. Мустақил билим олиш учун жуда оз вақт қолади.
8. Ўқув йили давомида бир қанча материаллар индивидуал ишлашга йиғилиб қолади.
9. Рейтинг назоратида ҳис-туйғуда барқарорликнинг етишмаслиги сабабли диққатни бир жойга тўплай олмайман.
10. Семинар машғулотлари ва рейтинг назоратига тайёрланиш учун бирламчи манбаларнинг йўқлиги ёмон оқибатларга олиб келади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Аммо танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд.

Танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун талабаларга вақт ва имконият бериш зарур, яъни;

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига унинг ўзида ишонч ҳиссини уйғотиш;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- ўзига ишончни орттириш, ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини тушуниш;
- таълим жараёнида фаол иштирок этиш;
- турли фикр ва ғояларни эътибор билан тинглаш;
- ўз ҳукмларини шакллантиришга ва ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Танқидий (тахлилий) фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Чунки талабалар сузташ тингловчилар бўлишади, уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимларига ўқитувчи масъул, деган ишонч шаклланиб қолган. Таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва таълимга ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги, танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғояси ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талабаларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи (педагог) талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан холи бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш керак. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари ҳамда масалаларни муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим ва катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашишларини кўзда тутди. Ўзаро фикр алмашишда талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлари тизимини сўровчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчилар фикрини тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ, талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд, яъни ўзига ишонч ҳосил қилиш, ишда фаол иштирок этиш, ўртоқлари ва ўқитувчи билан фикр алмашиш, ўзгалар фикрини тинглай олиш ва бошқалар.

Умуман олганда, талабаларнинг танқидий (тахлилий) фикрини ривожлантириш олий ўқув юртларидаги ўқув-тарбия жараёнида камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принципларни амалга оширишда ва талабаларнинг ўзини ўзи бошқаришида муҳим рол ўйнайди.



## VII боб. Ўқитувчи-касб эгаси сифатида

### 7.1. Ўқитувчининг шахсий ва касбий хусусиятлари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

таълим бериш маҳорати;  
тарбиялай олиш маҳорати;  
ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари;

таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати ва ҳ.к..

Умумлаштирилган моделнинг доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «қиёфа»сини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омиллардан бири бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология (атроф-муҳит), компьютер техникаси ва илмбардош технологиялар устувор бўлган ва халқ хўжалигининг ривожланган тармоқларига, таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экологик маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур билладиган профессионал малакага эга бўлган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрларнинг тайёрланиши билан боғлиқдир.

Олиб борилган кузатишлар ва АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа саноати ҳамда интеллектуал билимлари ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, асосан, қуйидагиларга боғлиқ бўлар экан:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлигига;
- таълим муассасалари ва профессионал таълим дастурлари турларининг (типларининг) хилма-хиллиги, уларда фан ва техниканинг энг охириги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишлариқай даражада акс эттирилганлигига;
- профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантиришга;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник асосини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлашга;
- профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб этишга;

- ўқув жараёнини информатизациялаш ва компьютерлаштиришга;  
- кадрларни тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини кўллашга;

- шахснинг ривожланиши, ўлчови, сифат ва хулқини, қобилият ва интеллектини баҳолаш ҳамда касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажаришга;

- ўқитувчиларни юқори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаб туришга.

Бугунги кун мутахассиси ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидойи, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислиги, масалан, иқтисодчиликдан ташқари, хорижий тиллардан бирини билиши ҳамда АКТ дан фойдалана олиши шарт.

Замонавий педагог юқори маданиятли, халқимиз тарихини чуқур биладиган ва унинг келажаги учун жон куйдирадиган инсонпарвар ва олийжаноб киши бўлиши керак.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Шундай экан, ўқитувчилик-катта санъатдир. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Шунинг учун, ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлод учун чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб боровчи, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан пухта қуроллантирилган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки унинг негизида изланиш ва ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан, синфда, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Чунки ўқув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўқув юртидаги асосий ишидир. Шунинг учун у илмий-ғоявий жиҳатдан етук ва оммабоп бўлиши, турмуш билан, ўқувчи ёки талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан узвий алоқадор бўлиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ёки талабалар ўртасида ўзаро жонли тил мулоқоти, фикр алмашув муносабатлари, самимий ҳурмат ва асосий мақсадга эришишда яқин ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насихатгуйликдан иборат бўлган, расмият учун юзаки ўтказиладиган дарс (маъруза) ва бошқа ўқув машғулотлари ўқувчи талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, ғоявий жиҳатдан етарли

озиклантирмайди. Шу сабабли, ўқув машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги образига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи ёки талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Замон талаблари профессор-ўқитувчиларнинг ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини тақозо этади.

Педагогик фаолият самараси ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият-фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, деб таъкидланади Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ қобилияти, образ ортира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти кабилар.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Бу касбни танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, ўз юрти ва дунёдаги реал воқеликни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онглигига, миллий ғоя ва мафкурага содиқлигига, билиш ва фикр доираларининг кенглигига, ўз вазифасига муносабатига эътибор бермок керак. Айниқса, педагогик маҳорат бобида ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиш зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки кишида билим ва фикр мукамал бўлмаса, у камолотга эриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади. Шунинг учун, педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилган киши, шубҳасиз, ўз билимини доимо кенгайтириши, ўзининг ўқувчи ёки талабага маънавий-ахлоқий таъсир этувчи ғоя ва фикрларини янгилаб бориши зарур. Бунинг учун у кўп ўқиши ва ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо беришда унинг таълимни қай даражада ташкил қила билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълим тизимида дарс ва бошқа турдаги барча ўқув машғулотларини мукамал ташкил қилиш-ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтказилган машғулотлар ёшлар онгида узоқ сақланади, уларда имон-эътиқод ва мафкуранинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўқитувчининг илмий савияси унинг ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати ва, энг аввало, сифатли дарс бера олишида кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва бошқа турдаги машғулотларнинг сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини мукамал эгаллаган ўқитувчи уюштирган ўқув машғулотни чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишончи, халқимизнинг

ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва содиқ қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчи навбатда, ёшларимиз ўз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш-ўрганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўқув машғулотида сўнг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил қилганликларини, маънавий озик олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдларнинг қалбини ва руҳини бир-бирига мустаҳкам боғлайди, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, ўз фанини ва уни ўқитишнинг метод, усул ва воситаларини мукамал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи-мураббийга хос маданиятнинг юқорилигига эришиши, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат ифода эта олиши, уларни ҳаётга қизиқтириши ва уларнинг руҳий ҳолатларни билиши ва тушуниши, босиқлик билан ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиши, ташқи кўриниши ва кийиниш маданияти бўйича ибрат бўлиши, нутқ маданиятининг юқорилиги ва ижтимоий фаоллиги, айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий ва маънавий-маданий ишларнинг тарғиботчиси бўлиши лозим.

Шундагина мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийларининг номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида кўрсатилганидек, ўз фанлари бўйича тегишли маълумот эгаси, юксак касбий тайёргарлик ва юқори ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

“Агарки, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси-ўқитувчилик ва мураббийликдир”,-деганида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ҳақ фикрни ифодалаган эди. Ғазал мулкининг султони, икки дарё бўйидаги заҳматкаш халқини якқалам қилган А.Навоий ранж ила бир ҳарф ўргатган устозлар хизматини юз ганж ила адо этиб бўлмаслигини ёзган ва ҳаётда ўз устози мавлоно Лутфийга бўлган эҳтиромида унинг амалий исботини намоён этган. Шу боисдан, азал-азалдан бу касб жуда эъзозли ҳисобланган. Таълим-тарбия жараёнларидаги муваффақият уларнинг фаол иштирокчиси-ўқитувчи шахсига кўп жиҳатдан боғлиқ.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғояларини амалиётга татбиқ этиш ва республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи-тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда уларнинг касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб ва қийин фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Хусусан, қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, донишмандлар зиммасига ишониб топширилган. Ушбу ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши ва мазмуни нафақат

шахс камолотини балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикри ибратлидир: “-Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. ...Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз, аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

...мактаблардаги жараёнларда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: “Менинг айтганим айтган, деганим деган”.

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши лозим?

Ўқитувчи махсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумоти ва методик тайёргарликка, шунингдек, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонунининг 5-моддаси 7-бандига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан маън этилган шахсларнинг таълим муассасаларида фаолият олиб боришларига йўл қўйилмайди.

Замонавий ўқитувчи шахсида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.

2. Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши ва изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва бошқалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи даркор.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик лаёқатига эга бўлиши, педагогик техника, нутқ, юз, кўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари (мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

8. Ўқитувчи юксак нутқ маданиятига эга бўлиши ва унинг нутқи бир қатор сифат ва хусусиятларга эга бўлиши керак.

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (содда, озода ва бежирим кийиниш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг диққатини кўп жалб этувчи турли хил безаклар(қимматбаҳо тақинчоқлар ва ёрқин рангли пардоз-андоз воситалари)дан ортиқча ва ўринсиз фойдаланмаслик, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишга одатланиш кабилар) эга бўлиши лозим.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларни ўзида акс эттира олган ички ва ташқи қиёфаси унинг ўқувчилар ва ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг икки муҳим кўрсаткичи – сифат ва самарадорлик айнан ўқитувчининг салоҳияти ва касбий маҳоратига узвий алоқадордир. Унинг касбий талабномаси (профессиограммаси) кун сайин кучаймоқда.

“Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир”, -деган шиор кун тартибига ўрнели киритилган мустақиллик йилларида бу масаланинг ечими ўқитувчи ва тарбиячи шахсига янада мустаҳкам алоқадор бўлиб қолди. Боиси, ўқитувчи тажриба ва малакасининг уйғунлиги муваффақиятлар гарови эканлиги сир эмас. Ўқитувчининг ижодкор ва ташаббускор бўлиши лозимлигини мазкур дарслик эпиграфидаги буюк немис педагогининг фикри ҳам тасдиқлайди.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш (гуманизациялаш) муаммоси кун тартибига қўйилган бугунги кунда ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик жиҳати олдинги ўринга чиқди.

Ўқитувчининг шахсий фазилатлари: ахлоқий баркамоллик, яъни саҳоватпешалик, меҳрибонлик, талабчанлик, маънавий поклик қаноатлилик, ростгўйлик, садоқатлилик, покизалик, зийраклик, андишалилик, вазминлик, сабр-бардошлилик, мулойимлик ва бошқалардир.

Ўқитувчининг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиш, ҳунар сирларини содда усулда ўртага олиш, ҳаётий тажрибалари асосида тарбияловчилик, шогирдлар эҳтиёжлари ва ютуқ-камчиликларини идрок эта олувчанлик, нутқ маданиятига эга бўлиш, шахсий намуна бўла олишлик ва шу кабилардир.

Шогирдлик одоби бўйича қуйидагича мезонлар қайд қилинади: “Агар сендан шогирдлик одоби нечта, деб сўрасалар, еттита дегин”. 1) аввало: ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз касбини севиш; 2) ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш; 3) устоз олдида хокисор бўлиш, ўз ножўя одатларини тарк этиш; 4) кўриш (ножоиз) лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш; 5) эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслик; 6)

барча нолойиқ ишлардан қўл тортиш; 7) устозига қарши бўлган кишилар билан муомала қилмаслик. Ана шу кесимларда ўқитувчи ва ўрганувчи ўртасидаги диалектик муносабат тўлақонли амалга оширилади.

Ўқитувчидан биринчи навбатда қуйидагилар талаб қилинади:

1. Жисмоний ва ақлий саломатлик.
2. Юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлар.
3. Кучли ва кенг қамровли пойиндор билим.
4. Методик мукамаллик ва сайқалланган касбий маҳорат.
5. Нутқ маданияти, нотиклик санъати ва имло саводхонлиги.
6. Муттасил ўз устида ишлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Одатда, кўпчилик ўқитувчилар шахсни ўргатиш ва тарбиялашдаги вазифасини ўз ўқув фани доирасида ўқувчини тегишли билим ва кўникма ҳамда малакалар билан куроллантириш, уларда таҳлил қилиш, умумлаштириш ва қиёслаш сифатларини шакллантиришда кўрадилар. Ваҳоланки, ўқитувчининг меҳнати ва унинг педагогик фаолияти кенг қамровлидир. У ўқитишнинг учта муҳим ижтимоий функцияси-таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини бажаришга масъулдир. Бироқ олий педагогика ўқув юртларидаги машғулотлар ўқитувчининг амалга оширадиган амалий-педагогик фаолияти билан етарли даражада боғланмаган. Бу фикрни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бўлажак ўқитувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлашни кўзда тутиб ўқув режасига киритилган машғулотлар аксариятининг мазмуни айнан ўқитувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу вазият ўқитувчининг малакали мутахассис сифатида шакллантирилишида ижобий таъсирга эга бўлсада, унинг касбий-педагогик фаолиятида бевосита қўллаш оладиган ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш методларини эгаллашига хизмат қилмайди;

Иккинчидан, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ижодкорлик тушунчаси маълум бир чекланган маънода, одатда техник ижодкорликни амалга ошириш ва бошқаришга тайёрлаш маъносида талкин қилинади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш жараёнида шакллантириладиган шахсда эса нафақат техник ёки бадиий ижодкорлик билан боғлиқ, балки янада чуқурроқ билимларни талаб қилувчи тадқиқотчилик ижодкорлигини шакллантириш лозим бўлади.

## **7.2.Ўқитувчининг нутқ маданияти**

Ўқитувчининг нутқ маданияти, нотиклик санъати ва ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда ифодалай олиши ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин тил ва нутқ хусусида айрим маълумотларни эслатиш лозим.

Нутқ маданияти жамият ҳаёти ва маданиятининг ўта муҳим ажралмас таркибий қисми, муайян воқелиги, кўриниши сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. У фикр алмашиш, муомала, сўзлаш каби кундалик, доимий, зарурий жараёнларни ўз ичига олади, уларни «бошқаради», улар орқали воқеликка айланади, таъсир қилиш қувватига эга бўлади.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ходисалар бўлиб, тил алоқа қуроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ-бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқларда қадимдан мавжуддир. Бу тушунча муайян лингвистик меъёрлар, этик ва эстетик талаблар билан алоқадор бўлган тушунчадир. Демак, нутқ. маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи (кўрсатувчи) этик ва эстетик категориядир, ходисадир.

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларда маълум «тил диди»ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ходисани ифода этади:

- 1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ходисанинг номи;
- 2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий муаммонинг номи;
- 3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ходисанинг ҳар бири ўзининг мураккаб кўринишларига ва қирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштирмаслик лозим.

Шундай қилиб, нутқ маданиятига берилган энг муҳим таърифлар қуйидагилардир:

1. Нутқ маданияти-адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан биридир (Прага лингвистик мактаби).

2. Нутқ маданияти (тил маданияти)-бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силликланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир (Прага лингвистик мактаби).

3. Нутқ маданияти-тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир (А.Гуревич ва б.).

4. Нутқ маданияти-кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашидан иборатдир (Б.Н.Головин ва б.).

5. Нутқ маданияти-фақат тўғри нутқгина эмас, балки укувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир (Г.О.Винокур ва б.).

6. Нутқ маданияти-тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир (А.И.Ефимов).

7. Нутқ маданияти-бу, аввало, фикрлаш маданиятидир. (Д.Э.Розенталь ва бошқалар).



8. Миллий ўзига хослиги билан ҳам ажралиб турувчи нутқ-маданий нутқдир (М.Агафонова).

Хулоса шуки, нутқ маданияти-тилни, алоқа ва аралашув қуроллини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлик, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам шунчалик юқори савияда бўлади. Аксинча бўлса, унда нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлиши муқаррардир.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маълум бир ўлчов(мезон)га асосланиш керак бўлади. Мана шу ўлчов(мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар бир лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қуйидагича кўрсатилади: 1. Диалектал меъёр. 2. Сўзлашув нутқи меъёри. 3. Арголар, жаргонлар меъёри. 4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик - семантик меъёр.
2. Талаффуз - (орфо-эпик) меъёр.
3. Ёзув (графика) меъёри.
4. Фонетик меъёр.
5. Акцентологик (урғуни тўғри қўллаш) меъёр.
6. Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.
7. Сўз ясаиш меъёрлари.
8. Имловий меъёр.
9. Услубий меъёр.
10. Пунктуацион меъёр.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилари, латифагуй халқ шоир-бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олинганга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиш, ривожланиш, стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатдан фарқ қилади.

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама - қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари буйича текшириши лозим.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демак, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутаяди. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Ўқитувчи ҳам бундан мустасно эмас. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол шу жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукаммал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени кузатиб бориши, умуман, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари орқали ҳамда тинимсиз мустақил шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина касбий нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи адабий тилда гапириши лозим. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади: сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда, сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш-ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа - ҳодисадан хабардор бўлади.

Нутқ-сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг муайян кўриниши ифода бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейилганда, айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчи ёки китобхонга тўлиқ ва аниқ етиб бориши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра, нутқ олдида муайян талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг коммуникатив сифатлари бўлиб, унда нутқнинг мантиқан тўғри, фикран аниқ, тузилишига кўра чиройли ва йуналишига кўра мақсадга мувофиқ бўлиши назарда тутилади.

Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозаллиги, мантикийлиги, таъсирчанлиги ва мақсадга мувофиқлиги унга кўйиладиган энг муҳим талаблардир.

Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Чунки нутқ тўғри бўлмаса, унинг бошқа коммуникатив сифатлари, яъни мантикийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади.

Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан, икки меъёрга - урғу ва грамматик меъёрга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Ўқитувчи оғзаки нутқнинг бу икки муҳим компоненти унинг нотиклик маҳоратини белгиловчи бош мезонлар даражасига кўтарилиши табиийдир. Атамалар ва терминлар, тушунча ва иборалар ифодасида урғуни тўғри қўлламаслик ўқитувчи нутқдаги энг катта камчилик саналади.

Грамматик меъёрга риоя қилиш деганда, гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзак ва қўшимчаларни қўшишда хатога йўл қўймаслик, келишиқ қўшимчаларини ўз ўрнида қўллаш, эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланиш қонуниятлари тушунилади.

Аниқлик нутқнинг алоқавий сифатларидан бири бўлиб, у объектив борлиқ билан нутқ мазмунининг мослиги сифатида юзага чиқади.

Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан қуйидагиларни талаб этади:

а) тилнинг синонимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан кераклигини ажратиб, нутқда қўллаш;

б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг аниқланган маъноларини ҳар томонлама билиш;

в) сўзнинг кўп маънолигига жиддий эътибор бериш, кўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно қирраси кўзда тутилаётганини аниқ тасаввур қилиш фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно қирралари монелиқ қилиш-қилмаслигини кўз олдида келтириш;

г) омонимларнинг хусусиятларини билиш, чунки уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;

д) паронимларни билиш, улардаги товуш яқинликларига эътибор бериш;

е) тор муҳитда ишлатиладиган, четдан кирган, касб - ҳунарга оид, архаик, эскирган, диалектизм сўзларнинг маъноларини яхши англаган ҳолда нутққа киритиш.

Нутқнинг тозаллиги деганда, энг аввало, унинг адабий тил меъёрига мувофиқ келиш -келмаслиги тушунилади.

Нутқимизнинг софлигига, асосан, қуйидагилар таъсир қилади:

1. Маҳаллий диалект ва шевага хос сўз, ибора, шунингдек, грамматик шакллар, сўз ва сўз бирикмаларининг талаффузи, урғуси.

2. Ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари.

3. Жаргонлар.

4. Вульгаризмлар.

5. Нутқда ортиқча такрорланадиган «паразит» сўзлар.

6. Канцеляризмлар.

7. Варваризмлар.

Санаб ўтилганлардан ўринсиз фойдаланиш кундалиқ нутқни ҳам, бадиий нутқни ҳам хиралаштиради. Ҳар бир ўқитувчи ўз нутқининг адабий

меъёрлар даражасида бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим. Ўз шевасига хос бўлган тил воситаларини нутққа ўринсиз олиб кириш ҳам нутқни бузади. Аммо диалектизм ва варваризмлар бадиий асар тилида маълум бадиий - эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Нутқда ўринсиз ишлатилган бошқа тилларга оид сўзлар варваризмлар деб аталади. Жаргон – бирор гуруҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб, ишлатадиган сўз ва ибораларидир.

Вульгаризмлар-дағал сўз ёки иборалардир(сўкиш, ҳақоратлаш, қўполлик, жоҳиллик кабилар).

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотикнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади.

Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари бўлган тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади. Шунга кўра нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазият ҳам эътиборга олинади. Яъни, бунда нотик тингловчиларни уларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, нутқининг қандай қабул қилинаётганигача назорат қилиши зарурдир. Профессионал билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчи нутқининг аудиторияга мослиги унинг энг асосий сифат кўрсаткичи эканлигини доимо назарда тутиб сўзлаши лозим.

Тингловчилар тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ифодаланаётган фикрга ишонтира олиш ўқитувчилар олдида қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, ўқув материални ва унинг мазмун ҳамда моҳиятини яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ, белгиланган режаси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳим касбий фазилат ҳисобланади. Бундай ҳолат ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишига самарали хизмат қилади. Нотик фикрларини ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр-мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонarli ва таъсирli бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлигига эришишда тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, такрор ва адабий кўчимларнинг ҳам роли каттадир. Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалардан, айниқса, фразеологизмлардан унумли фойдаланиш зарур.

Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги жуда муҳимдир. Нутқ маданияти-адабий тил меъёрларини пухта эгаллаш ва улардан нутқда тўлиқ фойдаланиш демакдир.

Тил - алоқа қуроли, тил - ҳаёт кўзгуси, тил - маънавий белгиси бўлиши билан бир қаторда ўқитувчи учун энг муҳим методик восита сифатида катта хизмат қилади. Инсонни ҳайвонот олаmidан ажратиб, уни коинот сарварига ва гултожига айлантирган омил ҳам тилдир. Инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари, тафаккур «мевалари» тил ва нутқ орқали юзага чиқади.

Сўзнинг тарихий - маданий, маънавий хизмати чексиз, албатта. Лекин тилнинг имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараёнида очилади ва ўқитувчилар шу имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозим. Нутқ сифатсиз бўлар экан, тилнинг чексиз имкониятлари таълим-тарбия жараёнларида етарли даражада юзага чиқмай қолаверади.

Ғарб донишмандларидан Р.Эмирсоннинг таъкидлашича, «Нутқ - кудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади». Бу гапда нутқнинг шундай фазилати таъкидланаяптики, у, биринчи навбатда, ишонтириш санъатидир. Ўқувчилар билан мулоқотда бўлаётган ўқитувчи ишонарли гапириши, нутқи далилланган, пухта асосланган бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг ишончини, меҳрини қозонган ўқитувчинигина ҳақиқий устоз дейиш мумкин.

Нутқ-ҳаракатдаги тилдир. Нутқ тил бирликларини ўзаро мантикий боғлаб, уларни ҳаракатга келтиради. Нутқ-сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан иборат бўлади.

Нутқ, нутқ одоби-инсоннинг маънавияти ва маърифатини белгиловчи асосий мезондир. Демак, кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос ҳолда адабий меъёрдаги ифодалар билан етказишдир. Хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни мукамал билиши керак. Мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшлиқдан ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш ва мунтазам равишда машқ қилиш ҳамда тилга жиддий муносабатда бўлиш орқали эришилади. Ўқувчи учун эса энг яхши намуна ўқитувчидир. Бунинг ўқитувчи ҳар доим ҳис қилиб туриши керак.

Болага яхшилик қилган, айтилган юмушни, илтимосни бажарган кишиларга ўз вақтида миннатдорчилик билдириш одобини ҳам ўргатиб бориш лозим. Тилимизда рағбатлантиришни, миннатдорчиликни англатадиган чиройли ифодалар бор. Уларни кундалик муомалага киритиш, ўз ўрнида ишлатиш киши хулқини нақадар безайди. Ўқитувчи топшириқни яхши бажарган ўқувчиларни ширин ва ёқимли сўзлар билан рағбатлантириши лозим.

«Ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади» (С.Иброҳимов).

Ўқитувчининг ёзма нутқига ҳам катта талаблар қўйилади. Булар имловий саводхонлик, фикрни ёзма тарзда равон ифодалаш, ёзув қоидаларига риоя

қилиш, орфографик ва пунктуацион ҳамда стилистик хатоларга йўл қўймаслик кабилардир. Шунинг учун ўқитувчининг ёзма нутқи иккита компонент-имло саводхонлиги ва хуснихат(каллиграфия, ёзув услуби)дан иборат, деб юритилади.

Оғзаки ва ёзма мукамал нутқ шартли равишда (маъжозий маънода) ўқитувчининг икки “ёруғ юзи” деб ҳам аталади.

Тилнинг дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби қатор вазифаларни бажаришига қарамасдан, унинг асосий функцияси кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаши ва уларнинг билим олишида қудратли қурол эканлигида кўринади.

## VIII боб. Масофавий ва модулли ўқитиш

### 8.1. Масофавий ва модулли ўқитиш ва уларнинг ривожланиш босқичлари

Масофавий ўқитиш-янги ва анча прогрессив бўлган ўқитиш шаклидир. Бу усулнинг турли хил таълим муассасаларига, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларга тадбиқи ўқувчи-талаба ва ўқитувчи(педагог)ларни дунёнинг илғор илмий мактабларининг юқори сифатли ўқув-услугий ишланмалари, замонавий ва сўнгги ахборотларидан, қаерда бўлишидан қатъий назар, тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беради. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Устоз» фонди қиёфасида жаҳон институтлари билан олий таълимда масофавий ўқитиш усули компонентларини татбиқ қилиш ҳақида келишув тузилди.

Бундай лойиҳа, нафақат Ўзбекистон учун, балки Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари ва Қозоғистон ҳамда ҳамдўстлик давлатлари учун масофавий ўқитиш соҳасида жаҳон банки институтининг илғор лойиҳаларидандир.

Жаҳон банки лойиҳаси масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш учун бошланғич майдон бўладиган масофавий ўқитиш тармоқлари инфратузилмаси база элементларини яратиш, масофавий ўқитиш усулларини қўллаш соҳасини кенгайтириш ва масофавий ўқитишни амалга оширувчи замонавий технологияларни ривожлантиришни кўзда тутди. Тошкент шаҳрида жойлашган университетларда жаҳон банки лойиҳасининг муваффақиятли қўлланилиши унинг ҳаётийлиги ва юқори кўрсаткичга эришилганлигини тасдиқлади.

Олий ўқув юртларидан 30 нафардан ортиқ етук ўқитувчилар танлаб олиниб, улар масофадан ўқитишлар бўйича қайта тайёрланди. 2000 йилда жаҳон банки ташаббуси билан Москва ва Бишкекда ўқитиш марказлари ташкил этилиб, унга таклиф этилган қатнашчилар янги ўқув методологиясини масофадан режимли бошқариш ва электрон курслари методлари бўйича қайта тайёрланди. Лойиҳанинг университет иштирокчилари учун иқтисодий йўналишлар бўйича масофавий ўқитиш тартибида машғулотлар ўтказиш учун техник база воситалари ташкил этилди. Интернетга уланиш йўллари изланмоқда. Буларнинг барчаси берилган технология турларининг истиқболлари тўғрисида гапиришга имкон беради.

Масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитиш шаклларида куйидаги хусусиятларини фарқлаш мумкин;

*Эгилувчанлик.* Ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имкониятини беради.

*Модуллик.* Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолатда шахсий ҳамда гуруҳ талабига жавоб берадиган ўқув режасини амалга оширади.

*Қуршов.* Бир вақтда кўп иштирокчиларга ўқув ахбороти бўйича мурожаат қилиш, тармоқ ёрдамида ўзаро ахборот алмашинувини тўғри ташкил этиш имконини беради.

*Тежамкорлик.* Ўқув майдонлари, техник воситалар, моддий ва маънавий ашёлардан унумли фойдаланиш, ўқув ахборотларини тўпланган ва бир хилликка келтирилган ҳолда ифодалаш ҳамда уларни ўзлаштирувчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича харажатларни камайтиради.

*Технологиклик.* Таълим бериш жараёнида инсонни жаҳоннинг индустриал фазосига киритишга имкон берадиган янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

*Ижтимоий тенг ҳуқуқлилик.* Ўқитувчининг турар жойидан, саломатлиги, моддий таъминланганлигидан келиб чиқиб, катта кўпчиликка мустақил таълим учун тенг имконият яратилади.

*Байналмилаллик.* Таълим хизматлари бозорида эришилган ютуқларнинг экспорти ва импорти таъминланади.

*Ўқитувчи(педагог)ларнинг янги вазифалари.* Масофавий ўқитиш ўқитувчи(педагог)нинг вазифаларини кенгайтиради ва янгилайди. Ўқитилаётган курсларни доимо такомиллаштириш, тингловчиларнинг ижодий фаоллигини ва уларнинг малакасини ошириш, киритилган янгилик ва инновацияларга мос билим бериш жараёнларини мувофиқлаштириш зарур.

Масофавий ўқитиш талабага ижобий таъсир этади. Ўзини ўзи ташкил этишда, билим олишга интилишда, компьютер техникаси билан ўзаро ишлаш ва мустақил маъсулиятли вазифаларни ҳал қилишда унинг ижодий ва тафаккур салоҳиятини ўстиради. Масофавий ўқитиш сифати кундузги таълим олиш тартибидан сифат жиҳатидан қолишмайди.

Масофавий ўқитиш куйидаги ижтимоий аҳамиятли масалаларни ечишга таъсир этиши лозим:

- таълим хизматларида аҳолининг эҳтиёжини амалга ошириш;
- сифатли тайёрланган мутахассислар билан давлат эҳтиёжларини қондириш;
- аҳолининг ижтимоий ва профессионал ҳаракатчанлигини ошириш;
- тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги, ўзлигини англаши теварак-атроф тўғрисидаги билимларни кенгайтириш;
- давлатимизнинг олий мактабларида йиғилган билимлар ҳамда кадрларнинг моддий салоҳиятини сақлаш ва кўпайтириш;
- бутун жаҳон ҳамжамияти чегарасида таълим фазосининг ҳар бир нуқтасида нострификацияланган таълим олиш имкониятини таъминлашни ўз ичига олган яхлит таълим фазосини ривожлантириш;
- геосиёсий масалаларни ечиш ва бошқалар.

*Ўқитиш мазмуни.* Ўқитиш жараёни, усуллари ва ташкилий тартиби ҳамда амалга оширилиши унинг таркиби билан ифодаланади.

*Ўқитиш объекти.* Масофавий ўқитишда таълим хизматларидан фойдаланувчилар ушбу усулда таълим олувчилар унинг объекти бўлади.

*Ўқитиш субъектлари.* Масофавий ўқитиш субъекти ўқитувчи (педагог)лар ҳисобланади. Ўқитувчи (педагог) таълим жараёнининг юқори самарасини таъминлашда асосий бўғиндир. Масофавий ўқитиш ўқитувчи (педагог) фаолиятининг муҳим аҳамиятини унинг маслаҳатчилик функциясида ҳамда информатика ва телекоммуникациялар асосларини билишида таъкидлайди.

*Ўқитиш усуллари.* Масофавий ўқитиш тартиби ўз ичига бешта умумдидактик ўқитиш усуллари қамраб олади: инфорацион-рецептив, репродуктив, муаммовий ифода этиш, эвристик ва тадқиқот. Улар ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабаларнинг ўзаро ҳаракатлари педагогик актларининг бутун тўпламларини ўз ичига қамраб олади.



*Ўқитиш усули.* Ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабалар ўзаро ҳаракати таъсирининг меъёрий тизимини назарий тасаввурлаб берадиган дидактик туркумдир.

*Ўқитиш мазмуни.* Бу ўқув ахборотининг таркиби, тузилиши, маълумотлари ҳамда масалалар, топшириқлар ва машғулотлар тўпламини акс эттиради, ўқитиш жараёнлари ва уларнинг методикасини белгилайди, билим олувчиларнинг касбий малака ва идрокларини шакллантиради, меҳнат фаолиятининг дастлабки тажрибасини йиғишга имкон беради.

*Ўқитиш воситалари.* Масофавий ўқитиш таълими жараёнида анъанавий таълим билан бирга инновацион ўқитиш воситаларидан ҳам фойдаланилади. Улар АКТ ни қўллашга ҳамда таъминот технологияси соҳасида сўнгги эришилган натижаларга асосланган.

*Ўқув-илмий ва моддий асоси.* Ўқув дастурларига мос бўлган, ўқитиш учун зарур моддий ва техникавий тўплам. У ўз ичига ўқув ва ўқув-ёрдамчи жойларни, ўқитишнинг техникавий воситалари, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув-услубий материалларни олади.

*Молиявий-иқтисодий тизим.* Таълимда бозор муносабатлари қатнашчилари сифатида фақат таълим муассасалари таълим хизмати буюртмачилари бўлиб келмасдан, балки давлат ҳам буюртмачи ва истеъмолчи бўлади.

*Масофавий ўқитишнинг ташкилий асослари.* Масофавий ўқитиш технологиясидан фойдаланувчи ўқув ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, умумий ташкиллаштиришнинг ўзига хослигини очиб беради:

- узлуксиз таълим;
- ўқув жараёнининг олиб борилишига индивидуал ёндашиш;
- географик жойлашиши узоқ бўлган ўқув муассасаларини етакчи олий ўқув юртлари базаси марказида масофавий ўқитишни марказлаштириш;
- тингловчилар йўналишига кўра ўқитувчи(педагог)-маслаҳатчиларнинг мавжудлиги.

*Масофавий ўқитишнинг қулайлиги.* Келгусида мақсадга мувофиқ равишда лаборатория амалиётларини ўтказишни қисқартириш мумкин.

*Масофавий ўқитиш назорати.* Бу ўрганилаётган ўқув материалларининг назарий ўзлаштирилиш натижаларини текширишдан иборат. Тест ҳақиқатдан ҳам фан бўйича жуда кўп саволлардан ташкил топган бўлиши керак ҳамда ҳар бир савол учун бир нечта жавоб вариантлари таклиф этилади. Талаба улар орасидан тўғри жавобни танлаши лозим. Тестлар ўз-ўзини текширишга яхши мўлжалланган ва индивидуал машғулотлар учун жуда қулай.

Масофавий ўқитиш қатнашчилари, яъни тингловчилар, ўқувчи-талабалар ва ўқитувчи(педагог)лар етарли даражада тайёр бўлишлари, яъни масофавий ўқитишнинг ўргатиш усулларида, воситаларида ва ташкилий шаклларида фойдалана билишлари керак. Шунинг учун ҳам фундаментал информатика АКТларнинг назарий ва амалий асоси сифатида масофавий ўқитишнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ва унинг ажралмас қисми бўлиши шарт.

Педагогик технологияларнинг элементар бирликлари тизими модуллардан ташкил топади.

Модул – педагогик технологияни ташкил этувчи, унинг таркибий бўлақларини ифодаловчи тушунчадир. Бундай бўлақлар кичик модул,

бирламчи модул, модуллар тўплами, модуллар даражаси ва модулларнинг мажмуавий тузилмаси каби турлардан иборат бўлади.

Модуллар ўз кўламига кўра майда, ўртача ва йирик бўлиши мумкин. Уларнинг бир-бирига нисбатан пропорционаллиги қатъий бўлмаслиги, уларнинг ўзаро таъсири умумий жараёнда турлича бўлиши мумкин.

Модулли ўқитиш – педагогик жараёни илмий ва методик жиҳатдан тартибли ва мақсадга мувофиқ бажаришга хизмат қилади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг таркибий бўлаклари ўзаро жойлашуви ва педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг олдиндан белгиланган тартиб-қоидалари **алгоритм** дейилади.

Энг кичик бўлак педагогик технологиянинг ўзига хос қисми бўлиб, бундай кичик модуллардан бирламчи модул ташкил топади. Модуллар тўплами ўқитиш жараёнини илмий ташкил этишга ва унинг сифат ҳамда самарасини таъминлаш учун қўлланилади. Модулларнинг ўзгарувчан ва модернизацияланадиган табиати туфайли улардан динамик равишда фойдаланилади. Модулли ўқитиш – тартибли ўқитиш демакдир. Бунда ўқув материали битта ўқув машғулоти ҳажмида, ўқув предметининг бирор мавзуси ёки бирор бўлими даражасида, баъзан эса ўқув фанининг йирик таркибий қисми ўлчамида, яъни блоклар тарзида ҳам модуллар ёрдамида ўқитилиши мумкин. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир неча турдош ўқув фанларининг таркибий бўлаklarини ҳамда айрим фанларни ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар (блоклар) тарзида ўқитиш кенг қўлланилмоқда. Давлат таълим стандартларининг таркибий бўлаklarига мос келадиган блоклардан ҳам фойдаланилмоқда. Ўқув режа ва дастурларнинг таркибий бўлаklarини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайдиган технологияга хизмат қилувчи модуллар ҳам мавжуд. Таълим усуллари, методлари ва воситалари учун қўлланиладиган модуллар ҳам яратилмоқда. Модуллар, биринчи навбатда, таълим мазмунига дахлдор тушунчалар, қоидалар, назариялар, қонунлар ва улар орасидаги умумий боғланишни ифодаловчи қонуниятларни тушунтиришга самарали хизмат қилади. Билим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ҳамда уларнинг ўзлаштиришини назорат қилишда ҳам модуллардан фойдаланилади.

Модуллаштириш ва ўқув жараёнини технологиялаш юзасидан кейинги йилларда илмий-педагогик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Лекин бу борада ўқув тарбия жараёнини модуллаштириш ва алгоритмлаштириш ишлари ниҳоясига етказилган эмас. Бу ҳолатнинг генезиси ва такомиллашувини атрофлича тадқиқ этиш орқали ва тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик экспериментнинг қатъий хулосаларига таяниб таълим жараёнига модулли ёндашувни кучайтириш мумкин. Таълим-тарбия жараёнларига модуллаштириш ва алгоритмлаш маданияти тўла кириб борганида педагогик технологияларнинг яратилиши ва уларнинг амалда қўлланилиши борасида сезиларли ютуқларга эришиш имконияти кучаяди.

## **8.2. Масофавий таълим тизими ва ўқитишнинг техник воситалари**

Олий таълим соҳасидаги ўқитиш усуллари замонавий ахборот воситалари билан бойитилиши натижасида таълим сифатининг янада ортиши кутилмоқда.

Бу борада масофавий ўқитиш усули ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабалар учун ҳам қатор қулайликларга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Интернет, мультимедия каби технологик усуллар ўқувчи-талабалар учун зарур бўлган ўқув материаллари, қўлланмалар асосида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда. Зеро, масофавий ўқитиш ҳар қандай соҳада ҳам жаҳон таълим марказларининг услубий адабиётлари, замонавий ҳамда сўнгги ахборотларни олиш ва улардан жамлаб фойдаланиш имкониятларини беради.

Масофавий ўқитиш усули анъанавий таълим шаклларида фарқ қилади. У ўқувчи-талабаларни ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имконини беради. Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий ва гуруҳ талаби асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади. Ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга илмий ахборот ва маълумотлар бўйича марказлашган тармоқ орқали ўзаро ахборот алмашинувини жорий этиш мумкин. Ўқув майдонлари, техник ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маълумотларни йиғиб бир тизимга солинган ҳолда ифодалаб берилиши ва мутахассисларни қайта тайёрлашда ҳам харажатларни камайтиришга эришилиши кутилмоқда. Таълим-тарбия бериш жараёнида энг замонавий ахборот, телекоммуникация ва турли самарали технологиялардан фойдаланилади.

Масофавий таълим ўқитувчи (педагог) ва мутахассисларнинг ҳам вақтини тежаб, имконияти даражасидан келиб чиққан ҳолда моддий манфаатдорлигини ошириш билан мустақил таълим олиш учун кенг шароит яратиш беради. Таълим соҳасида эришилаётган ютуқларнинг жаҳон таълим тизими доирасида алмашинувини ташкил этиш, бу соҳадаги ютуқларни қўлга киритишни таъминлаши шубҳасиздир.

Масофавий ўқитиш усули мутахассис ўқитувчи(педагог)ларнинг олдида янгидан-янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Чунки ўқув материалларининг мунтазам тўлдириб борилиши, таълим берувчиларнинг ижодий ёндашув ҳамда янгиликлар билан ўз малакасини оширишлари ва бу кўрсаткичларни жаҳон илми ютуқлари билан мувофиқлаштириб боришлари талаб этилмоқда. Бу ўқитиш усули таълим талабига асосан ўқувчи-талабанинг ўз устида ишлашини ташкил этиш, кўпроқ билим олишга интилиши, компьютер билан мустақил ишлаш ва олган билимларидан ижодий фойдаланишини таъминлайди ҳамда олинган билимлар махсус ўқув-услубий нашрлар, тестлар билан текширилиб, тўлдирилиши мумкин.

Ахборот технологияларининг кенг миқёсда жорий этилиши билан масофавий ўқитишни бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишда ҳам жорий этиш мумкин. Таълим соҳасига бўлган фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришда қулайликлар яратиш билан республикамизнинг малакали мутахассисларга бўлган талаби ҳам қондирилади. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ва касбий фаолликларини оширишга эришиш мумкин. Хусусий тадбиркорлик билан машғул шахсларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини мустаҳкамлаб, уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Бу эса олий таълим тизимида йиғилган илмий ютуқлар, мутахассис ходимлар ва уларнинг иштирокида юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашдек устувор режаларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда.

Масофавий таълим бериш усули республикамиз сарҳадларини босиб ўтиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва жаҳон миқёсидаги йирик таълим марказлари билан мулоқотда бўлиб, таълим олишнинг янги замонавий яхлит таълим имкониятини яратишга хизмат қилади.

Масофавий ўқитиш географик жиҳатдан турлича жойлашган таълим муассасалари учун мўлжалланган эди. Лекин замонавий ахборотлар ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши таълим-тарбия жараёнини узоқ масофадан туриб амалга оширишга йўл очиб берди. Натижада масофавий ўқитиш услуги асосида ўқитиш тез вақт ичида Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитишда янги услубларни қўллашга яна бир туртки бўлди. Масофавий ўқитиш бўйича Халқаро Кенгашнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда жаҳон миқёсида 10 миллиондан ортиқ талабалар шу услуб асосида таълим олишмоқда. АҚШда шу услуб асосида ўқитиш мақсадида янги ўқув марказлари барпо этилмоқда ҳамда улар миллий кадрларни замон талаблари асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш афзалликларига эгадир.

Масофавий ўқитишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

1. *Ўқитишнинг ижодий муҳити.* Мавжуд кўпгина услублар асосида ўқитувчи (педагог) илм толибларини ўқитади, ўқувчи талабалар эса фақат берилган материални ўқийдилар. Таклиф қилинаётган масофавий ўқитиш асосида эса ўқувчи-талабаларнинг ўзлари компьютер ахборотлар банкидан керак бўлган маълумотларни қидириб топади ва ўзларининг тажрибалари ёрдамида бошқалар билан яхши мулоқотда бўлишини таъминлайди ҳамда ўз ўрнида меҳнат таълими олишини рағбатлантиради.

2. *Мустақил таълим олиш имкониятининг борлиги.* Масофавий ўқитиш асосида таълим бериш бошланғич, ўрта, олий ва малака ошириш босқичларини ўз ичига қамраб олади. Тайёргарлиги турли даражада бўлган инспекторлар ўзларининг шахсий дарс жадваллари асосида ишлашлари ва ўзининг даражасидаги талабалар билан мулоқотда бўлиши мумкин.

3. *Иш жойидаги катта ўзгаришлар.* Масофавий ўқитиш асосида таълим бериш тури миллионлаб инсонларга, ҳаммадан ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ёшлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш беради. Бундай услуб асосида ўқитиш кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

4. *Ўқитиш ва таълим олишнинг янги ва унумли воситаси.* Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, масофавий ўқитиш асосида таълим бериш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш каби унумлидир. Бундан ташқари, масофавий ўқитиш асосида таълим олиш олий ўқув юрти томонидан қўйилган чегарадан ҳам четга чиқиб кетади. Бундай асосда таълим олаётган ўқувчи-талабаларнинг бошқалардан устунлиги уларни энг яхши, сифатли материаллар ва ўқитувчи (педагог)лар билан таъминлашдир. Таълим бериш ва бошқариш услугиётига асосланган ҳолда ўқитувчи (педагог) аудиторияда ўқитиш шартларидан холи бўлиши керак.

***Масофавий ўқитишнинг ахборот-технологик асослари.***

Ахборот технологияси – объект, жараён ёки ҳодисаларнинг ҳолати ҳақидаги янги маълумотларни тарғиб этиш учун маълумотларни йиғиш усуллари ва

маълумотларни етказиб берувчи воситалар мажмуидан фойдаланиш жараёнидир. Ахборот технологиялари таълимий маҳсулот ва хизматларни ташкил этишда дастгоҳ ҳисобланади.

Таълимий маҳсулот – таълим жараёнига татбиқ қилиш учун ифодаланган маълумотлар мажмуидир.

Замонавий ахборот технологияси - шахсий компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланувчи ахборот технологиясидир.

Жамиятни ахборотлаштириш – фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ва уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни қаноатлантиришдаги мақбул шартларни бажариш, давлат ва ҳокимият, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш органларининг талаблари асосида ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнларидир.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш - бу жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Таълимни ахборотлаштириш қуйидаги қулайликлар ва афзалликлар билан боғлиқ ўзгаришларда қатнашади:

- жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳақидаги маълумотларни ва билимларни олишга йўл очиб беришда;

- шахс учун интеллектуал ва ижодий қулайликларини ривожлантиришда;

- жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида унинг фаоллиги эвазига малака ошириш хизматларини тезкор ўзгартиришда;

- масофавий ўқитиш ўзиб кетувчи (илғор) таълимни ташкил этиш ва унинг самарасини оширишни таъминлашда;

- таълим маҳсулотларини ва хизматларини яратиш ва ташкил этиш мақсадида турли ахборот технологияларини қўллашда;

- гуруҳлаш, турлаш, ҳисоблаш, маълумотларни агрегатлаш учун АКТ хизматларидан максимал даражада фойдаланишда;

- масофавий ўқитиш қатнашчиларининг ахборот талабларини қондириш учун бошқарув ахборот технологияларидан самарали фойдаланишда;

- масофавий ўқитиш қатнашчилари билан АКТ воситаларининг ўзаро ахборот алмашуви жараёнларида;

- фанлар бўйича экспертларнинг тўплаган билимлар маҳсулотларини масофавий ўқитишдан фойдаланувчилар томонидан олинишининг кенг имкониятини берувчи эксперт тизимли ахборот технологияларини ишга туширишда ва шу кабилар.

Бундай ташкилий-методик масалаларнинг асосий ечимларидан бири – бу янги таълим технологияларини киритиш, шу билан бирга, республиканинг узлуксиз таълим тизимида, айниқса, биринчи павбатда, олий таълимда масофавий ўқитиш услуги ўз ўрнини эгаллаши кераклигидир. Дунёда масофавий ўқитиш услубини қўллаш бўйича жуда катта тажриба орттирилган. Жумладан, тажрибали ўқитувчилар ва мутахассисларнинг ўқитилаётган кишига яқка тартибда ёрдам бериш, талабалар ўқишини турли услубда назорат қилиш, уларнинг билим савияси ва малакавий мукамаллигини баҳолаш мақсадида АКТ турли вариантларидан фойдаланиши туфайли талаба ва ўқувчиларнинг ўқиш сифати ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Масофавий ўқитиш услубининг сифатли қўлланилиши борасида қуйидаги йўлланмалар шаклланмоқда:

Ўқитилаётган борлиқни марказлаштириш. Республикамиз ва хорижлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг билим ва тажрибаларини қўллаш, замонавий ўқув қуролларидан фойдаланиш эътиборда тутилади. Бунда турли ўқув манбаларидан фойдаланиш, талабаларни ахборот билан таъминлаш, бу ахборот эса ўз навбатида, бутун дунё мутахассислари билимларидан, электрон кутубхоналардан олинган ахборотлардан фойдаланиш талаба ва ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари учун катта имкониятлар яратади.

Ўқитувчига талабни кучайтириш. Таълим жараёнининг стандарт ҳолда жамланиши, ўқитувчи(педагог)ларнинг билим даражасини ошириш мажбуриятини юклайди. Бу услублар уларнинг иш натижаси ва билим даражасининг кўтарилишига ёрдам беради.

Эркин ва стандартлатирилган таълим бериш жараёнининг таъминланиши, узлуксиз мониторинг имконияти, ўқув жараёнларининг тўғри назорат қилиниши ва бошқарилиши, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ўқув юртлари томонидан ўқитувчи ва талабаларнинг билим савиясининг текширилиши (таълим жараёнида талаба ва ўқитувчиларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, бунга талабанинг фаоллиги ва ўқитувчи ишининг унумлилиги, талабаларни аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ амаллар ҳам киради) масофавий таълимда ҳам йўлга қўйилиши шарт. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимларининг самарадорлигини оширишда ҳам бундай тадбирлар амал қилади.

Ўқитиш турининг эгилувчанлиги. Қулай вақтда шуғулланиш мумкинлиги, қулай жойда ва қулай тезликда ўқувчи-талабаларнинг билим қабул қилишининг турли шаклларини қўллаш мумкинлиги, улар томонидан моделлаштириш ва кўргазмали воситаларни жойида қўллаш, ахборот ва билимларни етказишда кўргазмали, амалий ва бошқа методлардан унумли фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги таълимнинг ушбу шакли эгилувчанлигини ифодалайди.

Ўқитувчининг роли ва унинг педагогик имкониятлари. Ўқитувчининг ўқувчи-талабага нисбатан шахсий ёндашувининг турли шаклларини қўллаш ва ҳар бир ўқувчи-талабанинг билим даражаси ва тайёргарлигини ҳар томонлама ўрганиш шароитининг мавжудлигида кўринади.

Ўқувчи-талабанинг билим ва тадқиқот мотивлари ҳамда стимуллари ривожлантириш. Ўқувчи-талабанинг ўқитувчи(педагог)га ва ўзаро мулоқотида ишончсизлик ҳиссиёти билан боғлиқ психологик тўсиқларни йўқотиш, талабанинг интеллектуал ва илмий имкониятларини ҳамда ўзини ўзи тарбиялаш ва такомиллаштириш шарт-шароитларини кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, билим олувчиларнинг ақлий ва жисмоний меҳнати уйғунлигини таъминлайди.

Иқтисодлилиги. Бу тизим ўқитишдаги кечикишларни камайтиришни таъминлайди. Ўқитиш хоналаридан фойдаланиш, йўл харажатлари ва таклиф қилишга малакали ўқитувчи(педагог)лар учун уларнинг асосий иш жойидан ҳақ тўлаш харажатларини камайтиради. Улар ўз билимларини масофадан ўқитиш шаклида узатишлари мумкин. Соғлиғи, ижтимоий ва моддий

таъминланганлигидан қатъий назар, билим олишнинг кенг имкониятлари яратилиб, ижтимоий тенглик юзага келади.

Ўқитиш доирасида мусобақа муҳитини расмийлаштириш. Масофадан ўқитиш технологияси бу – жамиятни ахборотлаштириш умумий оқими ва йўллари билан жипслашган бўлиб, масофавий ўқитишнинг техник воситаларини ахборотлаштириш тизимлари ва олий ўқув юртларидаги ўқитиш жараёнини автоматлаштириш тизимлари билан замонавий ахборотлаштириш технологияси асосида бирлашувини таъминлайди.

Масофавий ўқитиш усулидан фойдаланишнинг камчилиги – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита мулоқот ва психологик бирликнинг чегараланганлигидир.

Умуман олганда, масофавий ўқитиш тизими ўқувчи-талабаларда таълим тизимидаги бўлаётган дунёвий ўзгаришлар, техник воситалардан фойдаланиш йўллари, унинг қанчалик афзаллик томонлари ва шу билан биргаликда қандай камчиликлари камчиликлари мавжудлиги ҳақида маълумот беради.

## **IX боб. Педагогик технологияни қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишлар**

### **9.1. Айрим педагогик ва психологик тажрибалар**

Узлуксиз таълим тизимида давлат буюртмаси ва ижтимоий талабга мувофиқ ҳар бир таълим муассасаси ва унда хизмат қилувчи педагог-кадрлар зиммасига таълим–тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли, эл-юртга садоқатли миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат, жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлини ҳис эта оладиган, рақобатбардош баркамол шахсни тарбиялаш ва камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш юклатилган. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологиялардан фойдаланиш билан узвий равишда боғлиқ.

Таълим-тарбия жараёнларига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, энг аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб қилади. Бундай муносабатларни ташкил этмасдан туриб қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялаш асосидаги педагогик технология авторитар технологияга қарама-қарши бўлиб, унда ҳамкорлик, ғамхўрлик, билим олувчи шахсини хурмат қилиш кабилардан иборат ўқув фаолияти ташкил этилади.

Педагогнинг ўқувчи ёки талабанинг шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриш, шахсга бўлган юксак ишонч, ўзаро ҳамкорлик, мукамал мулоқот маданияти, ихтиёрийлик ва эркинлик, рағбатлантириш ва камчиликларга чидамлилик ҳисобига амалга ошади. Кўзланган мақсадга эришиш учун ўқув жараёнидаги барча иштирокчиларнинг фаоллиги ва тенг ҳуқуқлилиги талаб этилади.

Таълим-тарбия жараёнини демократизациялаш – билим берувчи ва билим олувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчиларда танлаш ва ўз фикри ҳамда нуқтаи назарини эркин баён этиш шароитининг яратилишига олиб келади. Бу Ўзбекистон Республикасининг асосий Қонуни –Конституцияси билан қафолатланган меъёрларга ҳам мувофиқ келади.

Янги муносабатларнинг ўзида хос жиҳати, анъанавий таълимдагидан фарқ қилиб, ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ижодий ўқув фаолиятини таъқиқламасдан уларни белгиланган мақсадга йўналтириш, ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш, қизиқтириш, эҳтиёжларни ҳисобга олиш ва эркин ҳамда фаол меҳнатга ундаш туфайли амалга оширилиши билан характерлидир.

Таълим-тарбия жараёнида вужудга келган янги педагогик муносабатлар мазкур жараёнда замонавий педагогик технологияларни қўллашни тақозо этади. Бунинг учун педагогик технологияларни жорий этишнинг ўзига хос воситалари зарур бўлади. Улар хилма-хилдир. Вербал (нутқ сўзлаш, маъруза,



сухбатлашиш, савол-жавоблар, баҳс-мунозара, музокара, ахборот ва маълумот бериш, кенгашиш, маслаҳатлашиш, насиҳат ёки танбеҳ бериш кабилар), новербал (имо-ишора, қўл ва гавда ҳаракатлари ёрдамида маълум маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлаш), визуал (кўргазмалилик элементлари-плакатлар, жадваллар, суратлар, диаграммалар, схемалар, ёзув ва тасвирлар, фотосуратлар, тарқатма материаллар, видео лавҳалар, жонли ва жонсиз объектлар, турли буюмлар ва бошқалар), аудио (магнит ёзувлари, лингофон ва радио воситалар, мусиқа ва нутқий асарлар кабилар), табиий (одам, ҳайвон, ўсимлик, машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, иншоатлар кабилар), ўқув анжомлари (китоб, атлас, харита, реактивлар ва бошқалар) каби воситалар фарқ қилинади ва улар яқка ёки омихта тарзда кенг миқёсда қўлланилади.

Таълим жараёнида янги технологияларни киритиш механизмини таниқли педагоглар-Ж.Ғ.Йўлдошев ва С.А.Усмонов қуйидагича баён қилишган:

1. Педагогик жамоани янги педагогик технология асослари билан таништириш-маъруза. Адабиётлар тавсия этиш.
2. Янги технология асосида ишлашни хоҳловчи педагоглар жамоасини аниқлаш. Улар орқали ўқитувчиларга педагогик технологияни қўллашдан кўзда тутилган мақсадни, унинг моҳиятини етказиш.
3. Янги педагогик технология асосида ишламоқчи бўлган ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлаш юзасидан қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш:
  - семинар;
  - тренинг;
  - индивидуал маслаҳат бериш;
  - кўргазмали дарслар ташкил этиш.
4. Янги технология асосида ишловчиларнинг ишини назорат қилиш, кузатув ва таҳлиллар ўтказиш, методик ёрдамлар кўрсатиш. Уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш.
5. Янги педагогик технология асосида ишловчи ўқитувчиларнинг методика кенгашида, педагогика кенгашларида чиқишларини ташкил этиш.
6. Янги педагогик технология бўйича ишлаш учун зарур дидактик материаллар, воситалар хонасини ташкил қилиш.
7. Янги технология бўйича ишлашнинг афзалликларини, ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа томонидан қўллаб қувватланишини ошқор этиб бориш.
8. Илғор, инноватор педагоглардан инноватор педагогик жамоани шакллантириш.
9. Янгиланишнинг узлуксизлиги, давомийлигини таъминлаш.

Ҳар бир таълим муассасаси ўз педагогик жамоасининг умумпедагогик тайёрлиги, истак ва хоҳишларига мувофиқ педагогик технологияни жорий этиш стратегияси ва тактикасини ўзига мослаб режалаштириши мумкин.

Педагогик технологияларни жорий этиш учун ўқитувчилар билан қуйидаги ташкилий тадбирлар ўтказилади:

- яқка тартибда (индивидуал) ишлаш (таълим муассасасида, кутубхонада, уйда, маърифий тадбирларда);
- жуфт бўлиб ишлаш (ўқув юртида);

-кичик гуруҳларда ишлаш (таълим-тарбия муассасаларида, худудий ташкилотларда);

-катта гуруҳларда ишлаш (минтақавий кўламда).

Тажриба алмашиш, илғор педагогик фаолиятни оммалаштириш, анжуманларда қатнашиш, интерфаол машғулотлар ташкил этиш ва шулар каби кўргина тадбирлар ҳам амалда тез-тез қўлланилади.

Буларда қуйидаги тартиб-қоида ва йўриқларга риоя қилиниши лозим:

-вақт режимига бўйсунуш;

-вақтдан унумли фойдаланиш;

-ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш;

-бошқаларнинг тажрибаси ва мулоҳазаларига ҳурмат билдириш, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик;

-кенг феъллилиқ ва танқид қилмаслик, танбеҳ бермаслик;

-мулоҳазалилик;

-фикрни лўнда баён этиш ва бошқаларнинг фикрига диққат билдириш;

-эркин мунозара вазиятига бўйсунуш;

-ўзаро муносабатда самимийлик ҳамда холислиқ ва бошқалар.

Педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишда айрим педагогик ва психологик тажрибаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзлаштириш-шахснинг индивидуал хусусиятига боғлиқ бўлганлиги учун ўқув жараёнини табақалаштирилган ёндашув асосида ташкил этиш, диққатни тўплаш, хотирани машқ қилдириш, характерни тарбиялаш, ахборот олишнинг яқка тартибли усулини кенг қўллаш зарур.

Шахснинг индивидуал ва психологик диагностикаси маълумотларини амалиётда ҳисобга олиш ва ўқув фаолиятини такомиллаштиришнинг интенсив усулларида кенг фойдаланиш, билим олувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини текшириш ва назорат қилиш ҳамда баҳолашда рейтинг тизимига бўйсунуш ижобий натижа беради. Таълим бериш ва тарбиялаш жараёнида шахснинг биологик, физиологик, генетик, социал (ижтимоий) жиҳатларини ўрганиб педагогик тадбирларни ташкил этиш ва ўқитиш механизмини ишга тушириш, аввало, самара, сўнгра сифат кўрсаткичларини яхшилайти.

Машғулотлар турларининг анъанавий кўринишлари билан бир қаторда ноанъанавий ташкилий тадбирларни кенг йўлга қўйиш таълим олувчиларнинг сезиларли даражадаги ривожланишига олиб боради. Бундай ўзгаришлар миқдор ва сифат кесимларида, вақт бирлиги давомида салмоқли натижа беради. Машқ қилиш туфайли кўриш ва эшитиш сезгилари эвазига бўладиган ўзлаштириш натижаларини ошириш педагогик тажрибада исботланган.

Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли-дарс ва унинг узвий ҳамда мазмуний давоми бўлган дарсдан ташқари ишлар хилма-хил вариантларда амалга оширилганда таълимнинг сифат ва самарадорлиги пропорционал равишда кўтарилади. Бунда мотивациянинг аҳамияти катта. Мотивация-шахсни ўқишга, кўникма ва малака эгаллашга ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнатга йўналтирувчи (ундовчи) турли сабабларнинг йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги ислохотларнинг натижаси ўлароқ, педагогик-психологик ташҳис хизматининг кенг кўламда йўлга қўйилиши содир бўлди. Салбий ва ижобий мотивлар, камчилик ва

ютуқлар, мактов ва эътироз, танбеҳ ва рағбат нисбатларининг шахс ўлчамида номувофиқ баҳоланиши яхши натижаларга олиб келмайди. Шунинг учун,

-инсон фарзанди асосий тарбияни оилада олишини;

-дастлабки таълим ва тарбия элементлари боланинг мурғаклигида шаклланишини;

-мактабгача таълим турида берилажак маълумотлар ва тарбиявий фикрлар фақат оиланинг шу борадаги фондига ёрдамчи эканлигини;

-индивидуал ёки табақалаштирилган таълим оммавий ёндашувга нисбатан самаралироқ эканлигини;

-ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги энг яқин ва самимий таъсир функцияси келгуси ютуқларнинг гарови бўлишини;

-таълим ва тарбиядаги муваффақиятларнинг ички (шахсий) ва ташқи (атроф-муҳит) омилларга боғлиқлигини;

-болалик, ўсмирлик, ўрта ва катта ёшлик ҳамда кексалик даврларидаги ақлий фаолият бир-биридан жиддий фарқ қилишини;

-балоғат фазасида инсон организмнинг физиологик нуқтаи назардан кескин ўзгаришларга учраши ва бунинг оқибатида таълим ва тарбия омилларига бўлган муносабатнинг ижобий ёки салбий тарафларга ўзгариши мумкинлигини;

-таълимдаги муваффақиятлар шахснинг ўз муаммолари, ақлий ва жисмоний саломатлиги, оилавий аҳволи, жамоатчилик омиллари, моддий таъминоти, қизиқиши ва ўқишга тайёргарлиги, қобилияти, ҳаётда орттирган белгилари, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, мотив ва ҳиссий туйғулари каби кўпгина ҳолатларга боғлиқлигини педагогик фаолиятда диққат марказида тутган ҳолда ишлаш, ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Педагогик амалиётда педагогик жараённинг моддий, объектив жиҳати доимо руҳий жараёнлар билан қўшилган ҳолда мавжуд бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Бу ҳар қандай фаолиятга тегишли, лекин, айниқса, таълим оловчилар, тарбияланувчилар ва тарбиячилар фаолиятига кўпроқ тегишли.

Педагогик жараёни психологик механизмларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Одамнинг шахс сифатидаги энг асосий белгиси-унинг ижтимоийлигидир. Онг ва психик жараёнлар инсоннинг олами ва ўз-ўзини англашига хизмат қилади. Бунда биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари уйғунликда фаолият юритади. Мулоқот ва фикрни оғзаки ёки ёзма ифодалаш ва масофага узатиш инсон индивидуининг энг катта ютуғидир. Индивид ижтимоий мавжудот даражасига кўтарилганда шахсий сифатлар мукаммаллашади.

Шахснинг энг характерли жиҳати – унинг индивидуаллигидир. Индивидуаллик шахс психологик хусусиятларининг қайтарилмайдиган (бетакрор) бирикмаси билан ифодаланади. Шахсга таъсир қилаётган барча омиллар унинг умри давомида моддий ва маънавий дунёни ҳамда ўзлигини англашига, уларга жавоб реакциясини намоён қилишига ва ахборотларни ўзлаштиришига хизмат қилади.

Шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчанлик хусусиятлари шахс хислатларининг бир бутунлигини ва ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлган

мураккаб бирликни, яъни унинг динамик структураси(тузилмаси)ни ҳосил қилади.

Шахснинг ҳаракатлантирувчи кучларини ва унинг психологик тузилишини ҳамда фаоллик манбаларини 3 асосий омил билан боғлаб ўрганилади:

1. Ташқи табиий ва ижтимоий муҳит.
2. Шахсга умри давомида тизимли тарзда ва узлуксиз маромда бериладиган таълим-тарбия.
3. Одамга туғма равишда бериладиган наслий хусусиятлар.

Психологлар таълим-тарбия жараёнларининг объектлари ва субъектлари ҳисобланадиган шахс харитасининг бир қатор элементларини эътироф этадилар.

Психологлар қобилиятнинг намоён бўлишида психомотор, мусиқий, вокал, артистлик, бадиий, техник, математик, адабий, илмий, педагогик, ташкилотчилик, ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларни, характернинг умумий хислатлари сифатида эса инсонпарварлик, ватанпарварлик қатъийлик, софлик, ғайратлилик, фаоллик, уюшқоқлик, жамоатчилик, оптимизм, кўнгилчанлик каби индивидуал хусусиятларни қайд этишган.

Психик жараёнлар билан боғлиқ индивидуал хусусиятлар таълим жараёнида ва тарбияланишнинг турли босқичларида катта аҳамият касб этади. Булар – эмоционал мувозанатлилик, диққат-эътиборлилик, хотиравий мустаҳкамлик кучли эмоциялар, танқидий тафаккур, фаросатлилик, ижодий хаёл, иродалилик, мақсадга интилувчанлик, матонатлилик, қатъиятлилик, интизомлилик каби сифатлар билан боғлиқ ижобий ёки салбий жиҳатлардир.

Инсондаги билимларнинг ҳосил бўлишида ундаги 5 та сезги аъзолари воситасида қабул қилинган ва ишлаб чиқилган ахборотлар нисбати қуйидагича:

- Кўриш аъзоси орқали-80-85 %
- Эшитиш аъзоси орқали-9-13 %
- Ҳид билиш аъзоси орқали-2,5-3,5 %
- Тери сезгиси орқали-1,5-3 %
- Таъм билиш аъзоси орқали- 1-2 %
- Жами – 100 % гача.

Турли сезги органлари иштирокида ўзлаштирилган ва қайта ишланган ахборотнинг орадан 2 ҳафта ўтгач, қуйидаги миқдорлари эслаб қолинади:

- Ўқилганлар -10 %
- Эшитилганлар – 20 %
- Кўрилганлар – 30 %
- Кўрилган ва эшитилганлар – 50 %
- Гапирилганлар – 80 %
- Гапирилган ва амалда бажарилганлар – 90 %.

Эслаб қолиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ унутиш, хотирага жойлаш, қисмларга ажратиб ёдлаш, механик ёки англаб ёдлаш, хотира машқи суггестопедия (бир шахснинг бошқасига психик таъсир кўрсатиши), суггестия (лотинча-ишонтириш), гипнопедия (уйқуда ўқитиш) каби кўпгина таълим берувчи ва тарбияловчи операциялар ҳам педагогик тизимга тез кириб келмоқда.

Замонавий таълим технологиялари белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмга эга бўлган таълим мазмунини давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар асосида етказишга хизмат қилади. Ҳар қандай технология таълим мақсадига мос сабаб билан яратилади.

Педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ кўпгина ташкилий-услубий муаммолар ҳам борки, бугунги кунда уларни, албатта, эътиборга олиш лозим бўлади. Булар-ўқитувчининг касбий салоҳияти ва методик маҳорати, пойиндор билими, ўқув-методик таъминланганлиги, малакасини ошириши ва жаҳон педагогик тажрибасидан хабардорлиги, фуқаролик масъулияти, ахборот оламининг бениҳоя кенгайиб бораётганлиги, таълим муассасаларининг моддий ва маърифий имкониятлари, билим ва касб-хунар эгалловчилар контингентнинг дунёқараш кўрсаткичлари билан боғлиқ масалалардир. Энг муҳими, замонавий педагогик технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш шиори остидава инновацион технологияларни жорий этиш баҳонасида тарих ва ижтимоий ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб ва яшаб келаётган анъанавий ўқитиш методикаси, метод ва усулларидадан воз кечиб юбормасликдир.

Бироқ ўқитиш жараёни динамик ва барҳаёт жабҳа бўлганлиги туфайли ҳам унга янгилик кириши ва янгилашиш амалиётининг давом этиши табиийдир. Шунинг учун ҳам, синалган ва самара берадиган педагогик технологияларни қўллаш зарурий ҳолдир.

## **9.2. Педагогик технологиянинг тажриба-синовлари**

Педагогик фаолиятда қўлланиладиган ҳарқандай технологиянинг ишончлилиги, самарадорлиги ва унинг чин заруратини аниқлашда тажриба-синов ишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган ташкилий ва услубий тадбирлар орасида тажриба-синовларни ташкил қилиш ва ўтказиш муҳим босқич ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу тажриба-синовлар хусусида қисқача (мухтасар) маълумот берилиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тажриба-синовлар ўтказишнинг асл моҳияти амалдаги педагогик жараёнларни такомиллаштиришга олиб борадиган тадқиқотлар ва уларнинг фаразларига мувофиқ равишда, аниқ мақсад сари йўналтирилган янги йўналиш, мазмун, усул, восита ва янги таълим-тарбиявий муҳит яратишдан иборатдир.

Масалани аниқ тасаввур қилиш учун асосий тушунчаларнинг таърифларини аниқлаб олишимиз лозим.

Тажриба-синов –бу шундай тафаккур методи бўлиб, унинг ёрдамида табиий ёки сунъий тарзда яратиладиган, назорат қилинадиган, бошқариладиган жараёнлар тадқиқ қилинади, муаммоларни ҳал қилишнинг янги воситалари изланади ва амалда синаб кўрилади.

Педагогик тажриба-синов-бу илмий-педагогик тафаккур методи бўлиб, педагогик омиллар, шарт-шароитлар, жараёнлар ва услубий ёндашувлар орасидаги сабаб-оқибатли алоқадорликни аниқ режалар асосида ойдинлаштириш имкониятини берадиган тадбирлардир.

Назарий метод-педагогик технологияни моделлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, умумлаштириш, табақалаштириш, унинг тизимларини интеграциялаштириш ва улар ўртасидаги энг муҳим қонуний боғланишларни аниқлашдир.

Эмпирик метод-тажриба-синов тадбирларига оид маълум бўлган илмий-назарий, ўқув-услубий, илмий-оммабоп, қўшимча адабиётларни ўрганиш ва мавжуд ғоялар, фаразлар ҳамда тажрибаларни таҳлил қилиш эвазига тажриба-синовга дахлдор моделлар ва бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини яратиш, синаб кўриш ва амалиётга татбиқ қилиш методидир.

Тажриба-синов ишлари натижаларининг ишончилиги ва кафолатланганлиги муҳим кўрсаткичдир. Тажриба-синовларни амалга ошириш натижасида ҳар хил кутилмаган хулоса ва натижалар олиниши мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Бунинг сабаби шундаки, тажриба-синовлар якуни ҳамма вақт ҳам кафолатли натижаларни беравермайди. Тажриба-синовларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни ўтказувчининг ўқув ва малакаси, методик маҳорати, билим ва тажрибаси, респондентлар(тажриба-синов иштирокчилари)нинг сони ва уларнинг бу тадбирларга муносабатларига боғлиқ.

Тажриба-синовларга киришишдан олдин шу соҳага доир энг мақсадга мувофиқ иш методини белгилаб олиш муҳимдир. Бу методлар, асосан, юқорида айтилган назарий ҳамда эмпирик тажрибаларга асосланган икки асосий гуруҳга бўлинади.

Тажриба-синовга мавзу қилиб олинган муаммога боғлиқ барча меъёрий ва методик ҳужжатлар, тавсиялар, йўналишномаларни ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади.

Таълим-тарбия муассасалари фаолиятига доир турли ҳужжатларни таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар олиб бориш, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, анкета ва тест саволларига жавоблар олиш, турли илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам педагогик тажриба-синовларга ёрдам беради.

Бундай ишларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида педагогик технология асосларига доир ўқув қўлланмасини давлат тилида биринчилардан бўлиб яратган муаллифлар-Ж.Ғ.Йўлдошев ва С.А.Усмонов энг асосий таснифларни таклиф этганлар.

Тажриба-синов ишларини ташкил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Педагогик технологиянинг тажриба-синов дастурини тайёрлаш.
2. Дастурни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш:
  - тажриба-синов ишларининг моддий базасини яратиш;
  - бошқарув вазифаларини тақсимлаш;
  - кадрларни бу жараёнга махсус тайёрлашни ташкил қилиш.
3. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш.
4. Тажриба-синовда иштирок этган педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.
5. Илмий раҳбар ёки консультант излаш, танлаб олиш ва уларни тажриба-синов ишларига жалб этиш.

Тажриба-синов дастурини тайёрлашда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Таклиф қилинаётган педагогик технологиянинг долзарблигини асослаш. Унинг асосий мазмунини баёни.
  2. Тажриба-синов объектини аниқлаш:
    - педагогик жамоа;
    - ўқувчилар;
    - тарбиявий иш тизимлари ва бошқалар.
  3. Тажриба-синов предмети.
  4. Тажриба-синов мақсадини талқин этиш:
    - янги методика;
    - янгича табақалаштириш;
    - янги дастур ёки ўқув режаси;
    - маълум технологиянинг янгича варианты;
    - янги методик ишланма ва ҳоказо.
  5. Тажриба-синов вазифаларини умумий ҳамда хусусий мақсадлар бўйича аниқ белгилаш.
  6. Тажриба-синовнинг аниқ методикалари ва методларини танлаб олиш.
  7. Тажриба-синов муддатини белгилаш.
  8. Тажриба-синов босқичларини белгилаш.
  9. Талаб қилинадиган вақт миқдорини белгилаш.
  10. Тажриба-синовнинг аниқ базасини аниқлаш.
  11. Тажриба-синовдан кутилган натижаларни баҳолаш мезонларини танлаб олиш.
  12. Кутилаётган натижаларни белгилаш.
  13. Тажриба-синов дастурини экспертиза қилиш тартибини белгилаш.
  14. Тажриба-синов жараёни натижаларини кузатиб бориш, назорат қилиш қоидаларини белгилаш.
  15. Тажриба-синов натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилаш ва бошқалар.
- Педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш учун унинг узлуксиз кузатилиши-мониторингини ташкил этиш лозим.

## **Х боб. Педагогик технология ва педагогик маҳорат уйғунлашувининг истиқболлари**

### **10.1. Олий таълимда замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ягона ва узлуксиз таълим тизимини ташкил этувчи 7 та таълим тури-мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими, мактабдан ташқари таълим кабилар орасида олий таълим тури малакали мутахассислар ва халқ хўжалиги ҳамда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида хизмат қилувчи кадрлар тайёрлашнинг самарали «ўчоғи» сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу таълим турига алоҳида ва жиддий эътибор берилиши ҳаётий заруратимиз даражасига кўтарилган. Олий таълимнинг мазмуни ва унинг ҳажмини стандартлаштириш масаласи 2001йилнинг 16 августида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан расмий вазифа тарзида тасдиқланди. Шундан кейинги ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида ушбу таълим тури билан шуғулланувчи муассасалар ва уларнинг мутасаддилари томонидан кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Фанлар бўйича давлат таълим стандартларини яратиш, ўқув режа ва намунавий ўқув дастурларини барпо этиш, дарслик ва бошқа ўқув адабиётларининг янги авлодини наشرга тайёрлаш ва уларни ўқув амалиётига киритиш каби ишлар шу жумладандир. Таълим мазмунини чуқурлаштириш, таълимнинг амалий тамойилларини такомиллаштириш, таълим жараёнларини интенсивлаштириш, таълим технологияларини мукамаллаштириш, таълим ва тарбиянинг бирлигини кучайтириш, хусусан, ушбу таълим турининг мазмунига нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, атроф-муҳитга нисбатан ижобий муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бундай улкан вазифаларнинг мақсадга мувофиқ тарзда бажарилиши кўпгина омилларга боғлиқдир. Уларни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий, амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий, ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, «Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш-мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларини ҳисобга олиш ва ҳал



этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди».

Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳозирга қадар амалга оширилаётган ўзгаришлар фақат мавжуд таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эди. У шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжлари билан касбий тайёргарликнинг амалдаги тизими ўртасидаги тафовутларни бартараф этишни таъминламас эди. Халқаро тажрибани, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳволи ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида унинг принцип жиҳатидан янги модели ишлаб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими янги моделининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти унга асосий таркибий қисмлар сифатида қуйидаги компонентлар киритилганлигидадир:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълимга оид хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг яратувчиси;
- узлуксиз таълим – кадрлар тайёрлашнинг пойдевори асоси;
- фан – юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва уларнинг истеъмолчиси;
- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболлини белгилашни, уларнинг тайёргарлик даражаси сифатини баҳолашни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимини қисман молиявий ва моддий-техникавий таъминлашни амалга оширувчи асосий буюртмачи;
- давлат ва жамият – кадрларнинг тайёргарлиги сифатини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширувчи, кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг бош кафиллари.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» умумий маданиятни шакллантириш, жамиятдаги ҳаётга мослаштириш, касб-корга ва таълимга оид дастурларни онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, оила ва жамият, давлат олдидаги ўз масъулиятини англовчи баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни республикамиз аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология, компьютер техникаси ва ахборот технологиялари устувор бўлган ва халқ хўжалигининг ривожланган тармоқларига, таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими биринчи навбатда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экология, маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага, ҳар томонлама чухур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрлар тайёрланиши билан боғлиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаб ўтганидек: «Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмаштирилмаса,

албатта, бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади».

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлиги.
2. Таълим корхоналари ва профессионал таълим дастурлари турларининг хилма-хиллиги, уларнинг фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланиш.
3. Профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш.
4. Таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш.
5. Профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб эттириш.
6. Ўқув жараёнини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш.
7. Кадрлар тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини қўллаш.
8. Шахснинг ривожланиши, ўлчови, сифат ва хулқини, қобилият интеллектини баҳолаш ва касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажариш.
9. Ўқитувчиларни юқори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Бу ҳолатларнинг барчаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топган. Бугунги куннинг мутахассиси ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидоий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши ҳамда компьютер техникасидан фойдалана олиши шарт.

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи замонавий педагогик технологиялар, таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик усулларни қўллай билиши лозим. У замонавий педагогик технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирганидан сўнг, уни таълим тизимига жорий эта олиши керак.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни, жамиятнинг тез ўзгариб бораётган турмуш шароити, таълим тизимига таъсирчанлик ва тезкорлик хоссаларининг берилишини, яъни ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт талабларига жавоб бериш, шахс қобилияти ва истеъдодини ҳисобга олиш имконият ва шарт-шароитларини яратишни тақозо этади.

Ўқув-тарбия дастурларининг таъсирчанлиги ва тезкорлигини таъминлаш таълим жараёнини дифференциациялаш муаммоси билан узвий боғлиқ.

Ҳозирги шароитда, сўзда эмас, ишда узлуксиз таълим тизимига таълимни дифференциялаш принцип ва механизмларини жорий этиш керак.

Таълимни дифференциациялаш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан биридир. У ўқувчи-талабаларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишлари, касб танлашидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Ўқув-тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг ўзаро самарали таъсирини таъминловчи механизмлар ва шарт-шароитларни юзага келтириш зарур. Умуман олганда, ушбу тизимнинг барча таркибий қисмлари – оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат бирлашмалари, жамғармалар мавжуд. Бироқ, биринчидан, уларнинг ўз ичидаги самарадорлик фаолиятини кўтариш, иккинчидан, самарали таъсирчанлик, яъни узвийлиги, бир-бирига чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқиб уларнинг фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Таълим муассасаларининг фаолиятини ижтимоий институтлар сифатида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда, мактаб, лицей, коллеж, институтларни нафақат илм-фан маскани, балки ҳақиқий маданий-маърифий марказларга айлантириш керак. Улар маҳалла, оила, жамоат бирлашмалари билан яқиндан алоқада бўлишлари шарт. Ушбу масканларда ижод қилиш руҳи, ижтимоий фаоллик, шахсий иштирок, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, бир тарафдан, мустақил фикр юритувчи шахсни тарбиялашга, иккинчи тарафдан, янги ижтимоий муҳит, тафаккурнинг шаклланишига олиб келади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

Талабаларда дарслик, илмий-оммабоп ва кўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулли таълим технологияларидан фойдаланилади. Модулли таълим технологияларининг ўзига хос жиҳати ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадиган модулли дастур тузилади. Талабалар модул дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб, машғулотлардан кўзланган мақсадга эришадилар.

Модул дастурлари ўрганилаётган мавзу юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириқлар, топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқилган дастурлар мазмун ва моҳиятига кўра, талабаларнинг индивидуал, иккита талаба биргаликда ва кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурларига ажратилади. Модул дастурларнинг дидактик мақсадидан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнидан ўз ўрнида фойдаланиш юқори самара беради.

Ўқув-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларидан фойдаланиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, таълим олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутди. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишда муваффақияти гуруҳ

муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, берилган топшириқларни сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришга замин тайёрлайди.

Олий ўқув юртларида олиб бориладиган машғулотларда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг гуруҳларда ўқитиш, зигзаг ёки арра, кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методларидан фойдаланиш учун педагог ҳар бир методнинг дидактик мақсадини англаган ҳолда ўқув топшириқларини тузади ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилайди.

Ҳозирги кунда жуда кўп методист ва педагог олимлар «Замонавий педагогик технологиялар» талаба-ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла кафолатлайди, деб қаралмоқда. Тўғри, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологиянинг ўзи қўйилган мақсадга тўла эришишни кафолатлайди. Аммо бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги таклиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди, аксинча уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган педагог кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади. Демак, замонавий педагогик технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимида жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш педагогнинг тайёргарлик даражасини биринчи ўринда ҳал қилиш бугунги кун «Педагогика» фанининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Олий таълимда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор педагогик тажрибаларни татбиқ этиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш; дарслик, ўқув қўлланма, дастур, маъруза матнларини тайёрлаш, илмий-методик ишларда, ўқув-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалари билан таъминлаш ҳамда коммуникацион тармоқларга боғлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог қуйидаги замонавий педагогик технологияларни, яъни:

- замонавий педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;
- педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи;
- таълим жараёнига технологик ёндашиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- педагогик технологияларнинг дидактик қонуниятларини;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор ўқитиш технологияларини;
- дидактик жараёни маълум вақт чегарасида лойиҳаланиши;
- ўқитишнинг фаол методларини билиш ва қўллаш олиш;
- уй вазифаларини мақсадли, ташхисли ва аниқ ўқув элемент тури тарзида бериш, технология лойиҳаларининг мантиқий тузилмаси, коррекцияси;
- ўқув мақсадлари тавсияномасини ишлаб чиқиш;
- тест топшириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш шарт;

- интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;
- ўқув жараёнига электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- рейтинг назорати ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолашни билиши керак.

Бугунги кунда республикамизда олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилди: икки босқичли таълим – бакалаврият ва магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил таълим олишини яқка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ.

Таълим-тарбиявий жараёни ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш, унинг иштирокчилари – ўқитувчи ва талаба-магистр фаолиятини «субъект-субъект» имкониятлари асосида ташкил этиш зарурати бугун барча олий ўқув юртларида педагогика ва психология фанларини ўқув режасига киритиш лозимлигини исботлади. Эндиги вазифа эса, бу фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш, педагогик фаолиятнинг сиру синоатларини тадқиқ қилиш асосида амалий хулосаларни қўлга киритишдир.

Республикада шахс манфаати ва таълим устуворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари, ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Эндиликда педагогика ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими ва уларнинг мантикий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, таълим амалиётига қўллаш масалаларига доир муаммоларни қайтадан янгича талқинда қўймоқда. Демак, педагогикада тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, жамият эҳтиёжи – ўқув-тарбия тизимини янада ривожлантириш билан, бошқа томондан эса, педагогик билимларнинг янгиланиш ва ривожланиш даражаси билан белгиланар экан.

## **10.2. Илмий-техник тараққиёт ва таълим жараёнини технологиялаштириш вазифалари**

Бугунги кунда эркин шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни замонавий педагогик технологияга ўтказишни тақозо этади. Бу жараён осон кечмайди, чунки ихтиёрий қурилаётган ва жорий этилаётган ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. В.П.Беспальконинг таърифига кўра «педагогик тизим маълум шахс сифатларини шакллантиришга тартибли, аниқ мақсадни кўзлаб ва олдиндан ўйлаб педагогик таъсир этишни вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси».

Ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Чунончи, Миллий дастур

таълим-тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб, миллий истиқлол мафкурасининг моҳият-мазмунига тўлиқ мос келади. Фақат давлат буюртмасигина таълим-тарбиянинг умумий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Педагогик технология шундай билимлар соҳасики, уларнинг воситасида янги минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, ўқитувчи (педагог) фаолияти янгиланади, ўқувчи-талабаларда хур фикрлилик, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Бугунги кунга келиб, ўқитувчи (педагог)лар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан ҳам бу тушунчаларга аниқлик киритиш керак бўлади. Методика (услужият) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Замоनावий педагогик технология эса олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлида ўқитувчи (педагог)нинг касбий фаолиятини янгилловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси йиғиндиси.

Замоनावий педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан ривожланган мамлакатларда ушбу мавзунинг у ёки бу даражада ечилаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

Ҳозирда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада, чунки назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Демак, замоनावий педагогик технологияга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим, деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Эндиликда таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади, унга мос ҳолда мазмун ҳам, педагогик жараён ҳам янгиланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, электрон, ахборот) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, бугунги кунда «Ўрганиш»нинг бирламчи жараёнларини анъанавий методика ва ўқитиш воситалари қолипига сиғмай ўқитувчи (педагог)нинг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг таркибий компонентларига айланиб бораётган ва уна ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар замоनावий педагогик технологияни реал воқеликка айлантirmoқда.

Ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихига назар соладиган бўлсак, бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб объектив воқеликка айланди. Ахборотлаштириш эса бу жараёндаги инқилобий «бурилиш»дир, яъни, таълим ахборот технологияси – бу «ўқувчи-талаба-компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Олий ўқув юртларида талабаларнинг илмий-техникавий ва ижодкорлик қобилиятларини ўстириш – ҳар қандай тур, босқич ёки даражадаги таълимнинг асосий вазифаларидан биридир. Зотан, бугунги кун ёшлари техника ва технология, иқтисодиёт асослари борасидаги билимлардан хабардор бўлсаю, улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмаса, у кўзланган мақсадга эриша омайди. Ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш йўллари ва воситаларини билишгина ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника, меҳнат қуроллари ва янги технологиялар яратиш имконини беради.

Кенг кўламли ва мустақам билим, кўникма, малака, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, муаммоларни мустақил ҳал этишда аниқ мақсадга интилиш ва шахсий фаолиятга нисбатан талабчанлик талаба ёшлар ижодкорлик қобилиятларини шаклланишининг заминидир.

Талабалар ижодкорлик қобилиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бу – фаолиятдир. Демак, педагогнинг асосий вазифаси ушбу фаолиятни ташкил этиш шакл, метод, усул, восита ва йўналишларини белгилаб берувчи зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Ахборот таъминотининг ҳаддан зиёдлиги ҳам вазифани ижобий ҳал этмайди. Шу сабабали ахборот таъминотини педагогик жиҳатдан бошқариш, уларнинг илғор техника ва технология ютуқлари билан бойитилганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-техник тараққиёт ва ижодкорликка эришиш жараёнини педагогик жиҳатдан бошқаришнинг предмети инсон омили бўлиб, у ўзига хос таълим-тарбия ишлари ва уни бошқариш, ижодий масалаларни ечиш методикаси ва алгоритминини ўрганишни кўзда тутди. Талабалар илмий-техник ижодкорлик фаолиятини ташкил этиш, тайёрлаш жараёнига нисбатан педагогик ёндашув тизими шахс ижодкорлиги ва яратувчанлигини бошқаришнинг бош масалаларидан бири ҳисобланади ва у ўз ичига зарурий ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, уни қайта ишлаш, мақсадни аниқлаш, мақсадга эришиш режасини ишлаб чиқиш, режа бўйича ижодкорлик ишларини ташкил қилиш, унинг амалга ошишини назорат қилиш, ушбу тизим фаолиятини тартибли олиб бориш ва махсус ечимлар қабул қилиш каби босқичларни олади.

Ҳар қандай бошқариш жараёни, аввало, мақсадни белгилаш, яъни мақсадни тўғри қўя билишдан бошланади. Бу эса бошқариш объектининг айни пайтдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ривожланиши мумкин бўлган имкониятларини ўрганишдан бошланади. Илмий-техник ижодкорликни мақсадли педагогик бошқариш моҳиятига кўра объектив тавсифга эга, унда инсон шахсини камол топтиришнинг объектив қонунлари ўз ифодасини топган. Бундан ташқари мақсадли бошқариш тафаккур маҳсули ва улар шахсларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида шаклланади. Мақсад, ўз навбатида, педагогик объектдаги ўзгаришларнинг йўналишлари, бошқариш фаолиятини унинг асосий турлари ва уларнинг мазмунини белгилаб беради.

Мақсадли педагогик бошқариш ўз мазмунига кўра вақт омили ва шароитига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади. Йўналиш мазмуни эса, шартли равишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий ва илмий-техникавий мақсадлар сифатида гуруҳланади.

Илмий-техник ижодкорлик фаолиятига тайёрлашнинг муҳим шартли мақсадли педагогик бошқаришда қатнашувчи шахсни юқори даражадаги объектив ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Объектив ахборотгина мақсадга йўналтирилган фаолият учун ҳаракатлантирувчи восита бўла олади.

Инсоннинг мияси турли хил ахборотларни турли даражада қабул қилиш қобилиятига эга, бу эса маълумотларни енгил, эркин ва қизиқарли узатишни талаб этади. Техник воситалардан машғулотлар ўтказиш жараёнида самарали фойдаланиш дидактика муаммоси ҳисобланиб, асосан, кўрсатмалилик принципини таъминлаш борасидаги фаол ҳаракат, усул деб баҳоланади.

Таълим жараёнида кўрсатмалилик зарурати билиш жараёнининг характери, яъни жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, ундан кейин эса амалиётга ўтиши билан боғлиқ. Педагог ва психологларнинг таъкидлашича, сезги ва тасаввур қилишдан ташқарида фикрлар ҳаракатланмайди, шунингдек, ўқитиш жараёнида ҳам олға силжиш бўлмайди. Демак, кўрсатмалилик фақат онгга таъсир этиш билан чегараланмасдан ўрганувчидан маълум ҳис-ҳаяжонли, мотивни ҳам юзага чиқаради, ҳис этиш ва мантиқий фикрлаш бирлиги асосидагина эгалланган билимлар мустаҳкамланади.

Бугунги кунда таълимни ривожлантиришнинг янги поғонасида ўқитишни техник воситаларсиз кўтариб бўлмайди. Замонавий педагогик технологияларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири – ахборотларни ўқувчи-талабаларга узатиш тезлиги айнан шу воситалар ёрдамида таъминланади

Шундай қилиб, фаннинг ривожланиши билан илмий-техник тараққиёт бир-бирини тақозо этиб, ижодий фаолиятни ташкил этиш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш муайян даражада бошқариш йўналишларини ўз ичига олади. Аммо ўқув машғулотларини таълим методлари билан бойитиш таълим тизими ва мантиқини бузмаслиги керак. Замонавий педагогик технология ўқувчи-талабаларда ижодий қобилиятни шакллантиришга имкон берувчи ахборотлар йиғиш ҳамда улардан машғулот жараёнида фойдаланиш йўлида маълум имкониятларни яратади. Ушбу маълумотлар эса фан асосларининг ахборот таъминоти мазмуни ва ижодкорлик методларини бошқариш имкониятларини белгилайди. Талабаларни ижодий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг самараси кўп жиҳатдан унинг ахборот таъминотига эга бўлишини ва педагогик жиҳатдан бошқариш йўналишларининг тизимли ҳамда узлуксиз бўлишини тақозо этади.



## ХУЛОСА

Маърифатли ва маданиятли дунёниг таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, шунингдек, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган муҳит ҳамда унда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти катта бўлади. Зеро, шахс мансуб бўлган муҳитда унинг тафаккури, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Шахс фаолият олиб бораётган муҳит доирасида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим соҳасида олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича ислохотлар мамлакат иқтисодиётини малакали мутахассислар билан таъминлашга имкон беради. Мазкур масаланинг долзарблигини таъкидлаб, Президентимиз И.А.Каримов “-Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга”, деган эди. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошиб бориши жамиятимиз ижтимоий соҳасининг марказий халқаси бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотларга олиб келди. Ўқувчи ва талаба ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштириш, уларга берилаётган таълим мазмунини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва бойитиш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаб бериш учун янгидан-янги қонунлар ва ҳужжатлар қабул қилинмоқда, замонавий педагогик технологиялар яратилмоқда. Замонавий педагогик технология фан асослари бўйича ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва амалга оширишни кўзда тутади.

Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш, уларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш керак. Ўқув-тарбия жарёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил этиш муваффақиятлар гаровидир. Бунда барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади. Машҳур инглиз адиби Ж.Бернард Шоу топиб айтганидек, “-Билимга элтувчи ягона йўл, бу-фаолиятдир.” Ана шундай фаолиятнинг ўқувчи ва ўқитувчи меҳнати кўринишидаги турлари омикталашганида кутилганидан зиёдароқ натижага эришиш мумкин бўлади.

Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, улар қандай кўринишда (анъанавий ёки ноанъанавий дарслар, синфдан ва мактабдан ташқари ўқув-тарбия тадбирлари, маъруза ёки амалий машғулотлар) ташкил этилишидан қатъий назар, илмий-назарий, илмий-методик ва маърифий-маънавий жиҳатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак

педагогик самарани бериши мумкин. Бунда, албатта, билим олувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари, қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинадиган машғулотлар кўзда тутилади. Бунинг учун эса таълим ва тарбия берувчининг мукамаллик даражасидаги педагогик маҳорати ва касбий салоҳияти талаб қилинади. Ўт-далали алмашлаб экишни деҳқончилик маданиятига дунё амалиётида биринчи бўлиб тавсия этган таникли тупроқшунос олим Р.Вильямснинг “-Ёмон ер йўқ, балки ундан ҳосил ундириш йўлини билмайдиган укувсиз деҳқонлар бор”, деган пурҳикмат иборасига педагогик ўзгариш киритиб айтадиган бўлсак, “-Ёмон ўқувчи(билим олувчи) йўқ, балки унга ўқиш-ўрганишнинг мақбул йўлини кўрсата олмайдиган ношуд ўқитувчи(педагог.тарбиячи)ларгина бор”.

Кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди. Билимсизда методик маҳорат бўлишига ишониб бўлмаганидек, буларнинг ҳар иккисига эга бўла туриб, одамийликдан беҳабар шахснинг ҳам ўқитувчилигидан не фойда? Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат ҳам юқорида тилга олинган учликнинг тугаллигисиз схоластика ботқоғига ботиб тураверади.

Таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлиги-жуда кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу борада ягона ва қудратли тавсия ёки йўл-йўриқ бериб бўлмайди. Ҳаттоки, замонавий педагогик ёки ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам фойдалана билишнинг ўзига хос ва ўзига мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак. Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам ўқитишнинг минг (балки, миллион) йиллик анъана ва тажрибалари, тўпланган улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим. Эски ва янгининг ўзаро муносабати, базис ва устқурманинг мутаносиблиги, анъана ва ташаббуснинг келишувчанлик тамойилларини унутмаслик керак.

Ўқитувчи(педагог)нинг меҳнатига фақат унинг тасарруфидаги шахсларнинг укув, кўникма, малака ва билим сифатига қараб баҳо берилиши лозим. Ҳа, айнан билим сифатига (билим даражаси ҳам эмас, қўйилган рейтинг баллари ҳам эмас, ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам эмас!) қараб баҳолаш одилона иш бўлади.

Олий ўқув юртларида ахборот-коммуникация технологияларини замонавий педагогик технологиялар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва ўқитувчи(педагог)лар меҳнатининг фойдали иш коэффициенти оширади.

Бошқача айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти-таълим жараёнига тизимли ёндашув ва ранг-баранг педагогик фаолиятдан иборат хизмат кўрсатиш саналади.

Айни даврда замонавий педагогик технология – тизимли ёндашувлар асосида ўқитишнинг шакллари қулайлаштириш, унинг натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун зарур бўлган инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини намоиш қилади. Таълим

мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул, метод ва воситаларларни хилма-хиллаш, таълим ва тарбия жараёнлари мазмунини чуқурлаштириш-булар ҳаммаси таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш демакдир. Ваҳоланки, такомиллаштиришнинг чегараси, яъни охири йўқ, дейилади. Шундай бўлгач, педагогик технологиялар ҳам, педагогик маҳорат ҳам сарҳадсиз тушунчалардир. Бу борада қанча кўп изланилса ва қанчалик ташаббускорлик бўлса-шунчалик камдек туюлаверади. Ўқитишнинг энг оддий ва бош ҳақиқати ҳам ана шундадир. Ўқитувчи(педагог)ларнинг фақат ана шу тахлитдаги фаолияти охир-оқибатда юксак ижтимоий буюртманинг бажарилишига олиб келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999 й.
7. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Тошкент: ТДПУ, 2003.
9. Бахриев А., Бахриева Н. Янги педагогик технологиялар орқали ўқитишда ички мотивацияни шакллантириш. / “Халқ таълими” журнали, 2006, № 6. - 25-28 б.
10. Жумаев А. Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллик омили./ “Халқ таълими” журнали, 2006, № 6. -17-20 б.
11. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Изд-во Института профессионального образования Министерства образования России, 1995.
12. Оғаев С. Янги педагогик технология-хаётий эҳтиёж. / “Халқ таълими” журнали, 2001, № 3. -69-71 б.
13. Педагогика профессионального образования. Под ред.В.А.Сластенина. -М.: Академия, 2004.
14. Питюков В.Ю. Основные педагогической технологии. –М.: Гном-Пресс, 1999.
15. Поульсен С. Введение в современную методику преподавания.- Бишкек: Кесип, 2007.
16. Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006.
17. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003.
18. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. –М.: Народное образование, 1998.
19. Толипова Ж., Нумонова Н. Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялар. / “Халқ таълими” журнали, 2002, № 3. -20-24 б.
20. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари./ Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
21. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б.Ю., Баубекова Г.Д., Тилабова Н.Т. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2002.

- 22.Кудратов Р. Ўқув фаолияти-ижтимоий ҳодиса. / “Халқ таълими” журнали, 2002, № 4. -58-61 б.
- 23.Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М. Педагогика. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Фан, 2006.


# ИЛОВАЛАР

1-илова

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН ЎҚИТИШДАГИ УСЛУБИЙ ТИЗИМ



## ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ




## ЎҚИТИШ ПИРАМИДАСИ





ДИДАКТИК САККИЗБУРЧАК  
Ўқиш(ўрганиш)нинг мақсади



ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ АСОСИЙ  
КОМПОНЕНТЛАРИ:

1. Давлат таълим стандартлари.
2. Ўқув режаси.
3. Фан бўйича намунавий дастур.
4. Фан бўйича ишчи ўқув дастури.
5. Технологик харита.
6. Дарс ўтиш календар режаси.
7. Маърузалар матни.
8. Амалий машғулотлар тафсилоти ва мазмуни .
9. Асосий таянч тушунчалар.
10. Масала – машқлар ва тестлар.
11. Фан бўйича оралик, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.
12. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.
13. Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоёиш этилувчи материаллар.
14. Амалий иш ўйинлари.
15. Курс иши мавзулари.
16. Реферат мавзулари.
17. Битирув малакавий иш мавзулари.
18. Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.


## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

- Инсонпарварлик ва демократик педагогик муносабатга асосланган педагогик технология (шахсий муносабатни шакллантириш, якка ҳолдаги ёндашув, демократик бошқарув, очиқ инсонпарварликка йўналтирилган мазмун).
- Таълим олувчиларни фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технология. (ўйинли технологиялар, муаммоли ўқитиш, керакли тушунчалар, коммуникатив ўқитиш).
- Ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаларга асосланган педагогик технология. (программали ўқитиш, дифференцияли ўқитиш технологияси, якка ҳолда ўқитиш, истиқболли ўқитиш гуруҳли ва жамоавий ўқитиш технологияси, ахборотли технология).
- Ўқув материални методик такомиллаштириш ва дидактик реконструкция қилишда педагогик технология. (ақлий ҳаракатни шакллантиришнинг тартибли технологияси, дидактик бирликни мустаҳкамлаш технологияси ва бошқалар).
- Халқ педагогикасига асосланган технология.
- Муқобил технология.
- Умумий политехнология.

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН  
ХУСУСИЙ МЕТОДИКА ОРАСИДАГИ АЙРИМ  
ФАРҚЛАР**

Асосий тушунчалар	Педагогик технология	Методика
Таърифлар	Педагогик технология — инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат	Методика — маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади
Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
Қўллаш миқёси	Бутун таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанлари ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
Воситалар	Барча таълим-тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси, таълим менежменти ва маркетинги, таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради, етарли тайёргарликка эга мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларига таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Бир муаллимнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллаш олмайдилар. Бунда натижалар ҳар кишида ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади
Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан	Таълим-тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан

## МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ЕЧИМЛАРИ




## КЎРГАЗМАЛИЛИК МЕТОДИНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ



## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ




## МАВЗУНИ КОМПЛЕКС ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ТАРКИБИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ





ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА  
МАЪРУЗА МАТНИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ  
ТАХМИНИЙ ТУЗИЛМАСИ



## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ




Шунингдек,

- 1) дарс давомидаги мустақил фикрлаш фаолияти;
- 2) дарсдан ташқари (синфдан ва мактабдан, таълим муассасасидан ташқари) вақтдаги мустақил ишлар;
- 3) оилавий шароитдаги мустақил ишлар;
- 4) АКТ лари билан мулоқот давомидаги мустақил ишлар;
- 5) ижодий тадқиқот ишларига яқин ҳаракатлар;
- 6) талабаларда мустақил муаммоларни ечишга ҳаракат уйғотиш;
- 7) индивидуал ва гуруҳий хусусиятларни ҳисобга олиш;
- 8) мустақил ишларини индивидуализациялаштириш;
- 9) ёрдам, ижодий ёрдамни ташкил қилиш.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОНИТОРИНГИ

(пировард натижаси)

I босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирганини исбот эта билиш
III босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, хулоса чиқариш, ўзаро боғлаш
IV босқич	Татбиқ эта билиш	Қоида-қонунни англаш ва қўллаш
V босқич	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI босқич	Баҳо олиш	Янги билимга ўтиш



## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ БИЛАН АЛОҚАДОР АЙРИМ СЎЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**Абсолют ва нисбий ҳақиқат** – билиш жараёнининг тараққиётини белгиловчи категориялардир. Нисбий ҳақиқат ўсиб абсолют ҳақиқатга айланади.

**Абстракт тафаккур**-нарса ва ходисаларнинг бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари, қонуниятлари ҳақидаги мавҳум тушунчалар асосида фикрлаш тури. Бунда мавҳум тушунчалар ҳосил қилинади.

**Абстракт тушунча** — нарса ва ходисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунчалар.

**Авторитар педагогика (авторитар педагогик технология)** — таълим-тарбия жараёнига раҳбарликда ўқитувчининг обрўсига асосланиш, унга ўқувчиларнинг кўр-кўрона, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

**Авторитет** — шахсниинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

**Адаптив машғулот** — ўқувчининг ташқи муҳитга, жамоага, меҳнат вазибаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулот.

**Алгоритм** — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартибини (қоидасини) билдиради.

**Алгоритмлаш** — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари)нинг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси)ни белгилаш жараёни.

**Атама** — табиий тилдаги сўз ёки сўз бирикмалари (реал ёки абстракт нарсаларни ифодаловчи). Атаманинг у ёки бу контекстдаги маъноси тўғрисидаги масала доим муҳокама қилинади, чунки одатдаги тил кўп маъноли. Одатдаги тил кўп маъноли бўлгани сабабли, атаманинг ҳар бир ҳолатдаги қўлланилиши маъноси муҳокама қилиб борилади.

Бир фан ёки илмий назарияда атамалар битта маънода ишлатилади.

Атамалар назарий ва эмпирик турларга ажратилади. Назарий атамалар тажриба билан асосланган, эмпирик атама эса тажриба орқали тасдиқланган хулосаларга тегишли бўлади.

**Бакалавр, магистр** - олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

**Бакалаврият** - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

**Билим** — борлиқни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси. Обьектив реалликнинг инсон онгида адекват акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, мулоҳаза, назариялар). У кундалик, илмий, эмпирик, назарий билимларга ажратилади.

Кундалик билим соғлом фикрга ва кундалик амалий фаолият шаклларига асосланади. Инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти-ҳаракатлари ва олдиндан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

*Илмий билим* — тизимли, асосли ва нарса, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борадиган бўлади. У эмпирик ва назарий даражада бўлади.

*Эмпирик билим* — билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усуллари қўллаш натижасидир. У нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Эмпирик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларнинг мунтазам такрорланиши эмпирик қонунлар ёрдамида ифодаланади ва улар, кўпинча, эҳтимоллик хусусиятига эга бўлади.

*Назарий билим* — эмпирик ҳолатларни тасвирлаш, тушунтириш, яъни нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган қонунларни очишни назарда тутди.

**Билиш** — объектив борлиқнинг онгда акс этишининг олий шакли бўлиб, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёнидир. Билиш қуйидаги даражаларда бўлади:

*Ҳиссий билиш* — сезгилар, идрок, тасаввур орқали.

*Рационал билиш* — тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хулосалардан ўтиб назарияларда ўрин олади.

Шу билан бирга билиш — кундалик, бадий, илмий бўлади. Илмий билиш табиатни ва жамиятни билишга ажралади.

**Бирламчи модул** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

**Вертикал педагогика** — юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил қилиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуйида ўқийдиган ўқувчилардан оталикдаги ўқувчиси бўлади.

Ўқувчиларга ўзларидан қуйи синф мавзусини такрорлаш, кейин қуйи синф ўқувчисидан синов олиш варақасини (саволлар, мисол ёки топшириқни) тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуйи синф ўқувчиси мавзунини тўлиқ ўзлаштиргунича ўзаро мулоқот давом этади. Натижада ёмон баҳолар бўлмайди.

**Гуруҳли таълим** — бир ўқитувчи бир неча ўқувчини ўқитадиган таълим шакли. Гуруҳлар ўқувчилар сонига қараб: кичик (3—6 ўқувчи), ўрта (7—15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи) гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни қўллаш жараёнида яқка таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

**Диагностика** — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

**Дидактика** — педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**Инверсив таълим** — ағдариш, жойини алмаштириш; тафаккур тизимини шакллантириш йўналишидаги таълим.

**Инновация** — янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

**Интеграл** — чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; ўз чексиз кичик қисмларининг йиғиндиси.

**Интеллект** — инсоннинг умуман билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти; тушуниш, мулоҳаза, тафаккур, ақл.

**Интерфаол машғулот** — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

**Йўл** (русча — приём) — бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.

**Кичик модул** — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

**Когнитив** — атроф-олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференцияловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

**Креатив** — тадқиқотчилик характериға эға; ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадға йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

**Кўникма** — онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатға айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турға: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларға бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишиға олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

**Магистратура** - бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

**Малака** — шахснинг маълум касбға яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалари йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмасликни қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали тўлдирилади. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади.

**Малака амалиёти** - ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва уқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми.

**Малака ошириш** — мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда ривожлантириш жараёни.

**Малака талаблари** - узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

**Маркетинг** — бозор ҳолатини чуқур ўрганиш, олдиндан баҳоларни билган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар ташкил қилиш, ғоялар яратиш ва уларнинг сотувини ташкил қилиш орқали юқори фойда олишни таъминлаш.

**Маҳорат** — шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгаллан-ган билим, кўникма, малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

**Менежер** — корхона, муассаса, ташкилотни замонавий усуллар асосида бошқарувчи мутахассис.

**Менежмент** — корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган бошқариш, яъни ходимлар ва ишчилар меҳнатини ташкил қилиш тамойиллари, усуллари, воситалари, шакллари.

**Модул** — педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар, гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „ғиштча"лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қуйидагича таърифланади:

**Модул даражаси** — педагогик технологияни тасвирлаш қўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

**Модул тўплами** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

**Модуллаштириш** — педагогик технология материалларини модулларга ажратиш жараёни.

**Мониторинг** — корхона, ташкилот, муассаса ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида махсус ташкил қилинган тизимли кузатув. Меъёрий хужжатлар, юқори ташкилотларнинг буйруқ ва қарорлари ижроси ўз муддатида ҳамда қандай сифат ва даражада амалга ошириляётганлигини кузатув тизими.

*Таълим-тарбия соҳасида мониторинг* — ўқув жараёни ва уни бошқаришнинг узлуксиз кузатувини олиб бориш.



**Метод** — грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ, усул маъноларини билдиради. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки қиёфаси, шакли, кўриниши.

**Методик** — методикага тегишли қатъий кетма-кетликка, тизимга, илгаридан ўрнатилган режа, тизимга аниқ, риоя қилиш.

**Методика** — бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикалардан ташкил топади. Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

**Методист** — бирор ўқув фанини ўқитиш ёки тарбиявий ишлар методикаси соҳасидаги мутахассис.

**Методологик** — методологияга тегишли, назарий асосланиш.

Методология — билишнинг илмий методи ҳақидаги таълимот. Бирор фанда қўлланадиган методлар мажмуаси.

**Мотив** — одамни ўқишга ёки бирор ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси.

**Олий маълумот даражаси** - шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда ўзлаштириши натижаси.

**Олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом)** - аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради.

**Олий таълим** - узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура.

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** - олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти** - таълимнинг бакалаврият муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Педагогик технология** — энг қисқа ва умумлаштирилган таърифи: баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

Шу билан бирга педагогик технологиянинг кенг кўламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини таклиф қилишимиз мумкин:

Педагогик технология — ахборотларни ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно-мазмунларни очиш ҳамда ахборотлар орасидаги янги боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология — таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий-усубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология — бу ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини кўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техникавий ва одам ресурсларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология — маълумотларни ўзлаштиришни таъминлаш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология — инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат.

Педагогик технология — ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология — ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг мустақил равишда билим олиши, ўрганиши, ўзлаштириши жараёни.

Бу фаолиятни амалга ошириш уни ташкил қилиш, олиб бориш, такомиллаштириш, таҳлил қилиш, тадқиқ қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, бошқариш, назорат, баҳолаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу фаолият бошқа ҳамма фаолиятларга хос бўлган белгиларга эга бўлиб, аввало, жараён кўринишида амалга оширилади ва шу кўринишда мавжуд бўлади. Шу билан бирга, бу жараён ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, бу қонуниятларни инсоният томонидан ўрганиш давом этмоқда.

**Педагогика** — таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий масалаларини ўрганувчи фан. У баркамол инсонни вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

**Перцептив қобилият** — ўқувчининг руҳий ҳолатини ҳис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

**Салбий мотив** — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан қаршилиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

**Стратегия** — ташкилот, соҳалар, ҳудудлар, мамлакат, миллат тақдири учун жиддий аҳамиятга эга бўлган, аниқ белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узоқ муддатли дастури. Таълим соҳасидаги бош мақсадларга қаратилган узоқ муддатли ишларни амалга ошириш дастури таълим стратегиясини ҳосил қилади.

**Тактика** — бош мақсад йўлида хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил қилиш усули. Пировардида, стратегик мақсадларга кўпроқ самара билан эришишни таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини мос равишда ҳисобга олиш.

**Тарбия** – 1. Болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик. 2. Иш-хунар, одоб-ахлоқ ўргатишга ва, умуман, кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими. 3. Парвариш, қаров: 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтирмоқ; 2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ; 3) парвариш қилмоқ.

**Тафаккур операциялари** — қиёслаш, таҳлил, синтез, абстрактлаштириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш.

**Таълим** – илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланиши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим.

**Таълим дастури** - ўқув фанларининг бакавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхати.

**Таълимнинг жамоа усули (жамоа таълими)** — ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш шакли. Ҳар бир ўқувчига янги дарс мавзуси бўйича бир варақдан кам бўлмаган ҳажмдаги илмий матн ёки мақолани қайта сўзлаб бериш ва ҳамма саволларга жавоб бера олиш даражасида ўрганиш топширилади. Ҳар бир ўқувчи навбатма-навбат бир неча ўқувчи билан биттадан абзацни, мисолни, саволни ўзаро муҳокама қилиб, ўзлаштиради. Сўнгра кичик гуруҳ ёки бутун синф олдида сўзлаб берадилар ва ўқитувчининг саволларига жавоб қайтарадилар, ёзма баён қилишлари ҳам мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида яққа ва гуруҳли таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

**Таълим менежери** — таълим муассасасини замонавий менежмент қонунларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

**Таълим методи** — ўқитувчининг ўқувчилар билан мунтазам қўллайдиган, ўқувчиларга ўз ақлий қобилиятларини ва қизиқишларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имконини берувчи иш усули.

**Таълим сифатини назорат қилиш-ўқитиш** мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.

**Технолог** — бирор технология мутахассиси.

**Технология** — бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланадиган йўллар, усуллар мажмуаси.

**Тренер** — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун махсус тайёргарликка эга мутахассис.

**Тренинг** — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотлар.

**Тушуниш (I)** — тафаккур жараёни, янги мазмунни ўзлаштириш ва уни мавжуд ғоя ҳамда тасаввурлар тизимида қўшиш. Илмий билишнинг асосий функцияларидан бири.

**Тушуниш (II)** — маълум намуна, стандарт, меъёр ёки тамойил асосида баҳолаш жараёни ва натижаси.

Тушунишга ёрдам берувчи *изоҳлаш* — баҳолаш стандартини излаш ва уни муҳокама қилинаётган масалага мувофиқ келишини асослашдан иборат.

Табиатни тушуниш унинг ҳодисаларига унда нималар рўй бериши лозимлиги нуқтаи назардан, яъни нарса ва ҳодисаларнинг меъёрийлиги ёки табиийлиги тўғрисидаги илгариги тасаввурларни билиш тажрибасига таянадиган ўрнатилган нуқтаи назардан келиб чиқадиган баҳо беришдан иборат.

Тушунтириш — илм-фаннинг энг асосий вазифаси. Атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни тушунтиришнинг дастлаб мифологик, диний, натурфилософия тизимлари пайдо бўлган. Ҳозир тушунтиришнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

*Илмий тушунтириш* — объектив қонуниятлар асосида тушунтириш. Бу — воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини тўғри тушунтириш ҳисобланади.

*Рационал тушунтириш* — ҳодисалар ва одамлар ҳаракати қандай амалга оширилган бўлса, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, асли ҳолича тушунтиришдан иборат.

Бундан ташқари, ҳаракатни амалга оширувчининг мақсадини тушунтиришда ҳам унинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, шу мақсаднинг ўзини тушунтириш шакли қўлланилади.

**Тушунча** — нарса ва ҳодисалар, уларнинг хоссалари, улар орасидаги муносабатларни акс эттирувчи фикрлар.

Илмий тушунчада моҳиятни ифодаловчи алоҳида белгилар умумлаштирилади.

Ҳар бир тушунчанинг мазмуни ва ҳажми бўлади. Мазмун — тушунча орқали акс эттирилган белгилар йиғиндиси, шу мазмунга тегишли белгиларга эга нарса ва ҳодисалар йиғиндисидан иборат,

Тушунчада акс эттириладиган нарсалар доим кенгроқ синф таркибидан ажратувчи белгиларга эга бўлиб, шу кенгроқ синфга нисбатан турларни ифодалайди. Масалан, турли бурчакли учбурчаклар — умуман учбурчаклар синфига нисбатан тур. Учбурчаклар эса геометрик шакллар синфига нисбатан тур ҳисобланади.

Тушунчалар ҳажмига кўра — ҳажмсиз, бир элементли, кўп элементли бўлади:

—ҳажмсиз — *олтин тоғи; сув париси.*

—бир элементли — *Улугбек расадхонаси; Самарқанд шаҳри.*

—кўп ёки умумий элементли — *ўсимлик; рақамлар; тарихий воқеа; табиат ҳодисаси.*

Тушунчанинг мазмуни ортса, ҳажми камайди ва аксинча. Масалан, учбурчак тушунчаси мазмунига тенг томонли белгисини қўшсак, унинг мазмуни, яъни белгилари сони ортди ва ҳажми камайди, чунки тенг томонли учбурчак тушунчаси, учбурчаклар тушунчасининг бир қисмини ташкил қилади. Тушунчалар қуйидаги турларга ажратилади:

—илмий тушунчалар. Бу барча фанларга оид бўлиб, физикавий, кимёвий, фалсафий, тиббий, техника, сиёсат, ҳуқуқ, иқтисод, тарихий ва бошқа тушунчалар;

—бадий-эстетик тушунчалар — санъат, адабиёт, мусиқа, театр, кино ва бошқалар;

—спорт, жисмоний тарбия, касб-ҳунарларга оид тушунчалар;

—мифологик, диний тушунчалар ва бошқалар.

**Услуб** — бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш учун қўллаш лозим бўлган усуллар мажмуаси.

**Усул** — бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш тартиби.

**Фаоллик** — бирор мақсад йўлида ақлий, жисмоний ва бошқа ҳаракатларни тез ва унумли амалга оширишга интилиш.

**Эвристик** — йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими; топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи; ўқув-изланишли; оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

**Эксклюзив** ~ ғайри оддий, фақат маълум бир объектга тааллуқли, ўзига хос бўлган хусусиятлар ва бошқа белгилар. Фақат ўзига берилган (ҳуқуқ).

**Эмпирик** — хиссий тажриба асосидаги билимлар ва уларнинг ягона манбаини хиссий тажриба деб тушуниш.

**Якка таълим** икки хил шаклда бўлади: 1) бир ўқувчини бир ўқитувчи ўқитиши — таълимнинг жуфт шакли; 2) мустақил таълим олиш — таълимнинг якка шакли.

**Яқунловчи давлат аттестацияси** – стандартлаштирилган таълим турлари ҳамда бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан таълим дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

**Ўзлаштириш** — тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши.

Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги учта даражага ажратилади:

1) ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш;  
2) уларни амалий фаолиятда қўллаш; улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

3) уларни ижодий таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

**Ўрганиш** — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

**Ўргатиш** — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

**Ўқитиш сифатини назорат қилиш** - талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

**Ўқитишнинг меъёрий муддати** - таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат.

**Ўқув йили** - олий таълим муассасасида бир таълим курсини яқунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2007-2008 ўқув йили.

**Ўқув фанлари блоки** - таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми.

**Ўқув режаси** – стандартлаштирилган таълим турларининг муайян йўналиши ёки маутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.

**Ўқув семестри** - таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича яқуний назорат билан тугалланадиган қисми.

**Ўқув фани** – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, уқув ва кўникмалар тизими.

**Ўқув фани дастури** - таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

**Ҳамиждорлик** — таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда ижодий фаолият олиб бориши.

**Ҳамкорлик педагогикаси (ҳамкорлик педагогик технологияси)** — таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга йўналтирилган тизим.

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
<b>I боб. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.....</b>	<b>5</b>
1.1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг долзарб муаммолари .....	5
1.2. Педагогик технологиянинг умумий асослари.....	13
1.3. Педагогик технологиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг таърифлари .....	23
<b>II боб. Педагогик технологиянинг тавсифий жиҳатлари .....</b>	<b>31</b>
2.1. Педагогик технологиянинг манбалари, методологик асослари ва унинг турлари .....	31
2.2. Таълим-тарбияга технологик ёндашув .....	37
<b>III боб. Педагогик технологиянинг шаклланиши ва унинг замонавий тузилмаси.....</b>	<b>48</b>
3.1. Таълим технологияси ва унинг тузилиши.....	48
3.2. Таълимда ахборот технологиялари .....	55
3.3. Педагогик технологияда қўлланиладиган усул ва воситалар .....	62
<b>IV боб. Педагогик технологияни жорий этиш муаммолари .....</b>	<b>71</b>
4.1. Муаммоли таълим технологиясининг мақсад ва вазифаси .....	71
4.2. Инновацион технологиялар асосида иқтисодий фанларни ўқитиш .....	75
<b>V боб. Дидактик ўйинли технологиялар .....</b>	<b>89</b>
5.1. Дидактик ўйинли машғулотлар .....	89
5.2. Ўқитишнинг фаол педагогик технологиялари .....	98
<b>VI боб. Педагогик технология: сифат ва самарадорлик .....</b>	<b>104</b>
6.1. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари.....	104
6.2. Талабалар танқидий фикрини ривожлантиришда интерфаол методларнинг ўрни .....	116
<b>VII боб. Ўқитувчи-касб эгаси сифатида .....</b>	<b>121</b>
7.1. Ўқитувчининг шахсий ва касбий хусусиятлари .....	121
7.2. Ўқитувчининг нутқ маданияти.....	127
<b>VIII боб. Масофавий ва модулли ўқитиш .....</b>	<b>135</b>
8.1. Масофавий ва модулли ўқитиш ва уларнинг ривожланиш босқичлари.....	135
8.2. Масофавий таълим тизими ва ўқитишнинг техник воситалари .....	138
<b>IX боб. Педагогик технологияни қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишлар .....</b>	<b>144</b>
9.1. Айрим педагогик ва психологик тажрибалар .....	144
9.2. Педагогик технологиянинг тажриба-синовлари.....	149
<b>X боб. Педагогик технология ва педагогик маҳорат уйғунлашувининг истиқболлари.....</b>	<b>152</b>
10.1. Олий таълимда замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти.....	152
10.2. Илмий-техник тараққиёт ва таълим жараёнини технологиялаштириш вазифалари .....	157
Хулоса .....	161
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	164
Иловалар .....	166

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«УМУМИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА»  
КАФЕДРАСИ

Омонов Ҳожиқул Товбоевич,  
Хўжаев Нутфилло,  
Мадьярова Светлана Аминовна,  
Эшчонов Эркабой Ускинович

**«ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВА  
ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ»**

**ДАРСЛИК**

Тошкент – 2007



### **Аннотация**

Мазкур дарслик иқтисодиёт олий ўқув юрларининг давлат таълим стандартлари ва “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” курсининг намунавий ўқув дастурига мувофиқ равишда яратилди. Унда педагогик технология асослари, унинг таркиби, тузилиши, вазифалари ва унга бўлган замонавий ёндашувлар ҳамда ундан амалда фойдаланишга доир тавсиялар баён қилинган.

Дарсликдан олий ўқув юрларининг талабалари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ҳамда таълим технологиялари ва ўқитиш методикаси бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

### **Аннотация**

Данный учебник создан на основе требований государственных образовательных стандартов и в соответствии типовой учебной программы по курсу «Педагогические технологии и педагогическое мастерство» экономических высших учебных заведений. В ней изложены основы педагогических технологий, их структура, задачи и современные подходы к ним, а также рекомендации по практическому использованию.

Учебник предназначен для студентов экономических вузов, с нею могут пользоваться преподаватели вузов, а также исследователи, занимающиеся в области технологий образования и методики преподавания.

### **Annotation**

The manual is fulfilled on basis requirements state educational standarts on according to typical educational programme “Pedagogical technology and pedagogical skills” for economical higher education.

The material has exceptionally scientific and economic character.

## «ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ»

дарслигининг муаллифлари тўғрисида **М А Ъ Л У М О Т Н О М А**

**1. ОМОНОВ ҲОЖИҚУЛ ТОВБОЕВИЧ** – педагогика фанлари доктори, профессор. 1946 йилда туғилган, миллати-ўзбек. 1967 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кимё-биология бўлимини битирган. 1967-1998 йилларда шу институт “Кимё” кафедрасининг ўқитувчиси, аспиранти, доценти, профессори, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. 1998-2003 йилларда Республика Аттестация бошқармасида бўлим бошлиғи ва бош эксперт бўлиб ишлади. 2004-2006 йилларда А.Авлоний номли Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш институтида профессор сифатида хизмат қилди. 2006 йилнинг сентябридан Тошкент Молия институтининг “Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика” кафедрасида профессор лавозимида ишламоқда. Унинг 150 дан зиёд нашр этилган ишлари бўлиб, улар орасида дарслик, ўқув қўлланмалари ва илмий-методик рисолалар мавжуд.

**2. ХЎЖАЕВ НУТФИЛЛО** – иқтисод фанлари доктори, профессор. 1942 йилда туғилган, миллати-ўзбек. 1959 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг математика-чизмачилик бўлимини битирган. 1959-1969 йилларда мактабда ўқитувчи, 1970-1973 йилларда Москва давлат университетида аспирант, 1974-1994 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ишлаган. 1995 йилдан буён Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Педагогика-психология” кафедрасининг профессори ва мудири лавозимларида ишлаб келмоқда. Унинг 100 дан ортиқ босилиб чиққан ишлари бўлиб, уларнинг орасида дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда методик тавсияномалар анчагинадир.

**3. МАДЪЯРОВА СВЕТЛАНА АМИНОВНА** – педагогика фанлари номзоди, доцент. 1946 йилда туғилган, миллати-ўзбек. 1968 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти бўлимини битирган. 1970-1971 йилларда шу институтда ўқитувчи, 1971-1974 йилларда Москва давлат педагогика институтида аспирант, 1974-1980 йилларда Тошкент вилоят педагогика институтида доцент, 1980-1983 йилларда Тошкент давлат медицина институтида доцент сифатида фаолият кўрсатган. 1983 йилдан ҳозиргача Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг “Умумий педагогика” кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг қаламига 100 га яқин босилиб чиққан ишлар тегишли бўлиб, уларнинг аксарияти илмий-методик ва илмий-услубий характердадир.

**4. ЭШЧОНОВ ЭРКАБОЙ УСКИНОВИЧ** – педагогика фанлари номзоди, доцент. 1966 йилда туғилган, миллати-ўзбек. 1984-1986 йилларда қуролли кучлар сафида хизмат қилган. 1989 йилда Тошкент давлат университетининг кимё факультетини битирган. 1989-1992 йилларда мактабда кимё фанидан дарс берган. 1992 йилдан бошлаб Урганч давлат университетининг “Умумий кимё” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан ҳозирга қадар шу кафедранинг мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг ёқлаган номзодлик диссертацияси ўқитиш методикаси бўйича бўлиб, нашр этирилган ишларининг деярли барчаси таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

**Тошкент Молия институти «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедрасининг мажлис баённомасидан**  
**К Ў Ч И Р М А**

3-апрель 2007 йил

№15

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Кафедранинг барча аъзолари

Мажлис раиси: кафедра мудири, доц. Жўраев Т.Т.

Мажлис котибаси: катта ўқитувчи Жалолова Д.

**Эшитилди: Профессор Ҳ.Т.Омонов, профессор Н.Хўжаев, доцент С.А.Мадьярова ва доцент Э.У.Эшчоновларнинг «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» дарслигининг муҳокамаси.**

Сўзга чиқдилар: Кафедра мудири Т.Т.Жўраев, проф. С.Ҳасанов, проф. Ҳ.Т.Омонов, проф. в/б Б. Р. Рустамов, доц. Ҳ.А.Ҳакимов, катта ўқитувчи Авалова Г. ва бошқалар.

Проф., пед. ф. д. Ҳ.Т.Омонов:

Маълумки, кафедрамиз «Қасб таълими» бакалаврият йўналиши бўйича иқтисодчи-педагоглар тайёрлашда мутахассислик кафедраси саналади. Бу йўналиш бўйича битирувчи кадрларимизга балаб йилдан-йилга ортиб бораяпти. Уларнинг аксарияти “Бизнес ва бошқарув” таълим йўналишлари ҳамда “Қасб таълими” йўналиши негизида тайёрланадиган магистратура мутахассисликлари соҳасида ҳам таҳсил олишлари мумкин. Амалдаги ўқув режаларида барча магистратура мутахассисликлари учун «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фани киритилган. Бу фан бўйича намунавий ўқув дастури ва унинг асосида ишчи ўқув дастури яратилган. Бироқ ҳозиргача иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ушбу фанинг дарслиги яратилмаганлиги туфайли вазирликнинг топшириғи асосида шартнома йўли билан биз шундай дарсликни ёзиб тугатдик. Унга ички эксперт хулосасини кафедрамизнинг профессори, педагогика фанлари доктори С.Ҳасанов ижобий баҳо билан берди. Ташқи тақриз эса Низомий нгомли ТДПУ нинг “Умумий педагогика” кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор М.Х.Тўхтаўжаевдан олинди. Тақризчилар муаллифларга қимматли маслаҳатлар берган ҳолда дарслик қўлёзмасини кейинги босқичларда муҳокама қилишга тавсия этишди.

Мажлис қатнашчилари проф.Ҳ.Т.Омонов ва бошқа муаллифларга дарсликнинг мазмун ва моҳияти юзасидан саволлар беришди ҳамда ўзларини қизиқтирган масалаларга тегишли жавобларни олишди. Сўнгра проф. М.Х.Тўхтаўжаеванинг тақризини мажлис аҳлига котиба Д.Жалолова ўқиб эшиттирди. Кейин яна бир тақризчи, проф.С.Ҳасановга сўз берилди.

Проф. С.Ҳасанов: Яхши дарслик яратилган, деб ўйлайман. Муаллифларнинг бой илмий-педагогик салоҳияти сезилиб турибди. Дарслик

яхши тилда ёзилган, материалларга бой. Такризимда керакли фикр-мулоҳазаалримни баён этганман. Лекин шуни ҳам таъкидлайманки, педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат бўйича барчага маъқул келадиган дарслик яратиш осон иш эмас. Бу борада бошқа нуфузли олий ўқув юртларидан жалб этилган ҳаммуаллифлар бир-бирини муносиб тарзда тўлдирганлар ва ишнинг умумий натижаси ёмон бўлмаган.

Проф.в/б Б.Рустамов, доц.Х.А.Ҳакимов ва катта ўқитувчи Г.Аваловалар ҳам дарслик қўлёзмаси юзасидан ижобий фикр билдиришди.

Кафедра мудири Т. Т. Жўраев билдирилган таклифларга яқун ясаб, қуйидаги фикрларни билдирди:

Кафедрамизнинг фаол, ўз устида тинмай изланувчи ўқитувчиларидан бири, проф. Ҳ.Т.Омонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи нисбатан қисқа фурсат ичида анча самарали ишлаб ўзига хос, оригинал ва фойдали дарслик яратдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг турдош ўқув юртлари олимлари билан дарслик тайёрлаш бўйича қўйилган вазифасини бажариш нуқтаи назаридан ҳам, тайёрланажак мутахассис кадрларимизнинг малакасига қўйилаётган талаблар нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ иш бажарилди, деб ҳисоблаймиз.

Мажлис қатнашчиларининг таклифлари билан музокара тўхтатилди.

### **Кафедра мажлиси қарор қилади:**

1. Профессор Ҳ.Т.Омонов, профессор Н.Хўжаев, доцент С.А.Мадьярова ва доцент Э.У.Эшчоновларнинг «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» дарслигини чоп этишга тавсия этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Молия институти қошидаги «Олий ўқув юртлараро илмий-услубий кенгаши»дан кафедранинг тавсиясини қўллаб-қувватлаш сўралсин.

3. Муаллифларга дарсликни нашр қилишга тайёргарлик жараёнида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш топширилсин.

Кафедра мудири:

Т. Жўраев

Мажлис котибаси:

Д. Жалолова

**Тошкент Молия институти қошидаги Олий  
ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш  
ҚАРОРИ**

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2007 йил

№\_\_

Тошкент ш.

**“Бизнес ва бошқарув” бакалавриат таълим йўналишлари негизда тайёрланадиган магистратура мутахассисликлари талабалари учун Ҳ.Т.Омонов, Н.Хўжаев, С.А.Мадьярова ва Э.У.Эшчоновлар томонидан тайёрланган «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» номли дарсликни нашр этиш тўғрисида.**

Ушбу масала бўйича Институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашнинг раиси, проф. А.Ваҳобовнинг ахбороти тингланди. У ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимини ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш Олий таълим тизими олдидаги долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Маълумки, институтимизда олий таълимнинг магистратура босқичи доирасида иқтисодчи мутахассислар тайёрланади ва уларнинг ўқув режасига «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» номли ўқув предмети киритилган. Ана шу мутахассисликларнинг талабалари учун Ҳ.Т.Омонов, Н.Хўжаев, С.А.Мадьярова ва Э.У.Эшчоновлар томонидан «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» номли янги дарслик тайёрланди. У ушбу фан бўйича ёзилган биринчи дарслик бўлиб, унда педагогик технология ва педагогик маҳоратнинг асослари баён қилинган ҳамда иқтисодий фанлардан дарс беришда қўлланиладиган асосий интерактив методлар ва улардан дарс жараёнида фойдаланишнинг йўл-йўриқлари кўрсатилган. Дарсликни яратишда кўп йиллик илмий-педагогик меҳнат фаолиятига эга бўлган ва нуфузли олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларининг муаллифлар гуруҳи таркибида қатнашганлиги ҳам жуда ўринли иш тарзида қайд этилиши лозим. Шу жиҳатдан мазкур дарслик нафақат талабаларга, балки профессор-ўқитувчиларимизга ҳам дарс жараёнини талаб даражасида ташкил этишга катта ёрдам беради, деб ўйлайман. Дарсликка берилган тақризлар ижобий, уларда бу ўқув адабиётига эҳтиёж катта эканлиги таъкидланган.

Сўнгра сўз дарслик муаллифларидан бири-проф.Ҳ.Т.Омоновга берилди. У ўз нутқида ««Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фани магистратуранинг барча мутахассисликлари учун ўқитилиши кўзда тутилганини таъкидлади ва бу фан бўйича давлат тилида дарслик яратилмаганлигини қайд этди. Янги дарсликни яратишдаги методологик ёндашув ва дарсликнинг тузилмаси ҳақида гапирар экан, у амалдаги намунавий ўқув дастурига мувофиқ тарзда ёзилганлиги ҳамда муаллифларнинг бу ишдаги иштироки тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, мазкур дарсликни ёзишда муаллифларнинг ўзлари қатнашган таълим самарадорлигини оширишга бағишланган халқаро семинар ва конференциялар материаллари, мавжуд ўқув қўлламалари ҳамда бошқа манбалардан ижодий тарзда фойдаланилганлигини эслатиб ўтди. Албатта, бу дарслик илк бора яратилаётганлиги туфайли ҳам унда

камчиликлар бўлиши мумкинлиги, экспертлар хулосаларида кўрсатилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниши ва мазкур Кенгашда билдириладиган кўрсатма ҳамда маслаҳатлар ҳам эътиборда тутилиши ҳақида ҳам сўз борди.

Шундан сўнг услубий Кенгаш аъзоларининг фикрлари ҳам тингланди, уларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Дарслик қўлёзмасига тақдим этилган Тошкент давлат педагогика университети «Умумий педагогика» кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор М.Х.Тўхтажоева, Тошкент Молия институти «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедрасининг профессори, педагогика фанлари доктори С.Ҳасановларнинг тақризлари ва «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедрасининг ушбу дарслик муҳокамасига бағишлаган мажлиси баённомасидан кўчирма ўқиб эшиттирилди. Дарсликнинг иқтисодиёт олий ўқув юртлари магистратураси барча мутахассисликлари талабалари учун зарур ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилиши ва уни нашр этишга тавсия қилиш мумкинлиги эътироф этилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида илмий-услубий Кенгаш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ушбу масала юзасидан Кенгаш раиси А. Ваҳобов, тақризчилар ва муҳокама иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин ҳамда инобатга олинсин.

2. «Бизнес ва бошқарув» бакалаврият таълим йўналишлари негизида тайёрланадиган барча магистратура мутахассисликлари талабалари учун Ҳ.Т.Омонов, Н.Хўжаев, С.А.Мадьярова ва Э.У.Эшчоновлар томонидан тайёрланган «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» номли дарслик нашрга тавсия этилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг «Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ» йўналиши бўйича илмий-методик бирлашмасидан илмий-услубий Кенгаш қарорини қўллаб-қувватлаш сўралсин.

Илмий Кенгаш раиси:

А. Ваҳобов

Кенгаш котиби:

Т. Боймуротов

Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари,  
Олий ва ўрта махсус таълим вазири  
**Р. С. Қосимовга**

**Мухтарам Рустам Собирович!**

Тошкент Молия институти ректорати «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедрасида шартнома асосида проф. Ҳ.Т.Омонов, проф. Н.Хўжаев, доц. С.А. Мадьярова ва доц. Э.У.Эшчоновлар томонидан «Бизнес ва бошқарув» бакалавриат таълим йўналишлари негизида тайёрланадиган барча магистратура мутахассисликлари талабалари учун яратилган «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» номли дарсликни ОЎМТВ қошидаги Илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг «Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ» йўналиши бўйича илмий-методик бирлашма Кенгашида кўриб чиқишга рухсат ва уни нашр эттириш учун гриф беришингизни сўрайди.

Ҳурмат ила,  
Ректор

А. Ваҳобов